ҚУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ҚУРИЛИШДА ҲАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ

ҚМҚ 3.01.02-00

РАСМИЙ НАШР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ 2007

УДК 69.05:658.345.8(083.74)

ҚМҚ 3.01.02-00 «ҚУРИЛИШДА ҲАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ» Ўзбекистон Республикаси Даваархитектқурилиш - Тошкент, 2000 й.

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН: «Лойиҳақурилиштехташкилқилиш» ОТАЖ (мавзу раҳбари) Б.А.Ахмедов, ижрочилар В. А. Казимов (иқт.ф.н.), Г.И. Лапшин, «Тоштураржойинвестқурилиш» ФСК Меҳнатни муҳофазалаш бўйича мутахассислар ассоциацияси (ММА)дан С.А. Малакшинов, В.И.Гаевсий.

МУҲАРРИРЛАР: Ф.Ф.Бакирханов, Б.Э.Ходжаев, Н.И.Петров (ЎзР Даваархитектқурилиш), В.А.Казимов, Б.А.Ахмедов, Г.И.Лапшин, С,С.Малакшинов, В.И.Гаевский («Лойиҳақурилиштехташкилқилиш» ОТАЖ).

ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАНГАН: ЎзР Даварҳитект-қурилиш иқтисодиёт ва қурилишни ташкил қилиш бошқармаси (Н.Б.Ходжаев).

ҚМҚ 3.01.02-00 «Қурилишда ҳавфсизлик техникаси»нинг амалга киритилиши билан СНиП Ш-4-80* Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз кучини йўқотади.

Ушбу ҳужжат Даваархитектқурилиш рухсатисиз тўла ёки қисман кўчирилиши, кўпайтирилиши ва расмий нашр сифатида тарқатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давархитектқурилиш)	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари	ҚМҚ 3.01.02-00
	Қурилишда ҳавфсизлик техникаси	СНиП III-4-80* ўрнига

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 Ушбу меъёрларга ва қоидаларга янги биноларни қуришда, мавжуд қоидаларни, биноларни ва иншоотларни қайта қуришда, таъмирлашда, кенгайтиришда ва техник қайта қуришда (келгусида - «қурилиш объектлари»), қурилиш- монтаж ишларини бажаришда риоя қилиниши, шунингдек, ишларни бажариш лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши лозим

Ишларни ҳавфсиз бажариш талаблари ушбу меъёрлар ва қоидаларда кўзда тутилмаган қурилиш-монтаж ишларидан, конструкциялардан, инвентарлардан, технологик жиҳозлардан, ускуна ва нақлиёт воситаларидан фойдаланилган ҳолларда тегишли давлат стандартлари, шунингдек, белгиланган тартибда тасдиқланган бошқа жорий меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши лозим.

1.2 Объектлар қурилишини амалга оширувчи ташкилотлар ёки корхоналар (келгусида - «ташкилотлар») раҳбарлари (келгусида – “иш берувчилар») маҳкамавий оидликдан, мулкчилик шаклидан қатъий назар, ушбу ташкилотлар ходимлари ва қурилишга жалб қилинувчи бошқа шахслар томонидан ушбу меъёрлар ва қоидаларнинг бажарилишини таъминлашлари, шунингдек касаба кўмитаси (ёки ушбу ташкилотнинг бошқа вакили билан бирга) билан келишилган ҳолда иш берувчиларнинг, муҳандисий-техник ходимларнинг, бригадирлар ва ишчиларнинг 1-Иловага мос ҳолда Намунавий ҳолатлар асосида белгиланувчи функционал бурчларини тасдиқлаб қўйилишлари лозим.

1.3 Иш берувчи Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат муҳофазаси» ҳақидаги қонунига ҳамда ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва саломатлиги устуворлиги ҳақидаги муҳим муҳофазаси соҳасидаги давлат сиёсати асосий томонларига риоя қилиши лозим. Меҳнат муҳофазасига зарурий маблағлар ажратиши лозим. Ишловчиларнинг сони 50 ва ундан ортиқ одамдан иборат бўлган ташкилотларда меҳнат муҳофазасига оид

«Техлойиҳақури-лишташкилқилиш» ҳиссадорлик жамияти томонидан киритилган	Ўзбекистон Республикасининг давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2000 йил 17 июлдаги 38-рақамли буйруғи билан тасдиқланган	Ишга тушириш муддати 2001 йил 1 январдан

ҳизмат ташкил қилинади, шунингдек 50 ва ундан ортиқ нақлиёт воситаларига эга бўлганда йўл ҳаракати ҳавфсизлиги ҳизмати тузилади, ушбу ҳизматлар ҳуқуқлари асосий ҳизматларга тенглаштирилади ҳамда у иш берувчига бўйсинади, ишловчилар сони ва нақлиёт воситалари сони кичик бўлган ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ҳизмати функцияларини бажариш раҳбарлардан бирига юкланади. Меҳнат муҳофазаси ишларини Ўзбекистон СФП билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ёки юқори маҳкама, вазирлик, корпорация, ассоциация ва бошқаларнинг «қоидалари» билан тасдиқланган меҳнат муҳофазасини ташкил қилиш ҳақидаги намунавий қоидалари мос тарзда ташкил қилинади.

14. Машиналарни, электр ва пневмо-асбобларни ҳамда технологик қурилмаларни ишлатишда ҳавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулият қуйидагиларга юкланди:

- машиналар, асбоблар, технологик қурилмалар, жумладан, ҳимоя воситаларига ушбу воситаларни ўз балансида (ўз карамоғида) сақловчи ташкилотга (шахсга), агар улар вақтинчалик фойдаланишга (ижарага) берилган ҳолда уларни, агар ушбу масала шартномада махсус кўрсатиб қўйилмаган бўлса, ишлатаётган ташкилотга (шахсга);

- меҳнат ҳавфсизлиги бўйича ўқитишни ва йўриқнома беришни - штатида ходимлари бўлган ташкилотга;

- ишларни бажаришда хавфсизлик талабларини бажариш ишни бажарувчи ташкилотга (шахсга) юкланади.

1.5 Қурилиш майдончасида ва участкалардаги ишларни бажаришга кичик пудратчи ташкилотларни (якка тарзда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларни ҳам ўз ичига олганда) жалб қилган ҳолда ишлар бажарилаётганда, бош пудратчи қўйидагиларни бажаришга мажбурдир.:

- жалб қилинувчи кичик кўрсаткичлар билан биргаликда қурилишда иштирок этувчи барча ташкилотлар ва шахслар учун мажбурий бўлган бош пудратчи ва кичик пудратчи ташкилотлар муносабатлари қоидаларига мос тарзда ишларни ҳавфсиз шароитларини таъминловчи тадбирлар (биргаликда бажариладиган ишлар графиги) режаси ишлаб чиқилади;

- ўзлари режалаштирган тадбирларнинг бажарилишини ҳамда кичик пудратчиларнинг ўзларига бириктирилган иш участкаларида қурилиш ҳавфсизлигини бажариш қисмини амалга ошириш;

- пудрат шартномаларини тузишда қурилиш майдонлари ва иш участкалари ҳудудларида меҳнат ҳавфсизлиги шароитларини таъминлаш бўйича тадбирларни бажаришга томонларнинг ўзаро масъуллиги кўзда тутилган.

1.6 Мавжуд корхона ёки цех ҳудудида ишларни бошлаш олдидан буюртмачи (корхона) ва бош пудратчи кичик пудратчи ташкилотлар иштирокида 2-Илова шаклида акт рухсатни расмийлаштириши лозим. Акт-рухсатда кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилишига қурилиш монтаж ташкилотларининг ҳамда мавжуд корхонанинг раҳбарлари масъулдирлар.

1.7 Ишлаб чиқариш ҳавфи юзага келиши мумкин бўлган (бажарилувчи

ишларнинг характерига боғлиқ бўлмаган тарзда) жойларда ишлар бошланиши олдидан ишларнинг масъул ижрочисига 3-Иловага мос тарзда юқори ҳавфга эга бўлган ишларни бажариш учун кўрсатма рухсат берилиши лозим.

1.8 Буюртма-рухсат берилиши лозим бўлган ишларнинг руйхати 4-Иловага, шунингдек маҳаллий шароитлар ва қурилиш хусусиятларига мос тарзда ишларнинг намунавий рўйхати асосида тузилиши, ҳамда иш берувчи ёки қурилиш монтаж ташкилотининг бош муҳандиси томонидан тасдиқланиши лозим.

1.9 Буюртма-рухсат иш берувчининг буйруғи билан ваколатланган шахслар ичидан муҳандис техник ходим томонидан берилиши лозим. Ишлар мавжуд корхона ҳудудида бажарилаётганда, буюртма-рухсат, бундан ташқари яна мавжуд корхонанинг тегишли лавозимдор шахси томонидан имзоланиши лозим. Буюртма-рухсат ишларнинг берилган ҳажмини бажариш учун зарур бўлган муддатга берилади. Ишларни бажариш шароитлари ўзгариб қолган ҳолда буюртма-рухсат бекор қилинади ҳамда янги буюртма-рухсат берилганидан кейингина ишлар қайтадан бошланади.

Ишларни бажаришга буюртма-рухсат берган шахс ишларнинг масъул раҳбари томонидан мехнат ҳавфсизлигини таъминлаш тадбирларини бажараётганлиги устидан назорат ўрнатиши лозим.

1.10 Баландликда мустақил ишларни бажаришга 18 ёшдан кичик бўлмаган, тиббиёт кўригидан ўтган ва яроқли деб топилган, камида бир йиллик юқорида ишлаш стажига ҳамда учинчидан паст бўлмаган таъриф разрядига эга бўлган шахсларга (ишчилар ва муҳандис-техник ходимларга) рухсат берилади. Баландликда бажариладиган ишларга биринчи марта қўйилаётган ишчилар бир йил давомида иш берувчининг буйруғи билан тайинланган тажрибали ишчиларнинг бевосита назорати остида ишлашлари лозим.

Изоҳ. Баландликда бажарилувчи ишлар деб ер сиртидан, ёпмадан ёки ишчи тагликдан 5 метрдан ортиқ баландликда конструкцияларни монтаж қилиш ёки таъмирлашда бевосита бажарилаётган ишлар ҳисобланиб бунда ишловчиларнинг баландликдан тушиб кетишларидан сақловчи асосий восита вазифасини сақлагич белбоғлар бажаради.

1.11 Қурилиш ташкилотларининг ишчилари, раҳбарлари, мутахассислари ва ҳизматчилари тузилган жамоа шартномасига мос тарзда белгиланган меъёрлардан кам бўлмаган, ёки ундан ортиқроқ миқдорда махсус уст-бош, махсус пойабзал ҳамда ишларнинг тури ва ҳавф даражасини ҳисобга олган ҳолда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланишлари лозим. Кўрсатилган шахслар улардан мўлжалланган мақсадларда фоидаланишлари лозим.

1.12 Қурилиш майдончасидаги барча шахслар ГОСТ 12.4.087-84 бўйича ҳимоя каскаларида бўлишлари лозим. Ҳимоя каскасига ва зарурий бошқа шахсий ҳимоя воситаларига эга бўлмаган ишчилар ва муҳандис-техник ходимлар ишларни бажаришга қўйилмайдилар.

1.13 Шахсий ҳимоя махсус уст-бошларни, махсус пойабзалларни ва бошқаларни бериш, сақлаш ва ишлатиш мавжуд меъёрлар ва

йўриқномаларга мос равишда амалга оширилишлари лозим.

1.14 Қурилиш объектларида ишлаётган ишчилар, раҳбарлар, мутахассислар ҳамда хизматчилар мавжуд меъёрларга, қурилиш ва монтаж ташкилотлари учун яратилган инвентар бинолар, иншоотлар ва қурилмалар ҳамда уларнинг мажмуалари номенклатурасига мос тарзда, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши (СФП) билан келишилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғликни сақлаш вазирлиги тасдиқланган меҳнат шароитларига гигиеник талаблар ва қурилиш ташкилотлари ишчиларини санитария-маиший таъминлаш гигиеник талабларига (СанПиН 00.23-94) мос тарзда санитария-маиший бинолар (гардероблар, махсус уст-бош ва пойабзал учун қуритгичлар, душлар, овқатланиш, дам олиш ва исиниш учун хоналар, аёллар гигиенаси хоналари ва ҳожатхоналар) билан таъминланишлари лозим.

Қурилиш майдонида ишловчилар учун санитария-маиший хоналарни ва мосламаларни ишлатишга тайёрлаш асосий қурилиш монтаж ишлари бошлангунча тугалланиши лозим.

Мавжуд корхоналарни қайта қуришда шу қайта қурилувчи корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишга зарурлигини эътиборга олган ҳолда санитария-маиший хоналари яратилади.

1.15 Қурилиш-монтаж ишларини «вахта усули»да бажарувчи ходимлар «Узоқ ва жуда муҳим объектларда қурилиш-монтаж ишларини вахта усулида бажариш» низомига кўра, ижтимоий-маиший ва тиббий ҳизмат кўрсатиш, шунингдек уч марта овқатланиш билан таъминланишлари лозим.

1.16 Қурилишнинг ҳар бир объектига шикастланганларга дастлабки ёрдам кўрсатиш учун дорили аптекачалар, замбиллар, қисиб қўйиш учун шиналар ва бошқа воситаларга эга бўлган хоналар ёки жойлар ажратилиши лозим.

1.17 Қурилиш майдончасида барча ишловчилар сифати санитария талабларига мос келувчи ичимлик сув билан таъминланишлари лозим. Ичиш қурилмалари ишлаш жойларида кўпи билан уфқ бўйича 75 м дан вертикал бўйича 10 м масофада жойлаштирилиши лозим.

1.18 Иш берувчи қурилиш майдончасида ва ишлаш жойларида меҳнат муҳофазаси бўйича қоидалар ва йўриқномалар талабларини ўз қўли остидаги ишчилар ва ҳизматчилар бажаришлари учун зарурий шароитлар яратиб бериши лозим. Ҳавфсизликка таҳдид юзага келганида ташкилот бўйича буйруқ асосида ишларга бош қилиб қўйилган шахс ишларни тўхтатиши ва таҳдидни бартараф қилиш бўйича чоралар қўриши, лозим бўлганида эса, одамларни ҳавфсиз жойга олиб кетишни таъминлаши лозим.

Қурилиш майдончаси ҳудудида, ишлаш жойларида, ишлаб чиқариш ва санитария маиший хоналарда бегона шахсларнинг, шунингдек маст ҳолда бўлишлари тақиқланади.

1.19 Бош пудратчи қурилиш ташкилоти иш бажарувчиси ўзининг барча бўлинмаларини ва назоратдаги объектларда ишлаётган кичик пудратчи ташкилотларни об-ҳавонинг кескин ўзгариши (довул, бўрон шамол, чақмоқлар, қор ёғиши ва б.) ҳақида хабардор қилиши лозим.

1.20 Ташкилотнинг иш берувчиси тасдиқлаган лавозимлар бўйича

ҳизматдаги муҳандис-техник ходимлар (усталар, иш бошқарувчилари, катта иш бошқарувчилари, участка механиклари ва бошқа муҳандис-техник ходимлар) даврий равишда, камида йилига бир марта, бажарадиган ишларининг характерини ҳисобга олган ҳолда меҳнат хавфсизлиги бўйича билимлари текширилиши лозим. Режадагидан ташқари текширувлар ходим бошқа лавозимга кўчирилганда, шунингдек давлат меҳнат назорати ва техник инспекция талабларига кўра ўтказилади.

Билимларни текширувчи иш берувчи тайинланган ҳайъат амалга ошириб, натижаларни қайд қилиш журналида (билимлар назорати қайдномаси) ҳамда 5-Иловага кўра шаходатномада расмийлаштиради. Шаходатнома ишончнома асосида берилади.

Меҳнат муҳофазаси масалаларини қаноатланурсиз билган ҳизматчилар корхона бўйича буйруқ асосида ишларга бош бўлишда навбатдаги текширилувчига четлаштирилади. Такрорий текширилувда билимлар қаноатланурсиз баҳоланган тақдирда бажарилувчи ишга паст малака туфайли мос эмаслиги асосида (Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 100-моддаси 2-банди) ушбу шахс билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

Иш берувчилар, бош мутахассислар-ҳайъат аъзолари ҳавфсизлик техникаси меъёрлари ва қоидаларини билишликка юқори ташкилотлар ҳайъатларида, агар бундай ҳайъатлар бўлмаса, у ҳолда Ўзбекистон, Қорақалпоғистон Республикалари Меҳнат вазирликлари, вилоят (шаҳар, туман) меҳнат, бандлик ва аҳолининг ижтимоий ҳимоя бошқармалари (бўлимлари) қошидаги доимий ишловчи ҳайъатларда шаходатланишлари лозим.

1.21 Ташкилот штатига қабул қилинган ишчиларга ишлашга рухсат бериш ва уларнинг иш бажариши жараёнида иш берувчиларни ГОСТ 2.0.004-90 бўйича меҳнат муҳофазасига ўқитиши ва йўриқнома бериши лозим. Ишчиларни меҳнат фаолияти жараёнида талабларининг бажаришлари лозим бўлган меҳнат муҳофазаси йўриқномалари билан таништириш кафолат имзоси асосида бажарилади. Меҳнат муҳофазаси йўриқномалари ЎзР Меҳнат вазирлиги Ўзбекистон СФП ҳамда «Саноатконтех-назорат» (собиқ Давшаҳартехназорат) билан келишилган ҳолда тасдиқлаган меҳнат муҳофазаси йўриқномаларини ишлаб чиқиш Низоми талабларига мос келиши лозим.

Меҳнат муҳофазаси бўйича такрорий йўриқ ўқуви барча ходимлар учун уч ойда камида бир марта ўтказилиши лозим.

Қурилиш-монтаж ишларини мавжуд корхона ҳудудида бажарилаётганда, йўриқ ўқувни ҳудудида ишлар бажарилаётган корхона еки цех раҳбарияти меҳнат муҳофазаси (ҳавфсизлик техникаси) ходимларини жалб қилган ҳолда ўтказилиши лозим.

1.22 Ташкилот штатига янгидан қабул қилинган ҳамда ишга олиш ҳақидаги буйруқда ишларни бажаришда ҳавфсиз усулларга ўрганмаган ишчилар ишга олинганидан кўпи билан бир ой ичида камида 10 соатли дастур бўйича, меҳнат ҳавфсизлиги бўйича 1.23-6.га кура қўшимча талаблар қўйиладиган ишларни бажаришга қўйилувчи ишчилар эса, ишлашни бошлагунча камида 20 соатлик дастур бўйича ўқитишлари лозим. Ўқитиш

дастурлари 10-иловада баён қилинган масалалар руйхатини ҳисобга олган ҳолда тузилиши ҳамда иш берувчи ёки ташкилотнинг бош муҳандиси томонидан тасдиқланиши лозим.

Ўқувдан ўтмагунларича ишчилар ишларни мустақил бажаришга (уларнинг розилиги билан бошқарувчилар томонидан тайинланган тажрибали ишчилар назоратисиз қўйилмайдилар).

Ўқув тугаганидан сўнг ва келгусида ҳам ҳар йили ёки бир ташкилотдан бошқасига ўтганларида ишчилар иш берувчи ёки ўша ишчилар ўтган ташкилотнинг бош муҳандиси тасдиқлаган ўқув дастури ҳажмида меҳнатнинг ҳавфсиз усулларини билганлиги хақида билим назоратидан ўтишлари лозим.

Билимлар назорати иш берувчи буйруғи билан тайинланган ҳайъат томонидан амалга оширилади. Текширувни билим назорати қайди журналида ва 5-иловага мос шаклдаги шаходатномада ёзув билан расмийлаштирилади. Шаходатномалар ишонч имзоси асосида берилади.

Текширувда билими қаноатланурсиз бўлган шахслар ишга қўйилмайди ҳамда икки ҳафта муддат ичида такрорий синовдан ўтказилади. Иккинчи марта қаноатланурсиз баҳо олган шахсларни иш берувчи кейинги ишлардан четлануви лозим.

Ўзбекистон Республикаси давлат назорати маҳкамаларига қарам бўлган машиналарни, ускуналарни, қурилмаларни ишлатувчи ҳамда ишларни бажарувчи ташкилотлар ходимлари (шахслари) ишларга шу назорат маҳкамаларининг талабномаларига мос тарзда ишга қўйиладилар.

1.23 Меҳнат ҳавфсизлиги бўйича қўшимча талаблар қўйиладиган ишчи касблари ҳамда қурилиш монтаж ишлари турлари рўйхати 6-Иловада келтирилган таҳминий рўйхат асосида белгиланди.

Меҳнат ҳавфсизлиги бўйича қўшимча талаблар қўйиладиган қурилиш-монтаж ишларини бажаришга касбий имконларига эга бўлган, ушбу ишларни бажаришнинг ҳавфсиз усуллари ва йўллари бўйича ўқувни ва билим назоратини ўтган ҳамда тегишли шаходатномалар олган, 18 ёшдан кичик бўлмаган шахсларга рухсат берилади. Ўқув ва билим назоратидан ўтгунларича бундай шахслар мустақил ишлашга қўйилмайдилар.

1.24 Ишлаб чиқариш амалиётини (ишлаб чиқариш ўқувини) ўтаётган 18 ёшгача бўлган коллежлар ва умум-таълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари «18 ёшгача бўлган шахслардан фойдаланиш тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати»га киритилган ишлаб чиқаришларда, касбларда ҳамда мавжуд санитария-гигиена меъёрлари остидаги ишларда ҳамда ишлаб чиқариш ўқуви ва амалиётга (ишлаб чиқариш ўқувига) раҳбарлик қилиш учун тайинланган қурилиш монтаж ташкилоти ходими назорати остида, ҳамда ушбу ишлаб чиқаришларда ва ишларда мавжуд санитария-гигиена меъёрларига қатъий риоя қилган ҳолда кунига кўпи билан тўрт соат бўлишлари мумкин.

1.25 Ишлаб чиқариш амалиётини коллежлар ҳамда Олий ўқув юрти талабалари ўтаётганда қурилиш монтаж ташкилотининг раҳбарияти қуйидагиларга мажбурдир:

- ишларни ҳавфсиз олиб боришга масъул муҳандис-техник ходимни тайинлаган ҳолда жойларда ҳавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари талабларига риоя қилиш устидан қатъий назорат ўрнатиши;

- қурилиш монтаж ташкилоти ҳамда ўқув орасида тузилган шартномада кўрсатилмаган ёки тегишли тармоқ марказий қўмитаси билан келишилган жуда ҳавфли ишлар рўйхатига кирувчи ишларни кўрсатилган шахслардан фойдаланишга рухсат бермаслик;

- ишга қабул қилиш буйруқларида кўрсатилган касбларга мос тарзда ишчилар учун намунавий дастурлар асосида кўрсатилган шахсларни жойларига ишлашга юборгунча ишларни бажаришнинг ҳавфсиз усулларига ўқитишни ишлаб чиқариш топшириғини беришда эса ушбу бобнинг 1.21-бандига мос тарзда ҳар бир шахсни ишларни ҳавфсиз бажариш бўйича йўриқномалар билан таъминлаши;

- кўрсатилган шахсларга санитария-маиший ҳизмат кўрсатишни таъминлаши ҳамда уларга бепул махсус кийим, махсус пойабзал ҳамда якка ҳимоя воситалари берилишини.

1.26 Зарарли ва оғир меҳнат шароитларида банд бўлган ишчилар ва жойлардаги муҳандис-техник ходимлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартиб ва муддатлар, мавжуд корхона ҳудудида ишлар бажараётганлар эса, бундан ташқари ушбу корхонада ишлайдиган шахслар учун белгиланган тартибда тиббий назоратдан ўтишлари лозим.

1.27 Қурилиш-монтаж ташкилотида меҳнат муҳофазаси бўйича ўқув-методик ишларни бажариш ҳамда ташвиқот қилиш учун меҳнат муҳофазаси бўйича намунавий қоидаларга мос келувчи меҳнат муҳофазаси кабинети ташкил қилиниши лозим. Маиший биноларда эса меҳнат муҳофазаси бўйича стендлар ўрнатилади.

1.28 Ушбу иқлимий ҳудудда очиқ ҳаводаги ишларни бажаришни тўхтатиш ҳамда иситилмайдиган нақлиёт воситаларида одамларни ташиш тўхтатиладиган ташқи ҳавонинг ҳарорати ва шамол кучи чегаравий қийматлари қурилиш майдончалари жойлашган жойнинг туман ҳокимиятлари томонидан белгиланган тартибда аниқланади.

1.29 Иш берувчилар қонунчилик ёки жорий меъёрлар белгиланган тартибда аёллар ва ўсмирлар меҳнатидан фойдаланишда чеклашларга риоя қилишлари лозим. Аёллар ва ўсмирларни юкламаларни қўлда кўтариш ва кўчириш билан боғлиқ ишларни жалб қилган ҳолларида Ўзбекистон Республикаси бош давлат санитария шифокори тасдиқлаган СанПиН 0051-96 ва СанПиН 0052-96 да белгиланган юкларни кўтариш меъёрларига риоя қилишлари лозим.

1.30 Ишларни бажариш лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ва тасдиқловчи ташкилотлар уларда меҳнат хавфсизлиги, унинг таркиби ва мазмунига оид ечимларни 7-Иловада баён қилинган талабларда мослигини кўзда тутиш лозим. ИБЛ сиз ишларни бажариш, шунингдек ИБЛ мавжудлигида унга кўрсатилмаган ишларни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

1.31 Қурилиш-монтаж ишларини бажаришда қўлланиладиган машиналар, ускуналар ва технологик мосламалар ўзларининг техникавий тавсифномалари бўйича ишларни ҳавфсиз бажариш шартларига мос бўлишлари лозим.

1.32 Ишларни бажаришда портлаш ва заҳарлаш хоссаларига эга бўлган полимер материаллар ва буюмлардан белгиланган тартибда тасдиқланган уларни ишлатиш йўриқномалари билан танишмаган ҳолда бажариш тақиқланади. Импорт полимер материаллар ва буюмлардан фақат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат санэпидемиология назорати Республика маркази билан келишилган тарздагина фойдаланишга рухсат берилади.

2. ҚУРИЛИШ МАЙДОНЧАЛАРИНИ, ИШ УЧАСТКАЛАРИНИ ВА ИШ ЎРИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

2.1 Қурилиш майдончасининг, иш участкаларининг ва ишчи ўринларининг ташкилий ишларни бажариш лойиҳаси (ИБЛ), ГОСТ 12.3.002-75 талабларига мос бўлиши ҳамда ишчилар меҳнатининг ишини бажариш барча босқичларида ҳавфсизликни таъминлаши лозим.

Ҳудуди яккаланган участкалар телефон алоқаси ёки радиоалоқа билан таъминланиши лозим.

2.2 Қурилиш майдончасини ташкил қилишда, иш участкаларини, ишчи ўринларини, машиналар ва нақлиёт воситаларининг ўтувларини, одамлар учун йўлларни ташкил қилаётганда ҳавфли ишлаб чиқариш омиллари доимо ёки потенциал мавжуд бўладиган соҳаларда одамлар учун ҳавфли зоналарни аниқлаб қўйиш лозим.

Ҳавфли зоналар ҳавфсизлик белгилари ва белгиланган шаклдаги ёзувлар билан белгиланиб қўйилиши лозим.

2.3 Ҳавфли ишлаб чиқариш омиллари доимо мавжуд бўладиган зоналар қуйидагилардир:

- электр қурилмаларнинг изоляцияланмаган қисмлари яқини;
- йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаралардан юқори концентрацияларда зарарли моддалар мавжуд бўлган ёки йўл қўйилиши мумкин бўлганидан юқори интенсивлиги шовқинлар таъсир қиладиган жойлар.

2.4 Ишлаб чиқариш омилларининг потенциал ҳавфли таъсир қилувчи зоналарига қуйидагилар оиддир:

- қурилаётган бинонинг (иншоотнинг) яқинидаги ҳудуд участкалари, конструкциялар ва ускуналар монтажи (демонтажни амалга оширилаётган жой остидаги бино қаватлари ва иншоот қисмлари;
- баландлиги бўйича 1,3м ва ундан ортиқ тўсилмаган нишобли зона яқинлари;
- машиналарнинг, ускуна ёки уларнинг қисмлари, ишчи аъзоларининг ҳаракатланган зоналари;
- устида юк қўтарувчи кранларда юкларнинг кўчиши юз берадиган

жойлар.

2.5 Ҳавфли ишлаб чиқариш омиллари доимий мавжуд бўладиган зоналар чегараларида ГОСТ 23407-78 талабларини қаноатлантирувчи ҳимоя (сақлагич) тўсиқлар ўрнатилиши, ҳавфли ишлаб чиқариш омиллари потенциал мавжуд бўладиган зоналарда эса, ГОСТ 23407-78 (ГОСТ 12.4.059-89) талабларига жавоб берувчи ва ҳавфсиз белгилари бўлган сигнал тўсиқлар қўйилиши лозим.

Кўрсатилган зоналарда ишлар бажарилаётганда, ишловчиларнинг ҳавфсизлигини таъминловчи ташкилий-техникавий тадбирлар кўрилиши лозим.

2.6 Юк кўтариш кранлари қўлланиладиган объектлар қурилаётганда, 2.7-бандга кўра белгиланувчи ҳавфли зоналарга одамлари, нақлиёт ёки пиёда йўллари (йўлакалар) бўлган қўшни бинолар кириб қолган ҳолларда қурилишни ташкил қилиш лойиҳасида одамларнинг ҳавфсизлигини таъминловчи ечимлар (тадбирлар) кўзда тутилиши лозим, жумладан:

- нақлиёт ва пиёда йўлларини, шунингдек ишлатилувчи биноларга кириш ва чиқувларни ҳавфли зоналар ташқарисига чиқаришни;

- ҳавфли зонага кириб қолган дераза ва эшик бўшлиқларини, шу ҳол учун махсус мўлжалланган сақлагич тўсиқлар билан тўсишни;

- конструкциялари кўчирилаётган юклар тасодифан тушиб кетган ҳолларда одамларнинг ҳавфсизлигини таъминлайдиган бинолар ва иншоотлардан ёки қурилишни ташкил қилиш лойиҳасида қурилиш-монтаж ишлари вақтида кўрсатилган бинолар ва иншоотларнинг қурилишини ташкил қилишда ҳавфли зона деб ҳисобланувчи жойларида одамларнинг бўлмаслиги кўзда тутилган бинолар ва иншоотлардан одамларни кўчириш (чиқариб юбориш).

7-Илова бўйича одамлар мавжуд бўлган жойларда ҳавфли омилларнинг юзага келишини истисно қилувчи техник ечимлардан фойдаланилган шароитларда кўрсатилган бинолар ва иншоотлардан (одамларнинг бир вақтда катта тўплами мавжуд бўладиган болалар, даволаш ва ўқув муассасаларидан, театрлардан, кинотеатрлардан, клублар, стадионлар, магазинлар ва бошқа жойлардан ташқари) ишларни одамларни кўчирмасдан бажаришга рухсат берилади.

2.7 Тепасида юк кўтарувчи кранлар воситасида юкларни кўчириш юз берадиган жойлардаги, шунингдек қурилаётган бинолар ва ишноотлар яқинидаги ҳавфли зоналар чегараси 1-жадвалга кўра белгиланади.

2.8 Электр токи билан шикастланиш ҳавфи мавжуд бўладиган ораликда ҳавфли зона чегаралари 2-жадвалга биноан белгиланади.

1 –жадвал

Буюмнинг мумкин бўлган тушиш баландлиги	Ҳавфли зона чегаралари, м	
	Устида кран воситасида юклар силжитиладиган жойлар (юк тушиб кетган ҳолда юкнинг максимал ўлчамларидан траектория-	Қурилаётган бино ёки иншоот яқинида (унинг ташқи периметридан масофа)
10 гача	4	3,5
10дан катта 20 гача	7	5
20дан катта 70 гача	10	7
70 дан катта 120 гача	15	10
120 дан катта 200 гача	20	15
200дан катта 300 гача	25	20
300 дан катта 450 гача	30	25

2-жадвал

Кучланиш, кВ	Электр қурилманинг тўсилмаган изоляцияланмаган қисмларидан (электрускуна, кабеллар ва симлар) ёки кучланишли электр узатиш ҳаво линиялари энг яқин симнинг ерга проекциясидан ҳосил бўлувчи ток текисликни чекловчи мослама
1 гача	1,5
1 дан 20 гача	2,0
35 дан 110 гача	4,0
150 дан 220 гача	5,0
330	6,0
500 дан 750 гача	9,0
800 доимий ток	9,0

2.9 Одам учун ишчи зонанинг ҳавосидаги зарарли моддаларнинг ортиб кетиши ҳавф тудирадиган йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий концентрацияси катталиги ҳавфли зона чегарасини белгилаб у 8-Иловада кўрсатилган.

2.10 Машиналарнинг ҳаракатланувчи қисмлари ва ишчи аъзолари яқинидаги ҳавфли зона чегаралари, агар тайёрловчи заводнинг паспорти ёки йўриқномасида бошқа юқори талаблар кўрсатилмаган бўлса, 5 м атрофида белгиланади.

2.11 Аҳоли яшайдиган жойлардаги ёки ишлаётган корхоналар ҳудудидаги қурилиш майдончалари унга бегона шахсларнинг кириб қолмасликлари учун тўсиб қўйилиши лозим. Тўсиқлар конструкцияси ГОСТ 23407-78 талабларига мос бўлиши лозим. Одамларнинг оммавий ўтувига яқин ўтувчи тўсиқларни туташ ҳимоя соябони билан жиҳозлаш лозим.

2.12 Муваққат иншоотларни, тўсиқларни, омборхоналарни ва ҳавозаларни жойлаштираётганда, биноларнинг яқиндан ўтувчи нақлиёт воситаларининг яқинлашиш ўлчамларига талаблар ҳисобга олиниши лозим.

2.13 Қурилиш майдончаларида, иш участкаларида ва ишчи ўринларда ёнғин ҳавфсизлигини Ўзбекистон Республикаси ЁҲБ тасдиқлаган Қурилиш-монтаж ишларини бажаришда ёнғин ҳавфсизлиги Қоидалари (ЁҲҚ-3-94) талабларига мос тарзда таъминлаш лозим.

2.14 Қурилиш майдончасида, иш участкаларида ва ишчи ўринларида электр ҳавфсизлиги ГОСТ 12.1.013-78 талабларига мос тарзда таъминланиши лозим.

2.15 Ишчи зона ҳавосидаги 8-Иловада кўрсатилган зарарли моддалар миқдори назоратини, шунингдек ёритилганлик, титраш ва шовқин чегаравий катталикларини, ҳарорат меъёрини, нисбий намликни ва ишчи ўринларда ҳаво ҳаракати тезлигини, намунавий рўйхати 9-Иловада кўрсатилган асбоблар воситасида амалга ошириш лозим.

Кўрсатилган катталикларни назорат қилиш учун қурилиш лабораторияларини, ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омилларини мутахассислашган ёки санитария лабораторияларини жалб қилиш лозим.

2.16 Ишлаётган саноат корхоналари ҳудудида ёки цехларида қурилишмонтаж ишларини бажарилаётганда, санитария-гигиена меъёрларининг бажарилиши усти назорат ушбу корхона учун белгиланган тартибда амалга оширилиши лозим.

2.17 Қурилиш майдончаси, иш участкалари, иш ўринлари, улардаги йўл ва ўтувлар сутканинг қоронғи пайтларида ГОСТ 12.1.046-85 га мос тарзда ёритилишлари лозим. Ёритилганлик текис, ёритгич мосламалар ишловларига кўзни камаштирмайдиган бўлишлари лозим. Ёритилмайдиган жойларда ишлашга рухсат берилмайди.

2.18 Одамлар яқинлашиши мумкин бўлган жойлардаги қудуқлар, хандаклар ва ердаги бошқа ўйиқлар қопқоқлар, мустаҳкам шчитлар билан ёпилиши ёки тўсилишлари лозим. Сутканинг қоронғи пайтларида тўсиқлар кучланиши 42 В дан ортиқ бўлмаган электр сигнал лампалар билан белгиланишлари лозим.

2.19 Материалларни уйиш, рельс йўлларини ўтказиш, электр узатиш ва алоқа ҳаво линиялари учун таянчлар ўрнатишни, қоидага кўра, деворлари маҳкамланмаган, қазиб чиқарилган тупроқнинг емирилиш призмасидан ташқарида ўрнатиши лозим. Агар таянчларни тупроқ уюми соҳасида маҳкамлагичлар воситасида ўрнатиш лозим бўлса, бу ҳолда тупроқнинг динамиклик коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, аввало ҳисоб-китоб қилиб текшириб кўриш лозим бўлади.

2.20 Қурилиш майдончасига кириш жойига нақлиёт воситаларининг ҳаракат тузилмаси жойлаштирилиши, йўллар ва ўтувлар четига эса Ўзбекистон Республикаси ИИВ тасдиқлаган Йўл ҳаракати қоидаларига мос тарзда нақлиёт ҳаракатини тартибловчи йўл қоидалари яққол кўрсатиб қўйилиши лозим.

Автотранспортнинг ишларни бажариш жойлари яқинида ҳаракат

тезлиги тўғри участкаларда **10** км/соат ва бурилишларда 5 км/соатдан ошмаслиги лозим.

2.21 Қурилиш майдончаларида автомобил йўлининг рельс йўллар билан кесишув ўринларида рельс каллаклари билан бирдай сатҳда ўрнатилган контррельслар билан тутиш ўтув тўшамалари ётқизилиши лозим.

Кесиб ўтув жойларини «Ўзбекистон темир йўллари» ГАЖКси тасдиқлаган Ўзбекистон Республикаси темир йўлларидан техникавий фойдаланиш Қоидаларига мос тарзда ёруғлик сигнализацияси ва шлагбаумлар билан жиҳозлаш лозим. Нақлиётнинг темир йўлни бошқа ўринларда кесиб ўтиши ман қилинади.

2.22 Кесиб ўтув ўринлари, ўтувлар ва иш жойларини мунтазам тозалаб туриш, тўсиб қўймаслик, бинолардан ташқарида жойлашганларига қиш пайтида қум ёки тошқол сепиб қўйиш лозим.

Қиялиги 20° дан ортиқ бўлган ўтувларни траплар ёки тўсқичли нарвонлар билан жиҳозлаш лозим.

2.23 Иш ўринларига ўтувлар ва ишлаш ўринлари кенглиги камида 0,6 м., ўтувлар йўлаги баландлиги камида 1,8 м бўлиши лозим.

2.24 Баландлиги ёки чуқурлиги 25 м ва ундан ортиқ бўлган бинолар ва иншоотларни қуришда ишчиларни иш ўринларига кўтариш ёки тушириш учун йўловчи ёки юк йўловчи кўтаргичлардан (лифтлардан) фойдаланиш лозим.

Ишловчиларни 5 м дан ортиқ баландликда ёки чуқурликда жойлашган иш ўринларига кўтаришда ёки туширишда қўлланиладиган нарвон ёки қисқичлар сақлагич белбоғларни маҳкамлаш учун мосламалар (тутқич арқонлар ва б.) билан жиҳозланишлари лозим.

Тайёрланган кўчма нарвонларни ишлатиш олдидан, ишлатиш ҳолатида турган нарвоннинг ўртасидаги поғоналаридан бирига 1200 Н (120 кгк) статик юклама қўйиш билан синаш лозим. Ишлатиш жараёнида ёғоч нарвонларни ҳар ярим йилда, металларини эса, йилига бир марта синовдан ўтказиш лозим. Кўчма нарвонларни ишлатиш олдидан кўздан ўтказиш лозим.

2.25 Қурилаётган бинога (иншоотга) кирувлар уст томондан, кенглиги кирув кенглигидан кичик бўлмаган ҳамда бино деворидан камида 2 м чиқиб турувчи соябон билан ҳимояланиши лозим. Соябон ва ундан юқоридаги девор орасидаги бурчак 70-75° чегараларида бўлиши лозим.

2.26. 1,3м ва ундан ортиқ баландликдаги ҳамда баландлик чегарасидан кўпи билан 2м масофадаги ишчи ўринлари ва ўтувлар ГОСТ 12.4.059-89 талабларига мос тарзда муваққат тўсқичлар билан тўсилишлари лозим.

Бундай тўсқичларни ўрнатиш иложи бўлмаганда, баландликдаги ишларни ГОСТ 12.4.089-80 бўйича сақлагич белбоғлардан ҳамда ГОСТ 12.4.107-82 бўйича эҳтиётловчи арқонлардан фойдаланган ҳолда бажариш лозим.

2.27 Ускуналарни, лифтларни ўрнатишни, зина ўринларига ва ҳоказоларга мўлжалланган ҳамда ораёпмалардаги одамлар яқинлашиши мумкин бўлган очиқликлар туташ тўшама билан ёпилиши ёки тўсқичларга эга бўлишлари лозим.

2.28 Тўшама (ораёпма) бир томонидан туташадиган девордаги очиқликлар, агар тўшама сатҳидан очиқлик тагигача масофа 0,7 м дан кам бўлса, тўсилишлари лозим.

2.29 Иш шароитларига ва ишларни бажаришнинг қабул қилинган технологиясига мос равишда иш ўринлари уларнинг вазифаларига мос равишда меъёр мажмуага кўра технологик жиҳозлар ва жамоавий ҳимоя воситалари, шунингдек алоқа ва сигнализация воситалари билан таъминланишлари лозим.

2.30 Иш ўринларига материалларни қурилиш конструкцияларини ва ускуна қисмларини ишларининг ҳавфсиз бажарилишини таъминловчи технологик кетма-кетликда етказиб бериш лозим. Иш жойларида материаллар ва ускуналарни шундай жамлаш лозимки, улар иш бажараётганда ҳавф яратмасинлар ҳамда ўтувларни қийинлаштирмасин.

2.31 Енгил алангаланувчи ёки портлаш ҳавфи бўлган моддаларга эга бўлган материаллар ишлатиладиган ва йиғиладиган жойлардан кўпи билан 50 м радиусли масофада очиқ алангадан фойдаланишга рухсат берилмайди.

2.32 Портлаш ҳавфи бўлган ёки зарарли моддалар ажрагувчи лок-буёқ, изоляцияловчи, пардозлаш ва бошқа материалларни иш жойларида фақат бир иш куни эхтиёжига лойиқ миқдордан ортиқ бўлмаган миқдорда сақлашга рухсат берилади.

2.33 Зарарли газлар ажралиши мумкин бўлган, хусусан ёпиқ ҳажмларда қудуқларда, хандакларда ва ўраларда иш бошлаш олдидан 2.15-банд талабларига мос тарзда ҳаво муҳитини таҳлил қилиш лозимдир.

Зарарли газлар вужудга келган ҳолда ушбу жойда ишларни тўхтатиш лозим бўлиб, уларни ишчи ўринларини вентиляция (шамоллатиш) билан таъминланганидан ёки ишловчиларни зарурий якка ҳимоя воситалари билан таъминланганидан кейингина давом эттириш лозим.

2.34 Қудуқлардаги, шурфлардаги ёки ёпиқ ҳажмлардаги ишларни шланг газдан ҳимоялагичлардан фойдаланилган ҳолда бажариш лозим. Бунда иккита ишчи ишни бевосита бажараётганларни уларнинг белларига боғланган канатлар ёрдамида ихоталашлари лозим.

Ишларни коллекторларда ёки коммуникациявий тоннелларда бажарилаётганда, иккита энг яқин люкларни ёки эшикларни ишловчилар уларнинг орасида бўладиган қилиб очиб қўйилиши лозим.

2.35 Лазер нурларидан фойдаланиб ишларни бажараётганда қуйидагиларни бажариш лозим:

- ГОСТ 12.1.040-83* талабларини бажариш;

- лазер асбоби ишлатиладиган иш жойини тайинланган тарзда тегишли ҳавфсизлик белгилари орқали кўрсатиб қўйиш;

- одамлар ўтиш мумкин бўлган жойларга лазер нурининг ишлар бажарилаётган жойдан ташқарига тарқалишини истисно қилувчи ҳимоя экранлари қўйиш;

- лазер нури ўтадиган йўлга ёруғликни қайтарадиган кўзгу ва бошқа қайтарувчи буюмларнинг қўйилишига йўл қўймаслик.

2.36 Ишлар битта вертикал бўйича (12.2-бандда кўрсатилганларидан

ташқари) пастда жойлашган иш ўринлари юқорида жойлашган ишчи ўриндан вертикал бўйича кўпи билан 6 м масофада ўрнатилган тегишли ҳимоя қурилмалари (тўшамалар, тўрлар, соябонлар) билан жиҳозланишлари лозим.

Битум ёки наирит суртмаларни қўллаш билан бир вақтда гидроизоляциявий ёки коррозияга қарши ишларнинг битта хонада (ҳажмда) бошқа ишлар билан биргаликда, шунингдек, полимер материалларни пайвандлашни бажариш агар бунда 2.6-банд бўйича тадбирлар амалга оширилмаётган бўлса, фақат битта сатҳдагина мумкиндир.

2.37 Қурилаётган бинолар ва ҳавозалардаги қурилиш ахлатини ёпиқ тарновлар бўйича, ёпиқ қутиларда ёки контейнерлардагина тушириш мумкиндир. Тарновнинг пастки учи ер сиртидан кўпи билан 1м юқорида бўлиши ёки бункерга кириши мумкин. Ахлатни тарновсиз ёки бошқа мосламаларсиз кўпи билан 3 м баландликдан ташлаб юбориш мумкин. Ахлат ташланадиган жойларни ҳамма томондан ўраб қўйиш ёки ҳавфдан огоҳлантириш учун назорат ўрнатиш лозим.

2.38 Дарёларда ва бошқа сув ҳавзаларида қурилиш-монтаж ишлари бажарилаётганда, кемаларнинг, сузувчи иншоотлар ва солларнинг ҳавфсизилиги ушбу сув ҳавзаларидан фойдаланувчи бошқарув идоралари билан келишилиши лозим.

2.39 Ишлар сувда ёки сув устида бажарилаётганда қутқарув станцияси (қутқарув пости) ташкил қилиниши лозим. Сувга ёки сув устида бажариладиган ишларнинг барча участкалари қутқарув воситалари билан таъминланишлари лозим. Ғоввослик ишлари бажарилаётганда, тегишли меъёрий ҳужжатлар талаблари бажарилиши лозим.

2.40 Материалларни, конструкцияларни ва ускуналарни йиғишни стандартлар ёки материаллар, буюмлар ва ускуналарга техникавий шартлар талабларига мос тарзда бажариш лозим.

2.41 Материалларни (конструкцияларни, ускуналарни) текисланган майдончаларда жойлаш, уларнинг ўз-ўзидан силжишига, чўқишига, тўқилишига ва думалаб кетишига қарши тадбирлар кўриш лозим.

2.42 Йиғилувчи материаллар ва конструкциялар тахламларидаги тагликлар ва қистирмаларни битта текисликда жойлаштириш лозим. Панелларни, блокларни ва шу каби конструкцияларни тахланаётганда, уларнинг қалинлиги чиқиб турган монтаж илгакларидан камида 20мм ортиқ бўлиши лозим.

2.43 Омборхоналардаги тахламлар (стеллажлар) орасида кенглиги камида 1 м бўлган ўтувлар ҳамда кенглиги омборхонада ҳизмат қилувчи нақлиёт воситалари ва юклаш-тушириш механизмлари ўлчамларига боғлиқ бўлган йўллар кўзда тутилиши лозим.

Материаллар ва буюмларни деворларга ва муваққат ва капитал қурилмалар элементларига суяб қўйишга (тирашга) рухсат берилмайди.

2.44 Чангсимон материалларни уларни юклаш ва тушириш вақтида сочилиб кетишига қарши тадбирлар кўрган ҳолда, ёпиқ идишларда сақлаш лозим. Юклаш тешикларини ҳимоя панжаралари билан ёпилиши, люкларни эса, ёпқичлар билан ёпилишлари лозим.

2.45 Сочилувчи ва чангсимон материалларни сақланадиган чуқурлиги 2 м дан ортиқ бўлган бункерлар ва бошқа идишлар материаллар пештоқи ва очилмалар ҳосил бўлишининг олдини олувчи ёки уларни мажбурлаб туширувчи мосламаларга эга бўлишлари лозим.

2.46 Зарарли ёки портлаш ҳавфи бўлган эритгичларни герметик ёпиқ идишларда сақлаш лозим.

2.47 Портлаш ҳавфи бўлган ёки зарарли моддалар ажратувчи елимлар, суртмалар, бўёқлар ва бошқа материаллар ишлатиладиган иш жойларида оловдан ёки учқун ҳосил қилувчи ҳаракатлардан фойдаланиш ман қилинади. Бундай иш жойлари шамоллатиб турилиши лозим.

Бундай хоналардаги (зоналардаги) электр қурилмалар портлов ҳавфсиз ижрода ясалишлари лозим. Бундан ташқари статик электр зарядлари вужудга келишини ва йиғилишининг олдини олувчи тадбирлар кўрилиши лозим.

2.48 Чангсимон материаллар билан иш олиб бориладиган хоналар, шунингдек майдалаш, талқин қилиш ва ушбу материалларни элаш машиналарининг ишчи ўринлари аспирация (шамоллатиш) тизимлари билан таъминланиши лозим. Оҳакни, цементни, гипсни ва бошқа чангсимон материалларни қайта ишлаш қурилмаларидаги ёпқичлар, таъминлагичлар ва механизмларни кўчма пультлардан бошқариш лозим.

2.49 Қурилмаларни бўлаклаш ёки бузиш олдидан ушбу ишларни ҳавфсиз бажаришни таъминлаш тадбирлари ишлаб чиқилиши лозим.

Бўлакланувчи қурилмаларда иш бошлаш олдидан уларни сув, иссиқлик, электр таъминотидан, канализациядан, технологик маҳсулот ўтказгичлардан узиб қўйилиши ҳамда уларнинг шикастланишининг олдини олиш лозим. Узишни қарамоғида ушбу тармоғлар бўлган ташкилот бажариб, у тегишли ҳужжат билан расмийлаштирилади. Бўлаклаш жараёнидаги муваққат электр тармоғи тузилмаси бўлакланувчи қурилма электр тармоғидан мустақил бўлиши лозим.

2.50 Бинолар бўлакланаётган ҳудудни 2.11-банд талабларига мос тарзда тўсиш лозим.

Биноларни бўлаклашдан ҳосил бўлган материалларни ушбу мақсад учун ажратилган майдончаларда йиғиш лозим.

Ёғоч конструкцияларни бўлаклашдан чиққан ва келгусида фойдаланиш учун яроқли материални жамлаш олдидан чиқиб турган михлар ва қисмалардан озод қилиш лозим.

2.51 Қурилмаларни битта вертикал бўйича бир неча ярусларда бир вақтда бўлаклаш, шунингдек бўлакланувчи конструкцияларни ораёпмаларга ташлаб юборишга рухсат берилмайди.

2.52 Қурилмаларни бўлаклашда қўлланиладиган машина ва механизмларни конструкцияларини қулатиш зонасидан ташқарида жойлаш лозим. «Қулатиш» усулидан фойдаланилганда, ишчи арқонларнинг узунлиги қурилма баландлигидан уч марта ортиқ бўлиши лозим.

2.53 Биноларни портлатиш усулида бўлакланаётганда, Ўзбекистон Республикасининг Саноатда ишларни ҳавфсиз олиб бориш назорати ва тоғ назорати агентлиги тасдиқлаган Портлатиш ишларида ягона ҳавфсиз қоидалари

талабларига риоя қилиш лозим.

2.54 Бузилиши лозим бўлган бино (иншоотлар) конструкцияларини пона тўқмоқ ёки шартўқмоқ ёрдамида қулатилаётганда бино (иншоот) баландлигидан кичикроқ масофада бўлишга рухсат берилмайди.

2.55 Ишлар соҳасида жойлашган омонат конструкцияларни устунлар, тиргаклар ёки бошқа воситалар билан маҳкамлаш лозим. Конструкцияларнинг ёки уларнинг айрим элементларининг шамол ёки бошқа омиллар таъсирида бузилиш (қулаб тушиш) хавфли бўлса, уларни қўшимча мустаҳкамлашсиз қолдириш мумкин эмас.

2.56 Биноларни, иншоотларни бўлаклашда, бузишда, шунингдек, чиқиндилардан, қолдиқ материаллардан, ахлатдан тозалашда тўзонни бостириш тадбирларини кўриш лозим.

Тўзон шароитларида ишловчилар нафас органларига чанг ва микроорганизмларнинг (моғор, грибок, уларнинг споралари ва б.) киришидан ҳимоя воситалари билан ҳимояланишлари лозим.

3. ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИНИ ИШЛАТИШ

3.1 Қурилиш машиналарини (механизмларни, кичик механизацияни) ишлатишни, шунингдек техник ҳизмат кўрсатишни ҳам ГОСТ 12.3.0033-84, СНиП 3,01.01-85 ва тайёрловчи завод йўриқномалари талабларига мос тарзда амалга ошириши лозим. Юк кўтаргич машиналарни ишлатиш, юқоридагилардан ташқари, «Саноат контехназорат» Агентлиги тасдиқлаган юк кўтаргич кранларнинг тузилиши ва ҳавфсиз ишлатилиш қоидалари талабларини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши лозим.

3.2 Қурилиш машиналарини ишлаш ҳолатида сақлашга масъул шахслар тайёрловчи заводнинг ишлатиш ҳужжатлари талабларига мос тарзда уларнинг техник ҳизматини ва таъмирини ўтказишни таъминлаб туришлари лозим.

3.3 Машиналарни кўллаш билан қурилиш-монтаж ишларини бажарувчи ташкилотларининг иш берувчилари ушбу машиналарни қўллаш асосида ишларни ҳавфсиз бажариш бўйича қоида ва йўриқномаларни билишга билим назоратидан ўтган шахслар ичидан ушбу ишларни ҳавфсиз бажарилишига масъул муҳандис-техник ходимларни тайинлашлари шартдир.

3.4 Машиналардан фойдаланган ҳолда ишлар бошлангунча ишлар раҳбари машиналарнинг ҳаракати ва машиналарни ўрнатиш тузилмасини, электр юритгичга эга бўлган машиналарнинг ўрнини ва нолланиш (ерлаш) усулини, машинист (оператор)нинг машинага ҳизмат қилувчи ишчи-сигналчи билан ўзаро боғланиши ва сигнал бериш усулини кўрсатиши, сигналчининг жойлашиш (лозим бўлганда) ўрнини белгилаб бериши, шунингдек ишчи зонанинг тегишлича ёритилишини таъминлаши лозим.

3.5 Машиналарнинг иш ўрни шундай аниқлансинки, токи ишчи зонани кузатиш ва маневр учун жой етарли бўлсин. Агар баландлиги 36 м дан ортиқ баландликли бинолар ва иншоотларни қуришда ишлаш соҳасини етарлича

кузатиш имкони бўлмаса, ёки унга сигнал бераётган ишчини махсус ажратилган сигналчини кўролмаса, бу ҳолда машинист билан сигналчи орасида икки томонлама радиоалоқа ёки телефон алоқа ўрнатилиши лозим. Машинистга сигнал бериш учун оралиқ. Сигналчилардан фойдаланиш тақиқланади.

3.6 Иш жараёнида ёки машинанинг ҳаракати вақтида бериладиган сигналларнинг мазмуни унинг иши билан барча шахсларга тушунтириб қўйилиши лозим.

Машинанинг ишлаш зонасида ҳавфсизлик белгилари ва огоҳлантирувчи ёзувлар ўрнатилиши лозим.

3.7 Юритгичи ишлаётган (уланган) машиналарни назоратсиз қолдиришга рухсат берилмайди.

3.8 Нишоблари мустаҳкамланмаган ўйиқлар (чуқурликлар, хандаклар, ариқлар ва х.) яқинида машиналарнинг кўчишига, ўрнатилишига ва ишлашига грунтнинг қулаш призмасидан ташқарида фақат ишларни бажариш лойиҳасида белгиланган масофалардагина рухсат берилади.

Ишларни бажариш лойиҳасида махсус кўрсатмалар бўлмаганда, ўйиқнинг нишоби асосида уфқ бўйича машинанинг энг яқин таянчларигача масофа 3-жадвалдан олинади.

3.9 Машиналарни ишлаётганда уларнинг шамол таъсирида ёки жой нишоб бўлганда, ағдарилиб кетишининг ёки ўз-ўзидан кўчишининг олдини олувчи тадбирлар қурилиши лозим.

3.10 Электр узатишнинг ҳаво линиялари ҳимоя зоналарида машиналар ёрдамида ишлар бажарилаётганда, ГОСТ 12.1.013-78 талабларини бажариш лозим.

3-жадвал

Ўйиқнинг чуқурлиги, м.	Грунт			
	қумли	лойли қумли	қумли лойли	лойли
	Чуқур нишаби асосидан машинанинг таянчигача уфқ бўйича масофа, энг яқин м.			
1,0	1,5	1,25	1,00	1,00
2,0	3,0	2,40	2,00	1,50
3,0	4,0	3,60	3,25	1,75
4,0	5,0	4,40	4,00	3,00
5,0	6,0	5,30	4,75	3,50

3.11 Машиналарга техник ҳизмат кўрсатиш тайёрловчи завод йўриқномасида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари ҳолларда юритгич тўхтатилганидан ҳамда гидравлик ва пневматик тизимлардаги босим туширилганидан кейингина бажарилиши лозим.

3.12 Электр юритгичли машиналарга техник ҳизмат кўрсатилаётганда,

тасодифан кучланиш беришни истисно қилувчи тадбирлар қурилиши лозим. Ишга тушириш қурилмаларда «Уланмасин - одамлар ишлаётир» плакатлари осилиши лозим. Электрюритгичларнинг таъминот занжиридаги қуйма эрувчан сақлагичлар чиқариб олиниши лозим.

3.13 Ўз оғирлиги таъсирида кўчиш имконига эга бўлган йиғма машина бирликлари техникавий ҳизмат кўрсатиш пайтида уларнинг беихтиёр кўчишини истисно қилиш учун блокланиши ёки таянчларга туширилишлари лозим.

3.14 Машина қисмларини қиздириш учун очиқ, алангадан фойдаланиш тақиқланади, шунингдек ёқилғи ва мой қисмларида сирқиш мавжудлигида машинани ишлатиш ман қилинади.

3.15 Машиналарни ўз ҳаракати билан, буксирда ёки нақлиёт воситаларида кўчиришда Ўзбекистон Республикаси ИИВ тасдиқлаган Йўл ҳаракати қоидалари талабларига риоя қилиш лозим.

3.16 Машиналарнинг табиий ёки сунъий тўсиқлар орқали, шунингдек, қўриқланмайдиган темирйўл ўтувлари орқали ҳаракатига фақат ҳаракат йўли ҳолатини текширилганидан кейингина рухсат берилади. Лозим бўлганда, машинанинг ҳаракат йўли текисланиши ва машина паспортида кўрсатилган талабларни ҳисобга олган ҳолда мустаҳкамланиши лозим.

3.17 Машинанинг монтажи (демонтажи) тайёрловчи заводнинг йўриқномаси ва машинанинг техник ҳолатига масъул шахснинг раҳбарлигида бажарилиши лозим.

Монтаж зонаси тўсилиши ёки ҳавфсизлик белгилари ва огоҳлантирувчи ёзувлар билан кўрсатилиши лозим.

Монтаж ишларини тойғоқда, туманда, қор ёғаётганда, чақмоқ чақаётганда, ҳаво ёки машина паспортида кўзда тутилган ҳаво ҳароратдан пастда шамол тезлиги ўшандай қийматдан юқори бўлганда бажаришга рухсат берилмайди.

3.18 Машинанинг пневмо ва гидроприводидаги манометрларни синалиши ва пломбаланиши лозим. Манометр бузуқ бўлганда, машиналарнинг ишлашига рухсат берилмайди.

3.19 Дастаки машиналардан фойдаланилганда ГОСТ 12.1,013-78 да шунингдек, тайёрловчи-заводларнинг йўриқномаларида кўзда тутилган ҳавфсиз ишлатиш қоидаларига риоя қилиш лозим.

3.20 Вибрация яратувчи машиналардан фойдаланилганда ишчиларнинг меҳнат маромини (ишдаги танаффуслар давомати, даволаш-профилактика тадбирларни ва б.) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган Ишчи ўринларида умумий ва локал вибрация санитария меъёрлари талабларига мос тарзда аниқлаш лозим.

3.21 Материалларни кўчиришда қўлланиладиган конвейерлар конструкциясига ва жойлаштиришга ҳавфсизлик талабларига жавоб беришлари лозим.

4. ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАРДАН ВА ИНСТРУМЕНТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

4.1 Қурилиш-монтаж ишлари технологик жиҳозлардан (тошқоллаш воситалари, бетон қоришма учун идиш, қоришмалар, сочилувчан ва дона материаллар, юк тутиш қурилмалари ҳамда конструкцияларни мослаш ва муваққат маҳкамлаш мосламалари), жамоа ҳимояси ва меъёр мажмуа таркиби билан белгиланувчи қуриш, дастаки инструментдан фойдаланиш асосида, уларни ишлатиш эса, тайёрловчи корхонанинг ишлатиш ҳужжатларига мос тарзда бажарилиши лозим.

Технологик жиҳозларни ва ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиш ва синовлар тартибига тегишли меъёрий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда риоя қилинади.

4.2 Тошқоллаш ва бошқа ишларни бажариш ҳавфсизлигини таъминловчи мосламалар ушбу боб талабларига, ГОСТ 27321-87, ГОСТ 24258-88 ва ГОСТ 28012-89 талабларига мос бўлиши лозим.

Тошқоллаш воситалари доскалари орасидаги тирқиши оралиги 5 мм дан ортиқ бўлмаган равон ишчи тўшамага эга бўлиши, тўшама 1,3 м ва ундан ортиқ баландликда бўлганда тўсиқларга ва ён элементларига эга бўлиши лозим. Тўшамалар шчитларини чап-рост қилиб фақат узунасигагина улашга рухсат берилиб, бунда уланувчи элементлар учлари таянчлардагина жойлаштирилиши ҳамда ундан ҳар бир томонга камида 0,2 м ўтиши лозим.

4.3 Ҳавозалар ўрнатиладиган грунт сиртларини текислаш, шиббалаш ҳамда унинг сиртидан сувларнинг олиб кетилишини таъминлаш лозим.

Ҳавозалар қурилувчи бинонинг деворига маҳкамланиши лозим. Маҳкамлаш ўрни ва усуллари ишларни бажариш лойиҳасида кўрсатилади.

Лойиҳада ёки тайёрловчи-завод йўриқномасида махсус кўрсатмалар бўлмаганда, ҳавозаларни бино деворига маҳкамлашни энг чекка устунлар учун камида битта ярус ўтказиб, энг юқори ярус учун иккита ярус ўтказиб, шунингдек, ҳавоза сиртининг бино фасадига проекциясининг ҳар бир 50 $м^2$ га битта маҳкамлаш амалга оширилади.

4.4 Ўтиш йўллари яқинида тош қоплаш воситалари нақлиёт воситалари ўлчамидан камида 0,6 м масофада ўрнатилиши лозим.

4.5 Ҳавоза ва сўриларга қўшимча юкламалар бериш лозим бўлганида (материалларни кўтариш машиналари орқали, юк кўтариш майдончалари орқали ва ш.у.) уларнинг конструкциялари бундай юкламаларни ҳисобга олиши лозим.

4.6 Баландлиги 4 м гача бўлган ҳавоза ва сўриларни ишни бажарувчилар ёки уста томонидан қабул қилинганидан ҳамда ишлар журналида қайд қилинганидан кейин, 4 м дан баландлари эса, иш берувчи ташкилот тайинлаган ҳайъат қабул қилганидан ва далолатнома тарзида расмийлаштирганидан сўнггина ишлатишга рухсат берилади.

Ҳавозалар ва сўриларни қабул қилишда қуйидагилар текширилиши

лозим: устуворликни таъминловчи боғланишлар ва маҳкамлагичларнинг мавжудлиги, айрим элементларнинг маҳкамлагич қисмлари, ишчи тўшамалар ва тўсиқлар, устунларнинг тиклиги, таянч майдончаларининг ва ерлашнинг (металл ҳавозалар учун) ишончлилиги.

Одамларни ҳавоза ва сўриларга кўтариш жойларида юкламаларнинг жойлашув катталигини ва тузилмасини кўрсатувчи плакатлар очилиб туриши лозим.

4.7 Ҳавозаларниишлатиш жараёнида ҳар 10 кунда камида бир марта иш боши ёки уста томонидан кўздан ўтказилиши лозим.

4.8 Бир ой ва ундан ортиқ вақт давомида ишлатилмаган ҳавозани, янгидан иш бошлаш олдидан, ушбу бобнинг 4.6-бандида кўзда тутилган тартибда қабул қилиш лозим. Ёмғир ва илиш, ҳавоза асосининг кўтариш қобилиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлгани сабабли, шунингдек механик тазъйиқлардан сўнг, улар кўшимча қаровдан ўтказилиши лозим. Ҳавозанинг деформацияси ошкор бўлганда, улар тузатилиши ҳамда 4.6-бандда кўрсатилган тартибда такрор қабул қилиниши лозим.

4.9 Ишлар ҳавозаларда 6м ва ундан ортиқ баландликларда бажарилганда, камида иккита тўшама бўлиши лозим: ишчи (юқориги) ва ҳимоявий (пастки), ҳавозалардаги бинога ёки иншоотга яқин жойлашган ҳар бир ишчи ўрни, бундан ташқари, ишчи, тўшамадан кўпи билан баландлик бўйича 2 м масофада жойлашган тўшама билан ҳимояланиши лозим.

Агар ҳавозалар тагида ва уларнинг яқинида ишлар бажарилиши, одамларнинг ёки нақлиётнинг ҳаракати кўзда тутилмаса, у ҳолда ҳимоявий (пастки) тўшамани ясаш шарт эмасдир.

4.10 Бино яқинидаги ҳавозаларни бузаётганда, биринчи қаватнинг барча эшик бўшлиқлари ва барча қаватларга (бўлакланаётган участка соҳасида) ёпиқ бўлишлари лозим.

4.11 Бино билан ҳавозаларнинг бино яқинида ўрнатилувчи ишчи сўрилари орасидаги тирқишлар тош девор ҳолида 50мм дан ҳамда пардоз ишларида 150 мм дан ортиқ бўлмасликлари лозим.

Иссиқлик изоляция ишлари бажарилаётганда, изоляцияловчи сирт билан ишчи тўшама орасидаги тирқиш изоляциянинг қўш қалинлиги плюс 50 мм бўлиши лозим. Ишлар бажарилмаётганда, 50 мм дан ортиқ ўлчамли кўрсатилган тирқишлар барча ҳолларда ёпиб қўйилиши лозим.

4.12 Осма ҳавоза ва сўриларни ўрнатиб бўлганидан сўнг, меъёрий статик юкламадан 20% ортиқ юкламага 1 соат давомида синовга бардош берганидан сўнггина, уларни ишлатишга рухсат берилади.

Кўтарма ҳавозаларни, бундан ташқари меъёридан юкламадан 10% ортиқ бўлган динамик юкламага синалиши лозим.

Осма ҳавозалар ва сўриларнинг синов натижалари уларнинг қабули далолатномасида ёки умумий ишлар журналида қайд қилиниши лозим.

Осма ҳавозалардан ёки сўрилардан кўп карра фойдаланилган ҳолларда, улардан агар улар осиладиган конструкция ҳисобидан камида икки карра ортиқ юкламага синалган, ҳавозаларни маҳкамлаш эса,

зарурий синовларга бардош берувчи намунавий тугунларда бажарилган ҳолларда синовларсиз ишлатишга қабул қилиниши мумкин.

4.13 Қурилиш-монтаж ишларини бажаришда қўлланиладиган кўтарма ҳавозалар (кажавалар) конструкцияси ГОСТ 27372-82 талабларига мос бўлиши лозим.

4.14 Кўтарма ҳавозалар ишда танаффус пайтида ерга тушириб қўйилишлари лозим. Кўтарма ҳавозалардан бино ёки иншоотга ҳамда аксинча, рухсат берилмайди.

4.15 Ерда ўрнатиладиган ҳамда кўтарма ҳавозаларни кўчириш учун қўлланиладиган чиғирлар, оғирлиги чиғирнинг тортиш зўриқишидан камида икки марта ортиқ бўлган балласт билан юкланиши лозим.

4.16 Кўчма ҳавозаларнинг кўндаланг ва бўйлама йўналишларда ҳаракатланиши учун йўл нишабликлари ҳавозаларни тайёрлаган заводнинг паспорти ва йўриқномасида кўрсатилганлардан ортмаслиги лозим.

Тезлиги 10 м/с дан ортиқ бўлган шамолда ҳавозаларни кўчиришга рухсат берилмайди. Кўчма ҳавозаларни кўчириш олдидан улар материаллар ва таралардан бўшатилиши ҳамда уларда одамлар бўлмаслиги лозим.

4.17 Ишчи майдончасиз қўйма нарвонларда фақат қурилаётган бинонинг айрим яруслари орасида ҳамда ижрочидан унинг конструкциясига таяниш тақозо қилинмайдиган ишларни бажаришдагина фойдаланишга рухсат берилади.

Қўйма нарвонлар сирпанмайдиган таянчлар билан жиҳозланиши ҳамда иш ҳолатига уфқий текисликка 70-75° бурчак остида қўйилиши лозим.

Қўйма нарвонларнинг конструкцияси ГОСТ 26887-86 да кўзда тутилган талабларга мос бўлиши лозим.

4.18 Қўйма нарвоннинг ўлчамлари ишчига нарвоннинг юқориги учидан камида 1 м масофадаги поғонада турган ҳолда ишларни бажариш имконини бериши лозим. Қўйма нарвонда туриб 1,3 м дан ортиқ баландликда ишлар бажарилаётганда, иншоот конструкциясига ёки нарвон конструкцияга маҳкамланган ҳолда, нарвонга маҳкамланган сақлагич белбоғдан фойдаланиш лозим.

4.19 Нақлиёт воситалари ёки одамлар ҳаракатланадиган участкаларда қўйма нарвонларнинг ўрнатилиш жойларини ишларни бажараётганда, тўсиш ёки қўриқлаш лозим.

4.20 Инструментни кўчиришда ёки ташишда унинг ўткир қисмларини ғилофлар билан ёпиш лозим.

4.21 Қурилиш-монтаж ишларида қўлланиладиган юк тутув воситалари (стропалар траверелар)нинг юк ушлаш илгаклари, юкларнинг беихтиёр тушиб кетишининг олдини олувчи ёпувчи сақлагичлар билан таъминланишлари лозим.

4.22 Стропаларни, траверсаларни ва тараларни ишлатиш жараёнида, "Саноатконтехназорат" агентлиги тасдиқлаган "юк кўтариш кранларининг

тузилиши ва ҳавфсиз ишлатиш қоидалари» талаблари белгилаган муддатларда, қолган технологик жиҳозлар эса, агар тайёрловчи завод техникавий шартлари ёки йўриқномаларида бошқа муддатлар кўрсатилмаган бўлса, кўпи билан ҳар 6 ойда бир марта уларнинг созлик ҳолатига жавобгар шахс томонидан техникавий назоратдан ўтказиб турилиши лозим. Кўздан ўтказиш натижаларини ишлар журналида қайд қилиш лозим.

5. НАҚЛИЁТ ИШЛАРИ

5.1 Қурилиш юкларини ташишда, ушбу бобнинг талабларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси ИИВ тасдиқлаган йўл ҳаракати қоидаларининг, "Ўзбекистон темир йўллари" ГАЖК тасдиқлаган Темир йўлларни техникавий ишлатиш Қоидаларининг, Автомобил нақлиёти меҳнат муҳофазаси Қоидаларининг ҳамда Автомобил ва дарё нақлиёти Ўзбекистон Агентлиги тасдиқлаган Ички кемаюрар йўллар бўйича сузиш Қоидалари талабларига риоя қилиш лозим.

5.2 Нақлиёт воситалари эгаси-ташкилот тайёрловчи заводнинг йўриқномасига мос тарзда уларга ўз вақтида техникавии ҳизмат кўрсатиши ва таъмирлаши мумкин.

5.3 Узун ўлчовли, оғир ёки йирик ўлчамли юкларни мутахассислашган нақлиёт воситаларида ташилиши лозим.

5.4 Портлайдиган радиофаол, заҳарли ва енгил алангаланувчи юкларни, белгиланган тартибда тасдиқланган ушбу тоифа юклар учун қоидалар талабларига мос тарзда жиҳозланган нақлиёт воситаларида ташиш лозим.

Портловчан, радиофаол, заҳарли ва енгил алангаланувчи юкларни аҳоли яшайдиган манзиллардан ташқарида ўтувчи йўллардан олиб ўтиш лозим. Ҳавфли юкларни аҳоли яшайдиган манзиллардан ташқаридаги йўллардан ташиш мумкин бўлмаган ҳолларда уларни фақат Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва ДАИ маҳкамалари билан келишилган маршрутлар бўйича ташишга рухсат берилади.

Ташиш вақтида кузатиб боришни талаб қилувчи ҳавфли юкларни, уларнинг ҳавфли ва зарарли хоссаларини ҳамда уларни ташиш усулларини билувчи кузатувчилар ҳамроҳлигида ташилиши лозим.

5.5 Думалаб кетмасликлари (ёки нақлиётнинг ҳаракати пайтида тушиб кетмасликлари) учун юкларни нақлиёт воситаларида ушбу тур юкларни юклаш ва маҳкамлаш техник шартларига мос тарзда жойлаш ва маҳкамлаш лозим.

5.6 Ҳаракат бошланиши олдидан ҳайдовчи юкларнинг тўғри ўрнатилганлиги ва маҳкамланганлигини текшириши шартдир, шунингдек кузовда одамларнинг бўлмаслигини таъминлаши ва яқинда жойлашган одамларни ҳаракатнинг бошланганидан огоҳ қилиши лозим.

5.7 Одамларни ташийдиган юк автомобиллари Ўзбекистон Республикаси ИИВ тасдиқлаган Йўл харакати қоидалари талабаларига мос тарзда жиҳозланган бўлишлари лозим.

Одамларни ташишга мўлжалланган автомобил ҳайдовчисининг йўл

варақасида автохўжаликнинг "Одамларни ташишга яроқли" деган белги бўлиши ҳамда ташилаётган йўловчиларнинг мумкин бўлган максимал сони кўрсатилиши лозим. Йўл варақаси ушбу автомобилдан ҳавфсиз фойдаланишга масъул шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Одамларни ташиётганда ҳайдовчига йўлнинг ҳавфли қисмларини кўрсатган ҳолда автомобилнинг ҳаракат маршрути кўрсатилиши лозим.

5.8 Одамларни, шу жумладан, юкчиларни ўзи ағдаргич автомобилларда, тиркамаларда, ярим тиркамалар ва цистерналарда, шунингдек одамлар ташиш учун махсус жиҳозланмаган бортли автомобиллар кузовларида ташиш ман қилинади.

5.9 Одамлар ташиладиган юк автомобилларини бошқарувчи автохўжалик раҳбарининг, йўл ҳаракати қоидаларига эга бўлган ҳайдовчиларгина қўйилади.

5.10 Одамлар ташилаётганда ҳавфсизликни таъминлашга масъул ходимлар ҳамда гурух раҳбарлари тайинланиши лозим.

5.11 Нақлиёт воситаларига ўтказиш ва тушириш ўринларида махсус майдончалар жиҳозланиши ёки автомобилларнинг ҳавфсизлигини таъминловчи бошқа қурилмалар қўлланилиши лозим. Нақлиёт воситасининг ҳаракати бошланиши олдидан ҳайдовчи одамларнинг тўғри ўтказилганига ва жойлаштирилганига қаноат ҳосил қилиши ҳамда уларни ҳаракат бошланишидан огоҳ қилиши лозим. Одамларни ташишга мўлжалланган юк автомобилига ўтказиш ва ундан тушириш фақат орқа ёки ўнг бортдан бажарилади.

5.12 Нақлиёт воситаларининг дарё ва сув ҳавзалари музи бўйича ҳаракатига муз ўтувнинг мумкин бўлган максимал юк кўтариши кўрсаткичига эга бўлган махсус белгиланган маршрутлари бўйичагина рухсат берилади. Ҳаракат ҳайдовчи кабинаси эшиги очиқ ҳолидагина амалга оширилади.

Муз ўтуви бўйича ҳаракатнинг бошланиш ва тугалланиш санасини қарамоғида муз ўтуви бўлган ташкилот раҳбари белгилайди.

5.13 Ўзи тўқувчи-автомобиллардан уюмларда ёки чуқурликларга юк туширишда улар табиий нишоб чеккасидан (ўпирилиш призмаси чегарасидан) камида 1 м масофада ўрнатилиши, эстакададан юк туширишда эса, уларни ишончли ғўла тўқмоқ билан жиҳозлаш лозим.

5.14 Ўзи тўқувчи-автомобиллар лозим бўлганда, кузовни кўтарилган ҳолатда тутиб турувчи махсус таянчлар билан жиҳозланишлари лозим. Кузови кўтарилган ўзи тўқувчи-автомобилга кузовга таянч қўймаган ҳолда ҳизмат кўтаришга рухсат берилмайди. Ўзи тўқувчи автомобилларнинг кузови кўтарилган ҳолдаги ҳаракати тақиқланади.

5.15 Шатакка олинган нақлиёт воситасида одамлар (ҳайдовчидан ташқари) бўлишига йўл қўйилмайди.

5.16 Бирор ишлар бажарилаётган зонада автомобилнинг орқага юриши ҳайдовчи томонидан фақат ушбу ишларда иштирок қилаётган шахсларнинг кўрсатмаси билангина амалга оширилади.

6 ЭЛЕКТРПАЙВАНД ВА ГАЗАЛАНГА ИШЛАР

6.1 Электрпайванд ва газаланга ишларни бажараётганда, ушбу меъёр ва қоидалар, ГОСТ 12.3.003-86 ва ГОСТ 12.3.036-84, шунингдек ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган "Пайвандда, ямашда ва металларни кесишда санитария қоидалари талабларини бажариш лозим. Бундан ташқари, электрпайванд ишларини бажараётганда, ГОСТ 12.1.013-78 талаблари бажарилиши лозим.

6.2 Электрпайванд ва газаланга ишларни ушбу ярусда бажариш жойлари, шунингдек қуйида жойлашган яруслардаги жойлар ямайдиган ҳимоя тўшамаси ёки ёнмайдиган материал билан ҳимояланган тўшама йўқлигида камида 5 м радиусда ёнувчи материаллардан, портлаш ҳавфи бўлган материаллар ва қурилмалардан (жумладан газ балонлари ва газгенераторлардан) эса, камида 10 м радусда бўшатилиши лозим.

6.3 Конструкцилар элементларини кесаётганда, кесилган элементларнинг тасодифан тушиб кетишига қарши тадбирлар қурилиши лозим.

6.4 Босим остидаги ҳар қандай суюқликлар ва газларга эга бўлган, ёнувчи ёки зарарли моддаларга тўлдирилган, ёки электротехник қурилмаларга оид аппаратларни идишларни ва қувур ўтқазгичларни очиқ аланга билан пайвандлаш, кесиш ва қиздириш ишлатувчи ташкилотнинг ҳавфсизликни таъминловчи тадбирларни ташкил қилмасдан бажаришига рухсат берилмайди.

6.5 Ёпиқ хажмлар ёки конструкциялар коваклари ичида электрпайванд ва газ алангавий ишларни бажараётганда, иш жойларини сўрувчи шамоллатиш билан таъминлаш лозим. Ҳажм (ковак) ичида ҳавонинг ҳаракат тезлиги бу ҳолда 0,3-1,5м/с чегараларида бўлиши лозим. Суюлтирилган газлар (пропан, бутан) ва карбонат кислота воситасида пайванд ишларини бажараётганда, сўриш шамоллатиши пастдан тортувга эга бўлиши лозим.

6.6 Олдин ёнувчи суюқликларга ёки кислотага эга бўлган ҳажмларни пайвандлаш олдидан уларни тозалаш,ювиш, қуритиш, сўнгра зарарли моддаларнинг ҳавфли конструкцияси қолмаганлигини тасдиқловчи текширув ўтказилувчи лозим.

6.7 Ёпиқ ҳажмлар ичида бир вақтда электр пайвандлаш ва газ аланга ишларни бажаришга йўл қўйилмайди.

6.8 Ҳажмлар ичида пайванд ишларини бажараётганда, ёритишни ташқарида ўрнатилган ёритгичлар, ёки кучланиши 12 В дан ортиқ бўлмаган дастани кўчма лампалар воситасида амалга оширилиши лозим.

Пайвандлаш ускунасини пайвандланувчи ҳажмдан ташқарида жойлаштириш ҳамда меъёрий электртутқичдан фойдаланиш лозим.

6.9 Газ узатувчи шлангларни горелкалар, кескичлар ва редукторлар нипелларида маҳкамлашни, шунингдек шлангларни улашни қисувчи хомутлар воситасида бажариш лозим.

6.10 Ёй пайванд учун электр тутқичларга ва горелкаларга пайвандлаш токини узутиш учун пайвандлаш цикли давоматини ҳисобга олган ҳолда максимал электрик юкламаларда ишончли ишлашга мўлжалланган

изоляцияланган қайишоқ кабеллардан фойдаланиш лозим.

6.11 Пайвандлаш кабелларини улашни жипслаш, пайвандлаш, кавшарлашдан сўнг уланиш жойларини изоляциялаш ёки махсус улагич муфталар воситасида бажариш лозим.

Кабелларни пайвандлаш ускунасига улашни жипсланган ёки пайвандланган кабел учликлари ёрдамида бажарилиши лозим.

6.12 Пайвандлаш симларини ёткизишда ёки кўчиришда уларнинг изоляцияларининг шикастланишига ва сувга, мойга, пўлат арқонларга ва иссиқ қувур ўтказгичларга тегишига қарши зарурий тадбирлар кўрилиши лозим. Пайвандлаш симларидан иссиқ қувур ўтказгичларгача ва кислород балонларигача масофа камида 0,5м, ёнувчи газларгача эса, камида 1 м бўлиши лозим.

6.13 Электрпайванд аппаратларида ва уларнинг таъминот манбаларида, кучланиш остида бўлган элементларнинг ишончли ҳимояси кўзда тутилиши лозим.

6.14 Электрпайванд ускунасининг кучланиш остида бўлмаган металл қисмлари, шунингдек пайвандланувчи буюмлар ва конструкциялар бутун пайвандлаш даврида ерлантирилишлари, пайвандлаш трансформаторда эса, бундан ташқари корпуснинг ерлантирувчи болтини тескари сим уланадиган иккиламчи чўлғам қисқичи билан улаш лозим.

6.15 Ёмғир ёки қор ёғаётганда, электрпайванд ускуна ва электрпайвандчининг ишлаш жойи устида соябон йўқлигида электрпайвандлаш ишларини бажаришга рухсат берилмайди.

6.16 Очиқ ёй пайванд пастида пайвандчиларнинг хонадаги иш жойлари қўшни иш ўринларидан ва ўтувлардан камида 1,8 м баландлиги ёнмайдиган экранлар (ширмалар, шчитлар) воситасида ажратилиши лозим.

Очиқ ҳавода пайвандлаш ҳолида бундай тўсиқларни ёнма-ён бир нечта пайвандчи ишлаганда ҳамда бинолар жадал ҳаракатланадиган жойларда қўйилади.

6.17 Газ балонларни ташиш, сақлаш, бериш ва қабул қилишни улар билан муомала қилишга ўргатилган шахсларгагина рухсат этилади.

6.18 Газ балонларини зарбалардан ва бевосита қуёш нурлари таъсиридан сақланиши ҳамда иситиш асбобларидан камида 1 м масофага узоқлаштирилиши лозим.

6.19 Газ балонларини "Саноатконтехназорат" Агентлиги тасдиқлаган "Босим остида ишловчи идишларнинг тузилиш ва ҳавфсиз ишлатиш Қоидалари" талабларига мос тарзда махсус қуруқ ва шамоллатиладиган хоналарда сақлаш лозим. Бўш балонларни газ тўлдирилганларидан айрим сақланади.

Ишлаш тўхтаганидан сўнг газли балонларни бегона кишилар киришини истисно қилувчи махсус сақлаш учун ажратилган жойларда сақланишлари, кўчма ацетилен генераторлар эса, кальций карбиддан бўшатилиб, махсус ажратилган жойга олиб бориб қўйилиши лозим.

6.20 Кислород балонларни ишлатишда, сақлашда ва кўчиришда балонлар ва шлангларнинг мойлаш материалларига, шунингдек мой излари бўлган

кийимларга ва артиш материалларига тегишидан эҳтиёт чоралари кўрилиши лозим.

6.21 Газ балонларини кўчиришни бу мақсад учун мўлжалланган аравачаларда, контейнерларда ҳамда балонларнинг турғун вазиятини таъминловчи бошқа қурилмаларда бажариш лозим.

6.22 Ацетилен генераторларини ўтувларда, одамлар тўпланадиган ёки ўтадиган жойларга, шунингдек компрессорлар ёки шамоллатгичлар ҳаво оладиган жойлар яқинига жойлаштириш ман қилинади.

6.23 Идишларда, қудуқларда ва бошқа ёпиқ ҳажмларда газаланга ишларни бажаришда бензокескичлардан фойдаланишга рухсат берилмайди.

6.24 Пайванд чокларининг гамма-дефектоскопия ёрдамида сифати назорати амалга оширилаётганда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган радиофаоллик ҳавфсизлиги санитария меъёрлари ва қоидалари талаблари бажарилиши лозим.

6.25 Пайванд чокларинг ултратовуш воситасида сифати назорати амалга оширилаётганда, электр қуриламаларни техникавий ишлатиш қоидаларига риоя қилиш лозим.

7. **ЮКЛАШ-ТУШИРИШ ИШЛАРИ**

7.1 Юклаш-тушириш ишлари ушбу меъёрлар ва қоидаларга, ГОСТ 12.3.009-76*(СТ СЭВ 3518-81) ҳамда "Саноатконтехназорат" Агентлиги тасдиқлаган "Юк кўтариш кранларининг тузилиши ва хавфсиз ишлатилиши қоидалари" талабларига мос тарзда механикалаштирилган усул билан бажарилади.

Темирйўл ёки автомобил нақлиёти воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ юклаш-тушириш ишларини бажаришда юқоридаги талаблардан ташқари "Ўзбекистон темир йўллари" ГАЖК тасдиқлаган "Темир йўл нақлиётида юклаш-тушириш ишларида ҳавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича қоидаларига ва автомобил нақлиёти корхоналари учун ҳавфсизлик қоидаларига риоя қилиш лозимдир.

7.2 Юклаш-тушириш ишлари учун майдончалар текисланиши ва кўпи билан 5 нишабли бўлиши лозим. Тегишли ўринларда "Кириш", "Чиқиш", "Бурилиш" ва б. ёзувлар ўрнатилиши лозим.

7.3 Юк кўтаригич машиналар, юк тутқич қурилмалар, юклаш-тушириш ишларини бажаришда қўланиладиган контейнерлаш ва пакетлаш воситалари давлат стандартлаш талабларига ёки уларга қўйиладиган техникавий шартларга жавоб беришлари лозим.

7.4 Юкларни илишни инвентар илгичлар воситасида ёки тасдиқланган лойиҳа (чизма) асосида тайёрланган махсус юк тутқич қурилмалар билан бажариш лозим. Илиш усуллари илинган юкнинг тушиб кетиши ёки сирпаниши имконини истисно қилиши лозим.

7.5 Юкларни нақлиёт воситаларига ўрнатиш (жойлаш) уларнинг ташишда ва туширишда устувор ҳолатини таъминлаши лозим.

7.6 Юклаш-тушириш ишларини бажараётганда, нотурғун вазиятдаги юкни

илиш, шунингдек кўтарилган юкдаги илиш мосламаларини силжитишга рухсат берилмайди.

7.7 Юкларни, айниқса шиша идишларни, кўчиришда турткилар ва зарбаларнинг олдини олиш тадбирлари қурилиши лозим.

7.8 Чангсимон материалларнинг (цемент, оҳак, гипс ва б.) юклаш тушириш муолажаларини механикалашган усулда бажариш лозим. Цементни қўлда тушириш ишларини, истисно тарзида, унинг ҳарорати 40 дан юқори бўлмаганда бажаришга рухсат берилади.

7.9 Панелларни, блокларни ва бошқа йиғма темирбетон конструкцияларни юклаш ёки тушириш олдидан монтаж сиртмоқлари кўздан ўтказилиши, қоришма ёки бетондан тозаланиши ҳамда лозим бўлганда, конструкцияни шикастланмасдан тузатилиши лозим.

7.10 Автомобилни экскаваторлар ёки кранлар воситасида юклаётганда, ҳайдовчи ва бошқа шахсларга автомобилнинг соябон билан ҳимояланмаган кабинасида ўтириш тақиқланади. Нақлиёт воситасини экскаваторлар ёки кранлар воситасида юклаётганда, унга 5 м дан якинроқда одамлар, шунингдек соябон билан ҳимояланмаган кабинада ҳайдовчи ва бошқа шахслар бўлмаслиги лозим.

7.11 Нақлиёт воситаларини юклаётганда, ташиладиган юкнинг усти кўприклар остидаги ўтувларнинг, тунеллардаги ўтувларнинг габарит баландликларидан ортиқ бўлмаслиги лозим. Баландлиги 1 м дан ортиқ бўлган юкни илиш учун илувчиларнинг чиқиши ва тушишига нарвон қўллаш лозим.

7.12 Таянч тўсинларга эга бўлмаган эстакадалардан фойдаланиб, нақлиёт воситаларидан юкларни туширишга рухсат этилмайди.

8.ИЗОЛЯЦИЯЛАШ ИШЛАРИ

8.1 Ўтга ҳавфли, шунингдек зарарли моддалар ажратувчи материаллардан фойдаланиш билан изоляцияллаш (гидроизоляциялаш, иссиқлик изоляциялаш, коррозияга қарши) ишларини бажаришда ишловчиларни зарарли моддалар таъсиридан, шунингдек термик ва кимёвий қўйишлардан ҳимояни таъминлаш лозим.

8.2 Коррозияга қарши ишларни бажараётганда, ушбу меъёрлар ва қоидалар талабларидан ташқари, ГОСТ 12.3.016-87 талабларини бажариш лозим.

8.3 Пекдан ёки тошкўмир қатронидан фойдаланганда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган "Пекларни ташишда ва улар билан ишлашда Санитария қоидалари"га риоя қилиш лозим.

8.4 Қатрон суртмани иш жойларига, қоидага кўра, қатрон ўтказгич бўйича ёки юк кўтариш машиналари воситасида келтириш лозим. Иссиқ қатронни иш ўринларида қўлда кўчириш лозим бўлганда, кенг қисми ерга қараган кесилган конус шаклидаги, зич ёпилувчи қопқоқли ва ёпкич қурилмали металл идишлардан фойдаланиш лозим.

8.5 Ишларда ҳарорати 180°С дан юқори бўлган қатрон суртмалардан фойдаланишга рухсат берилмайди.

8.6 Қатрон суртмалардан фойдаланишга рухсат берилмайди.

8.6 Қатрон суртмаларни қайнатиш ва қиздириш қозонлари суртма ҳароратини ўлчаш асбоблари ва зич ёпилувчи қопқоқлар билан жиҳозланиши лозим. Қозонга солинувчи тўлдиргич қуруқ бўлиши лозим. Қозонга муз ва қор тушмаслиги лозим. Қайнатиш қозони яқинида ёнғин ўчириш воситалари мавжуд бўлиши лозим.

8.7 Қатрон таркибларни иситиш учун ёпиқ хоналарда очиқ алангали қурилмадан фойдаланишга рухсат берилмайди.

8.8 Аппаратлар ичида ёки ёпиқ хоналарда изоляциялаш ишларини бажаришда уларни шамоллатиш ва кучланиши 12В дан ортиқ бўлмаган электр тармоғидан портлаш ҳавфи бўлмаган ижродаги арматурали махаллий электр ёритиш билан таъминлаш лозим.

8.9 Аппаратларда ва бошқа ёпиқ ҳажмларда изоляция ишларини бошлаш олдидан барча электр юритқичларни узиб қўйиш, маҳсулот келтирувчи технологик қувурўтказгичларда тиқинлар қўйилиши ҳамда тегишли жойларда аппаратлар ичида ишлар олиб борилаётганидан огоҳлантирилувчи плакатлар (ёзувлар) осиб қўйилиши лозим.

8.10 Бир неча ишчи гуруҳлари иссиқ, қатрондан фойдаланган ҳолда ишлар олиб бораётганда, улар орасидаги масофа камида 10 м бўлиши лозим.

8.11 Шиша пахта ва тошқол пахтани иш жойига тўзғашни истисно қилувчи контейнерларда ёки пакетларда келтириш лозим.

8.12 Конструкциялар ёки ускуналарнинг суртма изоляциялашга тайёрлаш мақсадида уларни тўқиш сими билан маҳкамланган иссиқлик изоляциялаш материаллари билан қопланганида, симлар учлари чиқиб қолмаслиги лозим.

8.13 Технологик ускуналардаги ва қувур ўтказгичлардаги иссиқлик изоляциялаш ишлари ГОСТ 12.3.038-85 га мос тарзда ҳамда улар ўрнатилгунча ёки лойиҳага мос тарзда улар доимий маҳкамлангунча бажарилишлари лозим.

Эритгич ва қатрондан ташкил топган грунтовкани тайёрлашда суюлтирилган қатронни эритгичга қўйиш лозим, эритгични суюлган битумга қуйиш мумкин эмас.

9. ЕР ИШЛАРИ

9.1 Ишлаётган ер ости коммуникациялари жойлашган жойларда ер ости ишларини бажариш бошлангунча, ушбу коммуникацияларни ишлатувчи ташкилотлар билан ҳавфсиз ишлаш шароитлари бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши ва келишилиши, ер ости коммуникацияларининг жойдаги ўринлари тегишли белгилар ёки ёзувлар билан белгилаб чиқилиши лозим.

9.2 Ишлаб турган ер ости коммуникациялари соҳасида ер ишларини иш бошқарувчиси ёки устанинг бевосита назорати остида, кучланиш остидаги кабелларнинг ҳимоя соҳасида, ёки ишлаётган газ қувурлар соҳасида эса, бундан ташқари электр ёки газ хўжалиги ходимлари назоратида бажариш лозим.

9.3 Портлаш ҳавфи бўлган майдонлар ошкор қилинганда, тегишли ташкилотларнинг рухсати олингунча ушбу жойларда ер ишлари дарҳол тўхтатилиши лозим.

9.4 Тупроқнинг патоген зарарланиши (ўпирилиш, ҳайвонлар қабристони, қабристонлар ва б.) мавжуд бўлган участкаларда ер ишларини бошлаш олдидан Давлат Санитария назорати органларининг рухсатини олиш лозим.

9.5 Кўчаларда, ўтувларда, аҳоли яшайдиган манзиллар ҳовлиларида, шунингдек одамлар ёки нақлиёт ҳаракати юз берадиган жойларда қазиладиган ўра ва хандаклар ГОСТ 23407-78 талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳимоя тўсиқлари билан тўсилишлари лозим. Тўсиқларда огоҳлантирувчи ёзув ва белгилар, тунги пайтларда эса, сигнал ёруғлик ўрнатилиши лозим.

Хандак орқали одамлар ўтадиган жойлар, тунги вақтда ёритилувчи ўтув кўприклари билан жиҳозланиши лозим.

9.6 Ўра ёки хандакдан чиқарилган грунтни ўйиқ четидан камида 0,5м масофада жойлаштириш лозим.

9.7 Ўра ва хандакларда грунтни «тагидан ковлаш» усулида чиқариш тақиқланади.

9.8 Нишабликларда ошкор қилинган харсанглар ва тошлар, шунингдек қатламланган грунт олиб ташланиши лозим.

9.9 Қояларсиз ва музламаган грунтларда грунт сувлари устида ҳамда яқин атрофда ер ости иншоотлар бўлмаганда, таянчларсиз тик деворли ўра ва хандакларни қуйидаги чуқурликларгача қазиш мукин, м.:

- 1,9 - тўкма, қум ва йирик блок грунтларда;
- 1,25 - лойли қумларда;
- 1,50 - қумли лой ва лойларда.

9.10 Қояларсиз грунтларда грунт сувларидан юқорида (капилляр кўтарилишни ҳисобга олган ҳолда) ёки сувни суньий пасайтириш ёрдамида қуритилган грунтларда маҳкамлагичларсиз нишаб қилиб ўра ва хандаклар қазишга тегишли чуқурлик ва нишаблар тиклигида 4-жадвалга мос тарзда рухсат берилади.

9.11 Чуқурлиги 5 м дан ортиқ бўлган ўйиқларда барча ҳолларда ҳамда 9.10-бандда ва 4-жадвалда кўзда тутилмаган гидрогеологик шароитлар ва грунтлар турларида 5м дан кам чуқурликларда нишаблар тиклиги лойиҳада белгиланиши лозим.

9.12 Ўра ва хандаклар деворларнинг маҳкамлашга инвентар маҳкамлагичлардан фойдаланиш имкони бўлмаганда, якка лойиҳалар бўйича тайёрланиб белгиланган тартибда тасдиқланган маҳкамлагичлардан фойдаланиш лозим.

9.13 Маҳкамлагичлар ўрнатилганда, уларнинг юқориги учи ўйиқ четидан

камида 15см чиқиб туриши лозим.

9.14 Маҳкамлагичларни ўйиқнинг ҳар 0,5 м чуқурликка тушишида юқоридан пастга томон ўрнатиб бориш лозим.

Ўйиқни қайтадан тўлдириш жараёнида маҳкамлагичларни олишни пастдан юқорига томон бажариш лозим.

9.15 Туташ грунтларда (қумли лой, лойли) тирговичларсиз тик деворли хандакларни ротор ва хандак экскаваторлари билан 3 м гача чуқурликкача бажарилиши мумкин. Ишчилар бўлиши лозим бўлган жойларда хандаклар ёки нишаблар маҳкамланишлари лозим.

4-жадвал

Грунтлар турлари	Ўйишларнинг қуйидаги чуқурлигида нишаб тиклиги, м, кўпи билан		
	1,5	3	5
Тўкма, янгиланмаган	1:0,67	1:1	1:1,25
Қутли ва шағалли	1:0,5	1:1	1:1
Лойли қум	1:0,25	1:0,67	1:0,85
Қумли лой	1:0	1:0,5	1:0,75
Лой	1:0	1:0,25	1:0,5
Соғ тупроқ ва тупроқсимон	1:0	1:0,5	1:0,5
Изоҳ: Турли хил грунтлар қатламланганда, барча қатламлар учун нишаб тиклигини энг заиф грунт бўйича танлаш лозим.*			

9.16 Намланишга дучор бўлган нишабли ўра ва хандакларда ишларни, иш бажарувчи (уста) томонидан нишаб грунти ҳолатини диққат билан қараб чиқишдан ҳамда «соябонлар» ёки дарзлар (қатламланишлар) ошкор бўлган жойлардаги омонат грунтларни тушуриб юборгандан кейингина бажаришга рухсат берилади.

9.17 Чуқурлиги 1,3м дан ортиқ бўлган чуқурликли ўра ёки хандакларга ишчиларни тушуриш олдидан нишабларнинг устуворлиги ёки деворларнинг тиргаклари текширилиши лозим.

9.18 Қиш вақтида қазилган ўра ва хандаклар илиқ кунлар келиши билан кўздан ўтказилиши, қаров натижаси бўйича эса, нишаб ёки тиргаклар устуворлигини таъминлаш бўйича тадбирлар қурилиши лозим.

9.19 Грунтни электр қиздириш билан боғлиқ ишларни бажариш лозим бўлганда, ГОСТ 12.1.012-78 талабларига риоя қилиш лозимдир. Қиздириладиган майдонни ўраб олиш, унда огоҳлантирувчи сигналлар ўрнатиш, тунги пайтларда эса, ёритиш лозим. Тўсиқ билан қиздирилувчи участка контури орасидаги масофа камида 3 м бўлиши лозим.

Кучланиш остида бўлган қиздирилувчи майдон участкаларида одамлар бўлмаслиги лозим.

9.20 Грунтнинг қиздирилувчи участкасини муваққат электр таъминоти линиясини изоляцияланган симдан тузиш лозим. Электр ускунани ҳар бир

кўчиришдан ва электр симларни қайтадан тортгандан сўнг эса, уларнинг созлигини кўздан ўтказиш керак.

9.21 Грунтни қовға воситасида ўралардан чиқаришда қазишда ишлаётганларни ёпиш учун ҳимоя соябонлар ўрнатиш лозим.

9.22 Автоўзиағдаргичларга грунтни юклашни орқа ёки ён бўртдан бажариш лозим.

9.23 Тўғри куракли экскаватор билан грунтни ўйишда ўйиш чуқурлигини иш жараёнида грунтдан «соябон»лар ҳосил бўлмайдиган қилиб танлаш лозим.

9.24 Грунтни бир-бирининг кетидан борувчи иккита ва ундан ортиқ ўзи юрар ёки шатак машиналар (скреперлар, грейдерлар, ғалтак машина, бульдозерлар ва б.) воситасида қазиётганда, ташиётганда, туширишда, текислашда ва зичлашда улар орасидаги масофа камида 10 м бўлиши лозим.

9.25 Янгидан кўтарилган таянч деворлар ва фундаментларнинг бўшлиқларини бир томондан тўлдиришни, қабул қилинган шароитларда, усулларда ва тўлдириш тартибида бир томонлама тўлдириш конструкциясининг устуворлигини таъминловчи тадбирлар амалга оширилганидан кейингина амалга оширишга рухсат берилади.

9.26 Грунтни гидромеханизация усулида амалга ошираётганда:

- гидромониторнинг унинг шаррасининг бир ярим таъсир масофаси чегараларини, шунингдек грунтнинг камида уч кунлик қазилмаси чегараларида мумкин бўлган қулаб тушиш зонасини тегишлича огоҳлантирув белгилари ва ёзувлари билан белгилаш ҳамда уюмнинг устини ҳимоя қилиш лозим;
- дастакни (бевосита оператор томонидан) бошқарилувчи гидромонитор шундай жойлаштирилиши керакки, токи гидромонитор кийгизмаси билан қазиш девори орасида камида қазиш чуқурлигича, гидромонитор билан электрузатиш ҳаво линиялари орасида эса, барча ҳолларда камида сув шарраси таъсирининг икки карра узоқлигича масофа мавжуд бўлсин;
- сувўтказгичлар ва пульпоўтказгичларнинг ихота зонасидан ташқарида жойлаштириш лозим;
- гидромониторчининг иш жойидан кўпи билан 10 м масофада сувўтказгичда, авария вазиятларида сув узатишни тўхтатиш учун ёпқич мавжуд бўлиши лозим;
- ювиладиган грунтнинг қулаш жойларини тўсиб қўйиш ёки огоҳлантириш белгилари билан кўрсатиб қўйиш лозим;
- пульпа қабул қилгичнинг зумпфини фақат гидромониторни ва тупроқсургич снарядни ўчиргандан кейингина тозалашга рухсат берилади.
- яшин вақтида гидромониторни ишлатиш тақиқланади;
- гидромониторчининг иш жойи қазиш жойидан ҳимоя экрани билан ихоталаниши лозим.

9.27 Грунтни портлатиш йўли билан қазилаётганда, «Саноатконтехназорат» Агентлиги томонидан тасдиқланган «Портлатиш ишларида ягона ҳавфсизлик қоидалари»га риоя қилиш лозим.

9.28 Грунтни механик зарба усулида юмшатишда одамларнинг юмшатиш жойидан 5 м дан яқинрок жойларда бўлишига рухсат берилмайди.

10. ТОШ ИШЛАРИ

10.1 Юк кўтариш кранлари воситасида иш жойига ғиштни, сопол тошларни ва майда блокларни кўчириш ва узатишда юкни кўтараётганда унинг тушиб кетишини истисно қилувчи тагликлардан, контейнерлардан ва юкни тутиб туриш қурилмаларидан фойдаланиш лозим.

10.2 Бинолар деворларини ишчи тўшамадан 0,7 м гача баландликкача кўтарилаётганда ҳамда кўтарилаётган девордан ер сиртигача (ораёпмагача) масофа 1,3 м дан ортиқ бўлганда, жамоавий ихота воситаларидан (қайтарувчи ёки тутувчи қурилмалар) ёки сақлагич белбоғлардан фойдаланиш лозим.

10.3 Қалинлиги 0,75 м гача бўлган ташқи деворларни деворда турган ҳолда теришга рухсат берилмайди.

Қалинлиги 0,75 м дан ортиқ деворларни махсус ихота қурилмасига маҳкамланган сақлагич белбоғлардан фойдаланган ҳолда деворда туриб теришга рухсат берилади.

10.4 Қаватлараро ораёпманинг кўтариш конструкцияларни, шунингдек зина катакларида майдончаларни ва зинапояларни ўрнатмасдан туриб бинонинг навбатдаги қавати деворларини теришга рухсат берилмайди.

10.5 Қурилаётган бинонинг периметри бўйича ташқи деворларни тош териш билан кўтараётганда, ҳавфли зоналарни 1-жадвалга кўра белгилаш ва тўсиш лозим.

10.6 Саноатнинг ғишт мўриларини теришда яшин пайтида ёки 15 м/с дан ортиқ тезликли шамолларда мўрининг тепасида ишларни бажариш тақиқланади.

Кўтаргични юклаш жойи устида 2,5-5м баландликда қалинлиги камида 40 мм ли тахталардан қуш ҳимоя тўшамаси ўрнатиш лозим.

10.7 Бўш тагликларни, контейнерларни, ғилофларни ҳавозалардан юк кўтариш механизмлари воситасида тушириш лозим.

Ҳавозалардан, бинолардан ва нақлиёт воситаларидан тагликларни, ғилофларни ва бошқаларни ташлаб юбориш тақиқланади.

10.8 Ҳавозаларда тахланган материаллар ва ўрнатилган инвентар орасида камида 60 см кенгликда ўтув йўли қолдириш лозим.

Дурадгорлик буюмларини ўрнатгунча териладиган деворларнинг дераза ва эшик оралиқларини тўсиб қўйиш лозим.

10.9 Деворнинг ташқи чокларини ҳар бир қаторни териб бўлгандан сўнг ораёпмадан ёки ҳавозадан туриб пардозлаш лозим. Ушбу муолажани бажариш пайтида ишчиларнинг деворда туриши тақиқланади.

10.10 Теришда танаффус пайтида материаллар ва асбобларни деворда қолдириш тақиқланади.

10.11 Карнизни ёки девор қопламаларини қоришманинг мустаҳкамлиги лойиҳада белгиланган мустаҳкамликка эришганидан кейингина олишга рухсат берилади.

10.12 Музлатиш усулида тош конструкцияларни ўрнатишга лойиҳада ушбу усулни қўллаш имкони, тартиби ва шароитлари мавжудлигига

кўрсатмалар бўлганидагина рухсат берилади.

10.13 Музлатиш усулида бажарилган тош конструкциялар учун конструкцияларни эритиш усули (сунъий ёки табиий) аниқланиши ҳамда конструкцияларнинг устуворлигини ва геометрик ўзгармаслигини ҳамда қоришманинг мустаҳкамлана боришини таъминлаш тадбирлари кўрсатилиши лозим.

Музлатиш усулида бажарилган тош конструкцияларнинг табиий эриши ва мустаҳкамланиши даврида улар устидан доимий назорат ўрнатиш лозим, Бинода ёки иншоотда кўрсатилган конструкцияларнинг устуворлигини таъминлаш тадбирларида иштирок этмайдиган шахсларнинг бўлишига рухсат берилмайди.

10.14 Қурилиш майдончаси ҳудуди чегараларида табиий тошларга ишлов беришни, ушбу ишда иштирок қилмаётган шахсларнинг бўлишига рухсат берилмайдиган махсус ажратилган жойларда бажариш лозим.

Бир-биридан 3 м дан кўра яқинроқ жойлашган иш жойлари ҳимоя экранлари билан ажратилиши лозим.

11. БЕТОН ВА ТЕМИРБЕТОН ИШЛАР

11.1 Яхлит темирбетон конструкциялар ясашда қўлланиладиган қолипларни белгиланган тартибда тасдиқланган ишларни бажариш лойиҳасига мос тарзда тайёрлаш ва қўллаш лозим.

11.2 Бир неча ярусли қолипларнинг элементларини ўрнатишда ҳар бир навбатдаги ярусни фақат пастки ярус маҳкамланганидан кейингина қўйиш лозим.

11.3 Қолипда, ишларни бажариш лойиҳаларни жойлаштиришга, шунингдек қолипни ўрнатишда ишларни бажаришда иштирок қилмайдиган одамларнинг бўлишига рухсат берилмайди.

11.4 Қолипларни тарқатиш (бетон муайян мустаҳкамликка эришганидан сўнг) ишлар ижрочиси рухсати билан, алоҳида масъулиятли (лойиҳа белгилаган рўйхат бўйича) конструкцияларни эса, бош муҳандис рухсати билан бажарилиши лозим. Қолипларни тарқатиш унинг элементларининг тушиб кетишини олдини олувчи тадбирларни кўриш билан бажарилиши лозим.

11.5 Ўзакни тайёрлаш ва ишлов бериш бунинг учун махсус ажратилган ва тегишлича жиҳозланган жойларда бажарилиши лозим.

11.6 Ўзакни тайёрлаш ишларини бажараётганда, қуйидагиларни бажариш муҳимдир:

- ўзак ўрамларини очишга ва тўғрила мўлжалланган жойлар ўралиши лозим;
- ўзак стерженларини станокларда узунлиги 0,3м дан кичик бўлакларга кесаётганда, уларнинг учиб кетишига йўл қўймайдиган мосламалар ишлатиш лозим;
- дастак ўлчамларидан катта бўлган ўзак стерженларига ишлов

бераётганда ишчи ўрни тўсилиши, икки томонлама дастаклар ҳолида эса, бундан ташқари, дастакни ўртасидан баландлиги 1 м дан кам бўлмаган бўйлама металл сақлагич тур билан ажратилиши лозим;

- тайёрланган ўзакни шу мақсад учун мўлжалланган жойларга жойлаш лозим;

- кенглиги 1м дан кичик бўлган умумий ўтув жойларида ўзак стерженларнинг уч қисмларини шчитларбилан ёпиш лозим.

11.7 Ўзакни таранглаш бўйича ишларни бажараётганда ишловчилар ўтадиган жойларда баландлиги камида 1,8 м бўлган ҳимоя тўсиқлари ўрнатилиши лозим; ўзакни таранглаш кўрилмасини, таранглаш кўрилмаси ишга туширилганда ишлай бошлайдиган сигнализация жиҳозланиши лозим; электр токи билан қиздирилувчи ўзак стерженларга одамларнинг 1м дан яқинроқ келмасликлари лозим.

11.8 Ўзак синчлари элементларини уларни кўтариш, йиғиш ва монтаж ўрнига ташиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда пакетлаш лозим.

11.9 Хампаларда ёки бошқа идишлардаги инерт материалларни иситиш учун буғдан фойдаланилганда, буғнинг ишчи хоналарга киришини олдини олувчи тадбирлар кўрилиши лозим. Буғ ўтказгичнинг герметиклиги ва иссиқлик изоляциясининг бутлигини даврий текшириб туриш лозим. Буғ ўтказгичларнинг вентилларини уларга яқинлашишга қулай жойларга ўрнатиш лозим.

11.10 Буғ билан иситиладиган камераларга ишчиларни туширишга, буғ узатишни тўхтатгандан сўнг, шунингдек камерани ва улардаги материаллар ва буюмларни 40°С гача совутгандан кейингина рухсат берилади.

11.11 Кимёвий қўшимчалардан фойдаланган ҳолда бетон қоришмалар тайёрлашда ишловчилар териларининг қўйишини ва кўзларининг шикастланишини олдини олиш тадбирлари кўрилиши лозим.

11.12 Бетон қоришма қовғалари ГОСТ 21807-76* талабларини қаноатлантириши лозим. Тўла ёки бўш қовғани фақат затвор ёпиқлигидагина кўчиришга рухсат берилади.

11.13 Бетон узатгичларни йиғиш, бузиш ва таъмирлашга, шунингдек улардан сақланиб қолган бетонни (тиқинни) олиб ташлашга босимни атмосфера босимига туширилганидан кейингина рухсат берилади.

11.14 Бетон узатгичларни қисилган ҳаво билан тозалаш пайтида ушбу муолажаларни бевосита бажаришда банд бўлмаган ишчилар бетон узатгичдан камида 10 м нарига кетишлари лозим.

11.15 Ҳар куни бетонни опалубкага жойлаш олдидан қутининг, қолипга жойлаш олдидан қутининг, қолипнинг ва аралаштириш воситаларининг ҳолати текширилиши лозим. Ошкор қилинган камчиликлар дарҳол бартараф қилиниши лозим.

Бетон қоришмани титрама шоҳ билан жойлаш бошланиши олдидан титрама шоҳнинг барча қисмларининг ўзаро ҳамда ихота арқонига маҳкамланишининг созлиги ва ишончлилиги текширилиши керак.

11.16 Қовға ёки хампа воситасида бетон жойлашда қовға ёки хампанинг пастки қирраси билан олдин ётқизилган бетон ёки бетон ётқизиладиган

сирт орасидаги масофа, агар ишларни бажариш лойиҳасида бошқа масофалар кўзда тутилмаган бўлса, 1 м дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

11.17 Бетон қоришмани электртитратгичлар воситасида зичлашда титратгични ток келтирувчи шланглар билан тортиб кўчиришга йўл қўйилмайди, ишдаги танаффусларда ҳамда бир жойдан бошқа жойга ўтишда электр титратгичларни узиб қўйиш лозим.

11.18 Бетон қоришмани 20° дан ортиқ нишобликка эга бўлган сиртга қўяётганида ишчилар сақлагич белбоғлардан фойдаланишлари лозим.

11.19 Бетон қоришмани автоўзитўккичлар воситасида узатишга мўлжалланган эскадалар тўқмоқ ғўлалар билан жиҳозланишлари лозим. Тўқмоқ ғўла билан тўсиқ орасида камида 0,6 м кенгликли ўтиш йўли қолдирилиши лозим.

11.20 Бетонни электр қиздиришда электр ускунани йиғишни ва таъминловчи тармоққа улашни ҳавфсизлик техникаси бўйича III дан кам бўлмаган малака гуруҳига эга бўлган электрмонтерлар бажариши лозим.

11.21 Электр қиздириш зонасида изоляцияланган қайишоқ кабеллардан ёки ҳимоя шлангидаги симлардан фойдаланиш лозим. Симларни грунт устига ёки қипиқлар устига ётқизишга, шунингдек изоляцияси бузилган симларни ётқизишга рухсат берилмайди.

11.22 Бетонни электр қиздиришда электр қиздириш зонаси ГОСТ 23407-78 талабларини қондирувчи ҳимоя тўсиғига, ёруғлик даракчисига ҳамда ҳавфсизлик белгиларига эга бўлиши лозим. Даракчи лампалар шундай уланишлари лозимки, улар қўйиб қолганда кучланиш берилиши ҳам тўхтаб қолсин.

11.23 Бетонни электр қиздириш зонаси бутун сутка давомида электр тармоқ монтажини бажарувчи электрмонтерлар назоратида бўлиши лозим.

Ушбу участкаларда, ҳавфсизлик техникаси бўйича II дан паст бўлмаган малака гуруҳига эга бўлган ва тегишли ҳимоя воситаларидан фойдаланувчи шахслар томонидан бажарилувчи ишлардан ташқари, одамларнинг бўлишига ва уларнинг бирор ишларни бажаришига рухсат берилмайди.

11.24 Темирбетон конструкцияларнинг участка билан боғланган, электр қиздирилаётган очиқ (бетонланмаган) ўзаги ерлантирилиши (нолланиши) лозим.

11.25 Бетонни қиздиришда қўлланиладиган электр ускунани янги жойга ҳар бир кўчирилганидан сўнг, симларнинг изоляцияси, тўсиқларнинг ҳимоя воситалари ва ерлаш ҳолати кўздан ўтказилиши лозим.

12. МОНТАЖ ИШЛАРИ

12.1 Монтаж ишлари олиб борилаётган жойларда бошқа ишларнинг бажарилиши ва бегона шахсларнинг бўлишига рухсат берилмайди.

12.2 Бинолар ва иншоотлар қурилаётганда, устида йиғма конструкцияларнинг ёки ускуналарнинг кўчирилиши, ўрнатилиши ва муваққат маҳкамланиши амалга оширилаётган битта секцияда (участкада), қаватларда (ярусларда) одамларнинг бўлиши билан боғлиқ ишларни бажариш тақиқланади.

Бир секцияли биноларни ёки иншоотларни қуришда, турли қаватларда (ярусларда) монтаж ва бошқа қурилиш ишларини бажаришга улар орасида ишончли (зарбавий юкламалар таъсирига тегишлича ҳисоблаш билан асосланган) қаватлараро ораёпмалар мавжудлигида, ишларни ҳавфсиз бажарилишини таъминловчи тадбирлар ўтказилганидан сўнг, ҳамда ишлар бажарилаётган жойда монтажни ҳавфсиз бажаришга ва юкларни кранлар воситасида кўчиришга, шунингдек кранчи, илувчи ва даракчилар томонидан меҳнат муҳофазасига оид ишлаб чиқариш йўриқномаларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи махсус тайинланган шахсларнинг бевосита иш жойида бўлиш шартида бош муҳандиснинг ёзма буйруғи мавжудлигида рухсат берилади.

12.3 Конструкциялар ва ускуналар элементларини илиш усуллари уларни ўрнатиш жойига лойиҳадагига яқин ҳолатда узатилишини таъминлаши лозим.

12.4 Тўғри илиш ва монтаж қилишни таъминловчи монтаж сиртмоқлари ёки илгакларига эга бўлмаган йиғма темирбетон конструкцияларни кўтариш тақиқланади.

12.5 Конструкцияларнинг монтаж қилишга мўлжалланган элементларини ифлосликлардан ва ёпишмалардан тозалашни уларни кўтаришдан олдин бажариш лозим.

12.6 Конструкциялар ва ускуналарни илишни 7.4-банд талабларини қаноатлантирувчи ҳамда юкни тутиб олиш воситасигача баландлик 2 м дан ортиқ бўлган холларда узоқдан туриб илмоқдан тутиш воситалари воситасида бажариш лозим.

12.7 Монтаж қилинувчи конструкциялар ёки ускуналар элементлари кўчириш пайтида чайқалиш ва айланишдан қайишоқ тортқичлар воситасида сақлаб турилиши лозим.

12.8 Конструкциялар ва ускуналар элементларида, уларни кўтариш ёки кўчириш пайтида одамларнинг бўлишига йўл қўйилмайди.

12.9 Ишда танаффус бўлганда, конструкцияларнинг ва ускуналарнинг кўтарилган элементларини осилган ҳолда қолдиришга рухсат берилмайди.

12.10 Монтаж қилинувчи конструкцияларни муваққат маҳкамлаш учун тортқилар ишончли таянчларга (фундаментларга, якорларга ва ш.к.) маҳкамланишлари лозим. Тортқилар сони, уларнинг материаллари ва кесими, таранглаш усуллари ва маҳкамлаш жойлари ишларни бажариш лойиҳасида кўрсатилади. Тортқилар нақлиёт ва қурилиш машиналари ҳаракатлари ўлчамларидан ташқарида жойлашишлари лозим. Тортқилар

бошқа конструкцияларнинг ўткир бурчакларига тегмасликлари лозим. Бошқа конструкциялар элементлари билан тортқиларнинг тегишиш жойларида уларни эгишга ушбу элементларнинг тортқидан берилган зўриқишлар таъсирига мустаҳкамлиги ва устуворлиги текширилганидан кейингина рухсат берилади.

12.11 Монтажчиларнинг бир конструкциядан бошқасига ўтиши учун инвентар нарвонлардан, тўсиққа эга бўлган ўтиш кўприклари ва транлардан фойдаланиш лозим.

Монтажчиларнинг 2.23-6.га кўра махсус сақлагич мосламалардан (сақлагич белбоғнинг карабинини маҳкамлаш учун ферма ёки тўсин бўйича тортилган ишончли арқон ва б.) фойдаланмасдан ўтиш кенглигини таъминловчи тўсиқлар ўрнатиш мумкин бўлмаган ўрнатилган конструкциялар ва уларнинг элементлари (фермалар, тўсинлар ва ш.у.) бўйича ўтишларига рухсат берилмайди.

12.12 Конструкциялар ёки ускуналарнинг лойиҳадаги ҳолатга ўрнатилган элементлари уларнинг устуворлигига ва геометрик ўзгармаслиги таъминланадиган қилиб маҳкамланиши лозим.

Лойиҳавий холатга ўрнатилган конструкциялар ва ускуналар элементларини илгичлардан чиқаришни уларни доимий ёки муваққат ишончли маҳкамлашдан кейин бажарилади. Конструкциялар ёки ускуналарнинг ўрнатилган элементларини илгичлардан чиқаргандан сўнг кўчириш, ППР да асосланган ҳоллардан ташқари вазиятларда рухсат берилмайди.

12.13 Монтаж ишларини шамол тезлиги 15м/с ва ундан ортиқда баландликда очиқ жойларда, тойғоноқда, яшинда ёки иш фронти доирасида кўринишни чеклайдиган туманда бажариш тақиқланади. Тик панелларни ва уларга ўхшаш катта учувчанликли конструкцияларнинг шамолнинг 10 м/с ва ундан ортиқ тезликларида кўчириш ва ўрнатиш ишларини тўхтатиш лозим.

12.14 Конструкциялар ва қурилмаларнинг монтаж қилинаётган элементлари лойиҳавий ҳолатга ўрнатилмагунча ва маҳкамланмагунча уларнинг тагида одамларнинг бўлиши тақиқланади.

Ишловчиларнинг монтаж қилинаётган ускуналар (конструкциялар) тагида бўлишлари, шунингдек ускуналар (конструкциялар)да ишлашлари лозим бўлганида, ишловчиларнинг ҳавфсизлигини таъминловчи махсус тадбирлар амалга оширилиши лозим.

12.15 Монтажчиларнинг баландликда ишлаши учун зарур бўлган осма монтаж майдончалари, нарвонлар ва бошқа мосламаларни монтаж қилинувчи конструкцияларда уларни кўтаргунича ўрнатиш ва маҳкамлаш лозим.

12.16 Ишлаётган корхона шароитларида монтаж (демонтаж) ишлари бажарилаётганда, ишлар зонасида ишлатилаётган электр тармоқлари ва бошқа ишлаётган муҳандисий тизимлар узиб қўйилиши, учлари туташтирилиши, ускуна ва қувур ўтказгичлар портлаш ҳавфи бўлган, ёнувчи ва зарарли моддалардан халос қилинишлари лозим.

12.17 Монтаж ишларини бажаришда технологик ва монтаж жиҳозларини маҳкамлашда, ускуна ва қувур ўтказгичлардан, шунингдек технологик ва қурилиш конструкциялардан, уларни тўғри ишлатишга масъул шахслар билан келишмасдан туриб, фойдаланишга йўл қўйилмайди.

12.18 Монтаж ишларини бажаришга киришгунча монтажга раҳбарлик қилувчи шахс билан машинист (моторист) орасида шартли сигналлар алмашиш тартиби ўрнатилиши лозим. Ошкора ҳавфни сезган ҳар қандай ходим томонидан берилиши мумкин бўлган «Тўхта» сигналидан ташқари барча сигналлар фақат ягона шахс (монтаж бригада бригадири, звено раҳбари такелажчи-илувчи томонидан берилади.

Алоҳида масъулиятли ҳолларда (конструкцияларни мураккаб такелаждан фойдаланиб кўтаришда, буриш услубида, катта ўлчамли ва оғир конструкцияларни сўришда, уларни иккита ёки ундан кўпроқ механизмлар билан кўтаришда ва ш.ў.) сигнални, ҳавфсизлик талабларини таъминлаш бўйича техникавий тадбирларни ишлаб чиқишга ва амалга оширишга масъул муҳандис-техник ходимлар иштирокида фақат монтаж бригадаси бригадири беради.

12.19 Конструкциялар ва ускуналарни чиғирлар воситасида силжитишда (кўчиришда) тормозловчи чиғирлар ва полиспастларнинг юк кўтариш қобилияти тортувчиларнинг юк кўтариш қобилиятига, агар лойиҳада бошқа талаблар белгиланмаган бўлса, тенг бўлиши лозим.

12.20 Бинонинг ёки иншоотнинг ҳар бир навбатдаги яруси (участка) конструкциялари монтажи (олдинги) яруснинг (участканинг) барча элементлари лойиҳага мос тарзда ишончли маҳкамланганидан кейингина бажарилиши лозим.

12.21 Баландиги 5м дан ортиқ бўлган осма металл нарвонлар 2.24-6. талабларига жавоб бериши ёки вертикал боғланишли металл ёйлар билан тўсилиши ҳамда конструкцияларга ёки ускунага ишончли маҳкамланиши лозим. Ишчиларнинг осма нарвонлар бўйича 10 м дан ортиқ баландликка кўтарилишига фақат нарвонлар баландлик бўйича кўпи билан ҳар бир 10 м да дам олиш майдончалари билан жиҳозланган ҳоллардагина рухсат берилади.

12.22 Синч бинолар монтаж қилинаётганда олдинги ярусда тўсувчи конструкциялар ёки муваққат тўсиқлар ўрнатилганидан кейингина навбатдаги ярусни ўрнатишга рухсат берилади.

12.23 Конструкцияларни, биноларни ёки иншоотларни монтаж қилиш жараёнида монтажчилар олдин ўрнатилган ва ишончли маҳкамланган конструкцияларда ёки ҳавозаларда туришлари лозим.

12.24 Биноларнинг (иншоотларнинг) зинапоялари ва зина майдончалари, шунингдек юк-одам қурилиш кўтаргичлари (лифтлари) монтажи бино конструкцияси монтажи билан бир вақтда бажарилиши лозим. Монтаж қилинган зиналарга дарҳол тўсиқлар ўрнатилиши лозим.

12.25 Бино конструкцияси монтажи олиб борилаётган тутқичларда конструкция элементларининг кўчиши пайтида юк-одам кўтаргичлардан (лифтдан) фойдаланиш тақиқланади.

12.26 Рулон материаллардан металл конструкциялар йирилаётганда, рулоннинг ўз-ўзидан ўралиб кетишининг олдини олувчи тадбирлар қурилиши лозим.

12.27 Конструкцииярларнинг ва ускуналарни бўяш ва коррозияга қарши ҳимояси қурилиш майдончасида бажарилаётган ҳолларда бу ишларни улар лойиҳа белгисига кўтарилгунча бажариш лозим. Бўяш ёки коррозияга қарши ҳимояни кўтаришдан кейин фақат чокларда ёки конструкцияларнинг уланмаларидагина бажариш мумкин.

12.28 Монтаж қилинадиган ускунани очишни ва ишга ростлашни ишларни бажариш лойиҳасига мос ажратилган зонада, махсус токчаларда ёки баландлиги камида 100 мм бўлган тагликларда бажарилиши лозим.

Ускуналарни очаётганда, портлаш ёки ёнғинга ҳавфли хоссали материаллардан фойдаланишга рухсат берилмайди.

12.29 Йиғиб йириклаштириш ва монтаж қилинувчи конструкциялар ва ускуналарни қўшимча тайёрлаш (қувурларда резба кесиш, қувурларни эгиш, чокларни мослаш ва шунга ўхшаш ишларни) ишларни бу мақсад учун махсус ажратилган жойларда бажарилиши лозим.

12.30 Йиғув муолажаларини бажариш жараёнида тирқишларни ростлаш ва монтаж қилинувчи қисмларда уларнинг мос тушганлигини текширувни махсус асбоблар (конус кийдирма, йиғма тикинлар ва б.) воситасида бажарилиши лозим. Тирқишларнинг йиғилувчи қисмларда мос тушувини қўл бармоқлари воситасида текширишга рухсат берилмайди.

12.31 Айрим царглардан ташкил топган уфқий цилиндрик сиримларни йиғишда царгларнинг ўз-ўзидан думалаб кетишига йўл қўймайдиган пона қистирмалардан ва бошқа мосламалардан фойдаланиш лозим.

12.32 Ускуналарни портлаш ҳавфи бўлган муҳит шароитида йиғувда учқун ҳосил бўлиш имконини истисно қилувчи асбоблардан, мосламалардан ва жиҳозлардан фойдаланиш лозим.

12.33 Ускунани монтаж қилишда унинг ўз-ўзидан ёки тасодифий ишга тушиши истисно қилиниши лозим.

12.34 Конструкциялар ёки ускуналарни бир нечта кўтариш ёки тортиш воситалари билан кўчиришда ушбу воситаларнинг исталган бирида ўта юкланиш имконини истисно қилиниши лозим.

12.35 Конструкциялар ёки ускуналарни кўчиришда улар билан монтаж қилинган ускуна ва бошқа конструкцияларнинг чиқиб қисмлари орасидаги масофа уфқ бўйича камида 1 м, вертикал бўйича эса, камида 0,5 м бўлиши лозим.

12.36 Юк кўтариш воситалари юк арқонлари ва полиспастларнинг монтаж жараёнида тикдан четлашиш бурчаклари паспортда, тасдиқланган лойиҳада ёки ушбу юк кўтариш воситасининг техникавий шартларда кўрсатилган катталикдан ортмаслиги лозим.

12.37 Домкратлардан фойдаланиб ускуналарни монтаж қилишда домкратларнинг қийшайишини ёки ағдарилиб кетишини истисно қилувчи тадбирлар кўрилиши лозим.

12.38 Конструкциялар ёки ускунани қия текислик бўйича туширишда

тушиш тезлигини зарурий ростлашни таъминловчи тормозловчи воситалар кўлланилиши лозим.

12.39 Электр симлар яқинида ускуналар қисмларини ҳамда қувур ўтказгич ва ҳаво симларини монтаж қилишни (монтаж қилинувчи қисм ёки звено энг катта узунлигига тенг масофалар чегарасида) кучланиш олинган ҳолда бажариш лозим.

Кучланишни олиш имкони бўлмаганда, ишларни белгиланган тартибда тасдиқланган топшириқ-қўйим бўйича бажариш лозим.

12.40 Маҳсулот билан синалган монтаж қилинган технологик ускунадаги конструктив етишмовчиликларни бартараф қилиш ва камчиликларни йўқотиш барча ишларни тегишли кичик пудратчи ташкилотлар билан биргаликда буюртмачи билан бош пудратчи ҳамкорликда ишларнинг ҳавфсизлиги бўйича тадбирлар ишлаб чиқиб тасдиқланганидан кейингина бажариш лозим.

12.41 Бош пудратчи ва буюртмачининг ёзма рухсатисиз монтаж қилинган ва ишлаётган ускуна орасида боғланишлар ўрнатиш ва уларни узиш, шунингдек ишлаётган (электр, буғ, технологик ва ҳоказо) тизимларга муваққат қурилмаларни улашга рухсат берилмайди.

12.42 Конструкциялар ва ускуналарни бўлаклаётганда, монтаж ишларига қўйиладиган талаблар бажарилиши лозим.

12.43 Битта вертикал бўйича иккита ёки ундан ортиқ сон ярусларда бир вақтда конструкцияларни бўлаклашга ёки ускуналарни ажратишга рухсат берилмайди.

13. ЭЛЕКТР-МОНТАЖ ИШЛАРИ

13.1 Электр ускуналарни монтаж қилишда ГОСТ 12.3.032-84* (СТ СЭВ 4032-83) ва монтаж ишларига қўйиладиган умумий талаблар бажарилиши лозим.

13.2 Белгиланган тартибда ишлатишга қабул қилинмаган электр тармоқлардан, тақсимлагич қурилмалардан, шчитлардан, панеллардан ҳамда уларнинг айрим тармоқларидан фойдаланишга ҳамда уларнинг айрим тармоқларидан фоидаланишга ҳамда уларни муваққат электр тармоқлар ва қурилмалар сифатида улаб олишга, шунингдек созловчи ташкилотнинг рухсатисиз монтаж қилинган ва созлашга берилган электр қурилмада электр монтажишларини бажаришга рухсат берилмайди.

Электр монтаж ишларида банд шахслар буюртмачининг ва бош пудратчининг электр хўжалигини ишлатишга оид ишларни бажармасликлари лозим.

13.3 Ҳавода узгичларни синаш жойидан 50 м дан яқинда ишларни бажариш ёки бўлишга рухсат берилмайди.

Ҳавода узгичларнинг ҳаво йиғгичидаги сақлагич клапан ишчи босимдан 10% дан ортиқ фарқ қилмайдиган босимга созланиши ва синалиши лозим. Ҳаво йиғгич ичида одамлар бўлиши билан боғлиқ ишлар бажарилаётганда, ҳаво йиғгичга ҳаво узатиш қувур ўтказгичларидаги вентилларни қулф осиб ёпиб

қўйиш ҳамда огохлантирувчи плакатлар осиб қўйиш лозим. Чиқариш вентиллари очиб қўйилиши ҳамда огоҳлантирув плакатлари ёки ёзувлар билан белгилар қўйилиши лозим.

13.4 Ажратгичларни ва кесиш туридаги бошқа аппаратларни кўчириш, кўтариш ва ўрнатиш «Уланган» ҳолатида, қайтма пружиналар ёки эркин тақсимлаш механизмлари билан таъминланганлари эса, «Узилган» ҳолатда амалга оширилади.

13.5 Юритгичларга уланган узгичлар ва ажратгичларни созлаш ишларини бажараётганда, қутилмаган уланиш ёки узилиш юз беришининг олдини олувчи тадбирлар кўрилиши лозим.

13.6 Монтаж қилинувчи аппаратни бошқарув занжирининг сақлагичлари бутун монтаж даврида олиб қўйилишлари лозим.

13.7 Электр занжирларни ва аппаратларни синаш учун оператив ток бериш лозим бўлганда, уларга огоҳлантирув плакатлари, белгилар ёки ёзувлар ўрнатиш лозим, синаш билан боғлиқ бўлмаган ишлар эса, тўхтатилиши, ушбу ишларда банд бўлган шахслар чиқариб юборилиши лозим.

Электр ускуналарни синаш учун кучланиш беришни электр монтаж ташкилотининг махсус буйруқ билан тайинланган махсус шахснинг (уста ёки прорабнинг) ёзма буюртмаси бўйича бажарилади.

13.8 Монтаж қилинувчи трансформаторларда бирламчи ва иккиламчи чўлғамлар учлари бутун электр монтаж ишларини бажариш давомида туташтириб қўйилиши ва ерлантирилиши лозим.

13.9 Электр машиналар ва трансформаторларни электр ток билан қуритиш бошлангунча ерлаштириб қўйилишлари лозим.

Трансформаторларни индукциявий йўқотишлар усулида ўз қобиғида ёки махсус металл бандда қуритишни, магнитловчи чўлғамга тегиб кетишни истисно қилувчи тадбирларни кўрган ҳолда бажариш лозим.

13.10 Электр ток билан қуритиш жараёнида изоляция қаршилигини ўлчанаётганда, монтажловчи ва ишчи чўлғамларнинг таъминоти узиб қўйилиши лозим.

13.11 Аккумуляторлар батареяси монтажи амалга ошириладиган хоналарда пластинкаларни пайвандлаш ва банкларга электролит қўйиш ишлари бошлангунча пардоз, ишлари тугалланиши, шамоллатиш, иситиш ва ёритиш тизимлари синовдан ўтказилиши ҳамда қулай жойларга кислоталар ва ишқорларни бартарафлаш учун эритмали идишлар қуйилиши лозим.

13.12. Кучланиш остида бўлган жойланган тармоқланиш қутилари, яшчиклар, қувурлар, блоклар орқали сим ўтказиш, шунингдек лойиҳа бўйича маҳкамланмаган қувурларда, тарновларда ва қутиларда симлар ва кабеллар ётқизишга рухсат берилмайди.

13.13 Симлар ва кабелларнинг изоляцияси қаршилигини мегометр ёрдамида текширувни ҳавфсизлик техникаси бўйича малака гуруҳи III дан паст бўлмаган ходимлар томонидан ўтказилиши лозим. Синаш жараёнида кучланиш остида бўлиши мумкин бўлган симлар ва кабеллар члари изоляцияланиши ёки тўсилиши лозим.

13.14 Монтаж ишлари кранларда бажарилаётганда, учланиш остида бўлган очиқ, троллерлар, иш зонасида бўлган ёритиш тармоқлари ва куч магистраллари ўзиб қўйилишлари ёки тўсилишлари лозим.

13.15 Кабел линияларини ётқизишда ҚМҚ 3.05.06-97 «Элетртехникавий қурилмалар» талаблари бажарилиши лозим.

Кабелни барабандан бўшатишга фақат тормозловчи мосламалар мавжудлигидагина рухсат берилади. Ишлатилаётган кабелни ётқизишга уни узилганидан ва ерлантирилганидан кейингина рухсат берилади.

13.16 Кабелни электр ток билан қиздиришда 380В дан юқори кучланишдан фойдаланишга рухсат берилмайди. 42В дан юқори кучланишда қиздиришда қўлланиладиган электр машиналар ва аппаратларнинг корпуслари, шунингдек кабелнинг металл қобиғи ерлантирилиши, қиздириш участкаларида ёнғинга қарши воситалар жойлаштирилиши ҳамда навбатчилик ўрнатилиши лозим.

13.17 Горелкаларни, пайванд лампаларни ёқишни, кабел массасини қиздиришни ва қалайини эритишни кабел қудуғидан камида 2 м масофада бажариш лозим. Суюлтирилган қалайи ва қиздирилган кабел массани қудуққа фақат махсус чўмичларда ёки ёпиқ идишлардагина туширишга рухсат берилади.

13.18 Ёпиқ хоналарда кабел муфталарини ва воронкаларини кабел массаси билан қуйиш учун қиздиришда шамоллатиш таъминланиши лозим. Қиздириш учун ишлатиладиган идишлар ёнғин ҳавфсизлиги талабларига мос бўлиши лозим.

13.19 Электр узатишнинг ҳаво линияларини монтаж қилишда қуйидагиларни бажариш зарур:

- монтаж қилинган электр узатиш линиялари участкаларни ерлантиришни;
- симларни ёки кўтариш троссларини камида 4,5м баландликда, нақлиёт ўтадиган жойларда камида 6 м баландликда жойлаштирилишини;
- ишловчиларнинг таянчларда ёки ерда жойлашган симлар ёки тросслар ҳосил қилган бурчакнинг ички томонида жойлашишини.

13.20 Ишлаб турган электр қурилмаларида, қоидага кўра, электр монтаж ишлари ишлар бажариладиган зонада жойлашган барча ток ташувчи қисмлардан кучланиш олиб қўйилганидан сўнг бажарилиши, уларнинг электр қурилманинг ишлаб турган қисмидан узиб қўйилиши, электр занжирнинг ошкор узиб қўйилиши ва узилган ток ташувчи қисмларнинг ерлантирилиши лозим. Ишларни бажариш зонаси электр қурилманинг ишлаб турган қисмидан, ушбу қисмга монтаж ташкилоти ходимларининг тасодифан кириб қолишларига ҳалақит берувчи туташ ёки тўр тўсиқ билан ажратиб қўйилиши лозим.

13.21 Монтаж ташкилоти ходимларининг ва механизмларнинг тўсилган ишлари бажариш сохасига ўтуви, қоидага кўра, ишлаб турган электр қурилмалар жойлашган хоналар ва ҳудудларни кесиб ўтишга олиб келмаслиги лозим.

13.22 Монтаж ташкилотига ишларни бажариш зонасини ажратиш, унга адашиб кучланиш бериб қўйишни олдини олиш ҳамда ходимлар ва

механизмларнинг ўтув жойларини кўрсатиш билан ишлаб турган қисмдан тўсиб қўйиш 2-Иловага кўра акт-рухсат билан расмийлаштирилиши лозим. Монтаж ташкилоти ходимлари ишларни 3-Иловага кўра бериладиган шаклдаги наряд-қуйим бўйича бажаради. Ишларни бажаришга наряд-рухсат берилаётганда, унда, жумладан, юқоридаги акт-рухсатда кўзда тутилган электр ҳавфсизликнинг бошқа тадбирлари ҳам кўрсатилиши лозим.

13.23 Монтаж ишларини ишлаб турган очиқ ёки ёпиқ тақсимлагич кўрилмаларида бажариш лозим бўлган ҳолларда 13.20-бандда баён қилинган талабларни бажара туриб, бунда 13.21-банд талабларини бажариш имкониятлари бўлмаса, у ҳолда ишларни 3-Иловага мос шаклда берилган наряд-рухсат бўйича бажариш лозимдир. Ушбу ҳолларда ишларга рухсатни ишлатувчи ташкилотнинг оператив ходими бериши лозим. Ходимларнинг ва механизмларнинг тақсимлагич қурилмаларининг ишлаётган қисми ҳудудидаги ишларни бажариш учун тўсилган зонага ўтувига фақат ишлатувчи ташкилотнинг бунга ваколатли вакили ҳамроҳ бўлганидагина рухсат берилади.

13.24 13.20-ва 13.21-бандлардаги талабларни бажариш мумкин бўлмайдиган истисно холлардагина ишлар 3-Иловага мос шаклда бериладиган наряд-рухсатнома бўйича бажарилиб, унда бошқа талаблар билан бир қаторда ушбу участкада ишларни фақат ишлатувчи ташкилот вакили - кузатувчи иштирокидагина бажаришга рухсат берилади, деган кўрсатма бўлиши лозим. Кузатувчи ишчи ўринларнинг муваққат тўсиқларининг, огоҳлантириш плакатларининг сақланишига ҳамда узилган ток узатувчи қисмларга ишчи кучланиш берилишининг олдини олишга, монтаж бригадаси аъзоларининг кучланиш остида бўлган ток узатувчи қисмларгача ҳавфсиз масофада бўлишларига жавобгардир.

13.25 Электрмонтаж ташкилотларининг ходимларига ишлаб турган электр қурилмаларда ишлашга рухсат берилишидан олдин ишга рухсат берувчи масъул шахс томонидан уларга иш ўрнида электр ҳавфсизлик масалаларини бўйича йўриқлар берилиши лозим.

13.26 Янгидан монтаж қилинган электр қурилма ишчи кучланиш фақат ишчи ҳайъатнинг қарори билангина берилиши мумкин. Ошкор қилинган чала ўринларни бартараф қилиш лозим бўлганида, электр қурилма узиб қўйилиши ва шкафларни, шиналарни, ускуналарга тушувни бузиш ёки кабелларни узиб қўйиш орқали ишламаётганлар тоифасига ўтказилиши, узилган ток узатувчи қисмлар эса, нуқсонларнинг бартараф қилиш бўйича ишларни бажариш бутун вақти давомида учлари қисқартирилиши ва ерланиши лозим.

14. УСКУНАЛАРНИ СИНАШ

14.1 Монтаж қилинган ускунанинг синови ушбу бобнинг талабларига, Давлат назорати органлари тасдиқлаган қоидалар ва йўриқномаларга, шунингдек завод-тайёрловчилар ушбу ускуналарни ишлатиш бўйича йўриқномаларга мос тарзда бажарилиши лозим.

14.2 Ускунани синаш олдидан қуйидагиларни бажариш лозим:

- ишлар раҳбарига синовларда қатнашаётган ходимларни ишларни бажариш тартиби ҳамда уларни ҳавфсиз бажариш тадбирлари билан таништириш;
- қўшни участкаларда ишловчиларни синовларни ўтказиш вақти ҳақида огоҳлантириши;
- ускунанинг маҳкамланишини, электр қиёмнинг изоляцияси ҳолатини ва ерланишини арматуранинг ишга тушириш ва тормозлаш қурилмаларини, назоратий ўлчагич асбобларнинг ва тиқинларнинг мавжудлигини ва созлигини кўз билан қараб, лозим бўлганда, асбоблар орқали текширувдан ўтказиш;
- синашлар зонасини тўсиб олиш ва тегишли белгилар билан белгилаш;
- авариявий дарак беришни (лозим бўлганда) ўрнатиш;
- синалаётган ускунанинг авариявий узиб қўйиш имконини таъминлаш;
- ускунанинг ичида ва ташқарисида бегона буюмларнинг йўқлигига қаноат ҳосил қилиш;
- муваққат тиқинларни, люкларни ва гардиш уланмаларни огоҳлантирув белгилари билан белгилаш;
- ҳавфлизона ҳақида огоҳлантириш учун бир постдан кўринувчанлик масофасида иккинчи пост ҳисобидан, лекин бир-биридан кўпи билан 200м масофада постлар ўрнатиш;
- синов билан банд бўлган шахсларнинг ҳавфсизликда бўлиш жойлари ва шароитларини аниқлаш;
- ёнғин ўчириш воситаларини ва мумкин бўлган ёнғинни бартараф қилиш ишига қодир ҳизмат кўрсатувчи шахсларни тайёр ҳолга келтириш;
- иш жойларининг камида 50лк ёритилганлигини таъминлаш;
- синовлар дастурида кўзда тутилган ҳавфсизликни таъминлаш ишларини бажаришга масъул шахсларни аниқлаш.

14.3 Ускуналарни кўздан ўтказишни синов босими ишчи босимга тушганидан кейингина ўтказиш лозим.

14.4 Ускуналарни ва қувур ўтказгичларни синовдан кейин шамоллатишда очиқ люклар ва штуцерлар олдига ҳимоя тўсиқлари (экранлар) қўйилиши лозим.

14.5 Юкламали ускунани синовини уни юкламасиз синовидан кейингина бажариш лозим.

14.6 Ускуна синовини атрофдаги шахслар ўз вақтида огоҳлантирилганидан ҳамда синовлар раҳбарининг рухсатини олинганидан кейингина бошлашга рухсат берилади. Ускуналарнинг синовларини ўтказиш жараёнида қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

- ҳимоя тўсиқларини олиб қўйишга;
- люкларни, тўсиқларни очиш, ускунани тозалашга ва мойлашга, унинг ҳаракатланувчи қисмларига тегишга;
- электр занжирларни, электр ускуналарни ва автоматика асбобларини текширувини ва тузатишни бажаришга.

14.7 Синаш жараёнида ускунада ошкор қилинган камчиликларни бартараф

қилишни у узилганидан ва тўлиқ тўхтаганидан кейингина бажариш лозим.

14.8 Битта таянч конструкцияда ёки эстакадада монтаж қилинган бир нечта қувур ўтказгичларни бир вақтдаги гидравлик синовини, агар ушбу таянч конструкциялар ёки эстакадалар тегишли юкламаларга мўлжалланган ҳоллардагина рухсат берилади.

14.9 Қувур ўтказгичларни пневматик синовларда сақлагич клапанлар тегишли юкламаларга ростланган бўлишлари лозим.

14.10 Пайванд чокларни қувур ўтказгичларнинг синови пайтида уриб кўришга рухсат берилмайди.

14.11 Ҳавони компрессордан синалаётган қувур ўтказгичга келтирувчи йўлларни фақат ҳавони узатишни тўхтатгач ва босимни атмосфера босимигача туширгандан сўнг бирлаштириш ва ажратишга рухсат берилади.

14.12 Қайта монтаж қилинган электр қурилмаларда созлаш ишларини бажараётганда, ишчи кучланиш унга электр қурилмада ишчи тартиб ўрнатилгандан сўнг ҳамда созлаш ишлари бўйича раҳбар томонидан ёзма ариза мавжудлигида ишга туширувчи ходимлар томонидан узатилиши мумкин.

Ишлатиш тартиби киритилмаган шчитларга, бошқарув станцияларига ва куч тўпламларига доимий схемалар бўйича созлаш ишларини бажариш учун 1000В дан кам кучланиш вақтинча беришга йўл қўйилади, аммо бу ҳолда, берилган кучланишда меҳнат ҳавфсиз шарт-шароитларини таъминловчи тадбирларни бажаришни тузатиш ишлари раҳбарига юкланади.

14.13 Сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти ташқи қувур ўтказгичлари (кейинчалик қувур ўтказгичлар)ни пневматик синашда, ушбу боб талабларидан ташқари ишларни бажариш ва қабул қилиш қоидалари, «Саноатконтехназорат» Агентлиги қоидалари талабларига риоя қилиш лозим. Ишлаётган қувур ўтказгичлар ўрнатилган эстакадаларда, каналларда ва тарновларда қувур ўтказгичларни пневматик синашга йўл қўйилмайди.

14.14 Хандакларда жойлашган қувурўтказгичларни пневматик синашни ўтказиш пайтига 5-жадвалда кўрсатилган катталикдаги ҳавфли зона чегаралари ГОСТ 12.4.026-76*га мувофиқ ҳавфсизлик белгилари билан белгиланган бўлиши керак. Мустаҳкамликка синашда қувур ўтказгичда ҳаво тўлиб келган даврда ва қувур ўтказгични босим остида тутилганда, шахсларнинг ҳавфли зонада бўлишига йўл қўйилмайди.

5-жадвал

Қувурлар материали	Синов босими (дастлабки ёки қабул), МПа	Қувур ўтказгич диаметри, мм.	Хандак чети ва қувур ўтказгичлар ён томонларидан ҳавфли зона чегарасигача масофа, м
Пўлат	0,6-1,6	300 гача	7,0
		300-1000	10,0
		1000 дан юқори	20,0
Чўян	0,15	500 гача	10,0
	0,6	500 гача	15,0
	0,15	500 дан юқори	20,0
	0,6	500дан юқори	25,0
Асбестцемент	0,15	500 гача	15,0
	0,6	500 гача	0.0
	0,15	500 дан юқори	20,0
	0,6	500 дан юқори	25,0
Пластмассалар: ПХВ типидаги нопластифика-цияланган полихлорид		63-315	10
ОТ	1,6		
Т	1,0		
С	0,6		
ст	0,4		
ПЦ полиэтилен Турлари;		63-315	8,0
Т	1,0		
Сл	0,6		
Л	0,25		
Паст босимли ПНД полиэтилен турлари:		63-1200	6,0
Т	1,0		
С	0,6		
СЛ	0,4		
Л	0,35		
Юқори босимли ПВД полиэтилен турлари:		63-160	4,0
Т	1,0		
С	0,6		
Сл	0,4		
Л	0,25		
(ПВХ, ПП, ПНД ПВД)*	0,06	110-1200	1,0
* Канализация ўзиоқар тармоқларида			

14.15 Қувур ўтказгичлар турар-жой ёки ишлатилувчи жамоа ёки ишлаб чиқариш бинолари яқинида жойлашганда уларни пневматик синаш 5-жадвалга мувофиқ аниқланувчи ҳавфли зона чегараларида жойлашган ушбу биноларнинг дераза ва эшик ўринлари ихоталовчи тўсиқлар (шчитлар, панжаралар) ёрдамида ёпилиши шарти билан амалга оширилиши мумкин.

14.16 Қувур ўтказгичларни синашда ишлатиладиган компрессор ва манометрларни синалаётган кувур ўтказгичлар жойлашган хандак зонасидан ташқарида жойлаштириш лозим.

Ҳавфли зонада компрессор хандак четидан камида 10 м масофада жойлашиши лозим, ушбу ҳолда у ихоталовчи тўсиқлар билан ҳимояланган бўлиши керак.

14.17 Қувур ўтказгичларни синов пайтида кўрикдан ўтказиш фақат босим пасайгандан кейин рухсат этилади, мПа:

- пўлат ва пластмасса қувур ўтказгичларда - 0,3 гача;
- чўян, темирбетон ва асбестбетон қувур ўтказгичларда - 0,1 гача.

Қувур ўтказгичлар нуқсонларини босим атмосфера босимигача пасайганда йўқотилади.

15. ТОМ ЁПМА ИШЛАРИ

15.1 Том ва тўсиқлар юк кўтарувчи конструкцияларнинг яроқлилигини иш бошқарувчи ёки уста билан бригадир биргаликда кўрикдан ўтказгандан сўнг ишчиларга том ёпма ишларини бажаришга рухсат берилади.

Том ёпма ишларини бажаришда ГОСТ 12.3.040-86 талабларини бажариш зарур.

15.2 .Томда 20° дан ортиқ нишабликда ишлар бажарилганда, сақловчи белбоғлардан фойдаланиш керак. Сақловчи белбоғларни мустаҳкамлаш жойлари, ЛИК ва технологик хариталарга мувофиқ уста ёки иш бошқарувчиси томонидан кўрсатилиши лозим.

15.3 .Томда қиялиги 20° дан ортиқ нишабликда, шунингдек ишчилар оғирлигидан юкламаларга мўлжалланмаган қопламали томларда ишчиларнинг ўтиши учун оёқларни тираб туриши учун кўндаланг тахтачали эни камида 0,3м бўлган кўчма зиналар ўрнатиш зарур. Кўчма зиналар иш мобайнида маҳкамланган бўлиши лозим.

15.4 Томда материалларни уларни тушиб кетмаслик чораларини, шунингдек шамол таъсирига қарши чора-тадбирларни кўрган ҳолда, фақат ишларни бажариш лойиҳасида кўзланган томлардаги жойларда жойлаштиришга йўл қўйилади.

Иш орасидаги танаффуслар пайтида технологик мосламалар, инструмент ва материаллар маҳкамланган ёки томдан олиб ташланган бўлиши керак.

15.5 Яхмалак, иш фронти доирасида қуришни истисно қиладиган туман, момақалдироқ ва 15 м/с ва ундан ортиқ тезликдаги шамол пайтида том ёпмаси

ишларини бажаришга йўл қўйилмайди.

15.6 Том ёпма унсурлари ва деталларини, шунингдек чоклардаги мувозанатлагичларни, ҳимояловчи ғилофларни, оқава сув қувурлари халқаларини, новларни, осилмаларни ва шу. иш жойларига тайёр ҳолда бериш керак. Кўрсатилган унсурлар ва деталларни бевосита томда тайёрлашга йўл қўйилмайди.

15.7 Том ёпмаларни қатрон мумдан фойдаланиб ўрнатиш бўйича ишларни бажаришда 8-бўлим талабларига риоя қилиш зарур.

15.8 Том ёпма ишларини битум ёки наирит мумлардан фойдаланиб бажарганда, кишиларнинг хордиқ чиқариши, исиниши, озиқ-овқат сақлаши ва қабул қилиши учун хоналарни иш жойларидан камида 10 м нарида жойлаштириш керак.

16. ПАРДОЗЛАШ ИШЛАРИ

16.1 Суваш ёки бўяш ишларида уларнинг тагида бошқа ишлар олиб борилса ёки йўлак бўлса, қўлланиладиган ҳавозалаш қуроллари тирқишсиз тўшамагача эга бўлиши лозим.

16.2 Эритмасургич қурилмаларни қўллаган ҳолда, сувоқ ишларини бажаришда операторнинг қурилма машинисти билан икки томонлама алоқасини таъминлаш зарур.

16.3 Иситиш тизимларидан фойдаланиш иложи бўлмаганда, қурилаётган бинолар ва иншоотлар хоналарини қуритиш учун ҳавоиситгичлар (электр ёки суюқ ёқилғида ишлаётганлар)ни ишлатиш лозим. Уларни ўрнатишда ЎзР ИИВ ЁСББ томонидан тасдиқланган Қурилиш-монтаж ишларини бажаришда ёнгин ҳавфсизлиги қоидалари талабларини бажариш лозим.

Хонани ёқилғи ёниш маҳсулотларини хонага ажратадиган иситгич ва бошқа қурилмалари ёрдамида иситиш ва қуритиш ман этилади.

16.4 Бўёвчи таркибларни, одатда, марказлашган ҳолда тайёрлаш лозим. Қурилиш майдончасида уларни тайёрлашда ушбу мақсад учун ишчи зона ҳавосида зарарли моддаларнинг чегаравий йўл қўйилган концентрациясидан ошишга йўл қўймайдиган ҳавосовиткичлар билан жиҳозланган хоналардан фойдаланиш зарур. Хоналар зарарсиз ювиш воситалари ва иссиқ сув билан таъминланган бўлиши керак.

Мажбурий ҳавосовиткичлар билан жиҳозланмаган мобил бўяш станцияларини бўёвчи таркибларни тайёрлаш учун ишлатишга йўл қўйилмайди.

Бўёқчилик ишларини бажаришда ГОСТ 12.3.035-84 талабларини бажариш зарур.

16.5 Бўёқ тайёрловчи завод йўриқномаси талабларини бузиб, бўёвчи таркибларни тайёрлашга, шунингдек зарарли моддалар хусусиятлари ҳақида кўрсатмали сертификати бўлмаган эритмаларни қўллашга йўл қўйилмайди.

16.6 Портловчи ҳавфли жуфтлар ҳосил қиладиган нитробўёқларни ва бошқа лок-бўёк ашёлари ва таркибларини қўллаш жойларида оловдан фойдаланиш ёки учкун ҳосил бўлишини келтириб чиқарадиган ҳаракатлар тақиқланади.

Бундай жойларда электр ўтказиш токсизланган ёки портловчи ҳавфсиз ижрода бажарилган бўлиши лозим.

16.7 Иш орасидаги танаффуслар пайтида портловчи ҳавфли ашё (локлар, нитробўёқлар ва ш.ў.)ли идишни тиқинлар ёки қопқоқлар билан беркитиш ва учқун ҳосил бўлишини келтириб чиқармайдиган асбоблар билан очиш лозим.

16.8 Зарарли моддалар бўлган таркибларнинг қўлланиши билан боғлиқ бўёқчилик ишларини бажаришда Ўзбекистан Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган қўл пуркагичларни қўлланадиган бўёқчилик ишларида Санитариявий қоидаларга риоя қилиш лозим.

16.9 Ойналаш ишлари бажариладиган жойларни тўсиш зарур.

16.10 Ойналаш ишлари бошлангунча деразалар табақалари мустаҳкамлигини ва яроқсизлигини кўз билан текшириш лозим.

16.11 Ойнани кўтариш ва уни ўрнатиш жойига олиб ўтишни тегишли ҳавфсиз мосламалар ёки махсус идишда амалга ошириш лозим.

17. СУНЪИЙ АСОСЛАРНИ ЎРНАТИШ ВА БУРҒИЛАШ ИШЛАРИ

17.1 Бурғилаш ишларини ва бинолар ва иншоотлар сунъий қозиқли асосларининг ўрнатилиши ер ости коммуникациялари яқинида қуриладиган сунъий маҳкамланадиган грунтлар ва бошқалардан, шунингдек портловчи ҳавфли ашёлар топилган ёки тупроқ патоген зарарланган жойларда бажаришга фақат 9-бўлимда баён қилинган талабларга риоя қилиш шарти билан йўл қуйилади.

17.2 Бурғилаш миноралари ва коперларини йиғиш қисмларга ажратиш ва бошқа жойга кўчиришни технологик хариталарга мувофиқ, кўрсатилган ишларни ҳавфсиз бажаришга масъул шахсларнинг бевосита раҳбарлиги остида ижро этилади.

Бурғилаш миноралари ва коперларни йиғиш, қисмларга ажратиш ва бошқа жойга кўчиришни 15 м/с ва ундан ортиқ шамолда ёки момақалдироқли ёмғирда йўл қўйилмайди.

17.3 Бурғилаш минораси ёки копери конструкциясини кўтариш олдидан уларнинг барча унсурлари ишончли маҳкамланган бўлиши, инструмент ва маҳкамланган предметлар эса чиқариб ташланиши лозим.

Уфқий ҳолатда йиғилган конструкциями кўтаришда конструкция узунлиги плюс 5 м га тенг радиусда барча бошка ишлар тўхтатилиши лозим.

17.4 Бурғилаш миноралари ва коперларининг техникавий ҳолати (тугунлар маҳкамланишининг ишончлилиги, алоқалар ва ишчи тўшамалар яроқлилиги)ни ҳар бир смена олдидан текшириш лозим.

17.5 Ҳар бир копер ва бурғилаш минораси товуш сигнализацияси билан жихозланган бўлиши керак. Уларни ишга туширишдан олдин товушли сигнал бериш зарур.

17.6 Копер (минора)да бурғилаш қурилмасини ишлатиш ҳавфсизлигини таъминлаш учун бургилаш инструменти ёки юкни ушлаш мосламаси кўтарилиш баландлигининг чеклагичи ўрнатилиши керак.

17.7 Охиригача буралмаган ва маҳкамланмаган резба чоклари бўлган бурғилаш инструменти билан ишлашга рухсат берилмайди.

17.8 Ўрнатилган қувурларни тушириш ва ажратиб олиш даврида ушбу ишларни бажаришда бевосита иштирок этмайдиган шахсларни бурғилаш минорасига унинг баландлигининг камида ярми масофасидан яқинига қўйилмайди.

17.9 Бурғилаш дастгоҳини қуриш, мойлаш, тозалаш ёки қандайдир носозликларини тузатиш олдидан бурғиловчи инструмент мустаҳкам ҳолатга қўйилиши, юриткич эса ўчирилиши керак.

17.10 Бурғиланган қудуқлар иш тамомлангач шчитлар билан ишончли ёпилиши ёки тўсилиши керак. Шчитларда ва тўсиқларда огоҳлантириш белгилари ва сигналли ёриткичлар ўрнатилиши лозим.

17.11 Унинг шаклида ёки ромида копер учун болта ва қозиқ чегаравий массаси кўрсатилиши лозим.

17.12 Қозиқларни копер асосида маҳкамланган фақат четлатгич блок орқали копер машинисти кўриниши чегараларида тўғри чизиқ бўйича тортишга рухсат этилади.

17.13 Коперларни силжитиш болга туширилганда режалаштирилган майдон бўйича амалга оширилиши керак.

Коперни силжитиш учун йўллар ҳолатини ҳар бир смена олдидан текшириш керак. Қозиқларни қоқиш жараёнида ва ишдан кейин коперни ҳайдашга қарши қурилмалар билан маҳкамлаш зарур.

17.14 Қозиқ қоқиш болғаси ва қозиқ (шпунт)ни кўтаришни кетма-кетлик билан бажариш лозим. Қозиқ қоқиш болғасини ва қозиқни бир вақтнинг ўзида кўтаришга йўл қўйилмайди.

17.15 Грунтга қоқилган қозиқларни кесишда кесилаётган қисмнинг тўсатдан тушиб кетишини истисно қилиш чораларини олдиндан кўриш зарур.

17.16 Сузувчан копер билан қозиқларни қоққанда, уни қирғоқда ёки тубда маҳкамланган лангарлар томон бориши, шунингдек навбатчи сузиш воситалари ёки пиёдалар кўприги ёрдамида қирғоқ билан алоқа таъминланиши зарур. Сузувчан копер қутқариш воситалари ва қайиқ билан таъминланиши лозим.

Икки баллдан ортиқ силкинишларда дарёлардаги ва сув ҳавзаларидаги қозиқ қоқиш ишларини бажаришга йўл қўйилмайди.

17.17 Муздан қозиқ қоққанда, музнинг ишчи смена бошида ва охирида ҳолатини ва қалинлигини назорат қилиш зарур. Ишчи майдон қордан тозаланган бўлиши керак.

Музда чуқурчалар, уларда қозиқларни қоқишда шчитлар билан ёпилиши

ёки тўсилиши лозим.

17.18 Виброқоққичлар ёрдамида қозиқларни қоқишда виброқоққични қозиқ билан зич ва мустаҳкам улашни, шунингдек виброқоққични ушлаб турувчи арқонларнинг эркин ҳолатини таъминлаш зарур.

Иш орасидаги ҳар бир танаффус пайтида виброқоққични ўчириб қўйиш лозим.

17.19 Қозиқ-қобиқларни қоқишда виброқоққич каллагининг қоқилаётган қозиқ-қобиғига ёки қозиқ-қобиқнинг келгуси бўлмасига улаш учун осма майдончага берилаётган конструкция фақат қоқилаётган қозиқ-қобиқ тепа қисмидан кўпида 30см масофага кран ёрдамида туширилгандан сўнг ишчиларни киритишга рухсат берилади.

17.20 Пастлашувчи қудуқни қоқишни иш бажарувчиси ёки устанинг бевосита раҳбарлиги остида амалга ошириш лозим.

17.21 Пастлашувчи қудуқ деворлари ич томондан камида иккита ишончли маҳкамланган осма зиналар билан жиҳозланган бўлиши керак.

17.22 Пастлашувчи қудуқ кескичининг чети остида грунтга ишлов бериш кетма-кетлиги унинг чидамлилигини таъминлаши лозим.

Грунтни қудуқ кескичининг чеккасидан 1 м дан паст ишлов беришга йўл қўйилмайди.

Ҳаракатчан грунтларни сувни чиқариб ишлов берилганда ёки бундай грунтларнинг юпка қатлами мавжуд бўлганда, тўсатдан грунтни ёриб ўтиш ва қудуқни сув босиш ҳолатида одамларни тезда кўчиришни таъминлаш бўйича чоралар қурилган бўлиши керак.

17.23 Тушириш қудуғининг ички периметри бўйича ихоталовчи соябонлар ўрнатиш зарур. Соябонлар ўлчамлари, мустаҳкамлиги ва ўрнатиш тартиби лойиҳада белгиланган бўлиши керак.

17.24 Грунтларни музлатиш бўйича ишларни бажариш учун мўлжалланган асбоб-анжомлар ва қувур ўтказгичлар синалган бўлиши керак;

-йиғиш тугаллангач, музлатиш станциялари аппаратлари паспортда кўрсатилган сиқилган ҳавога оид ёки гидравликавий босим билан, аммо суриб олувчи учун камида 1,2 МПа (12 кгк/см^2) ва босим остида юборувчи томон учун 1,8МПа (18 кгк/см^2);

- қудуқларга туширишдан олдин музлатувчи устунчалар камида 2,5МПа гидравликавий босим билан.

17.25 Грунтни сунъий маҳкамлаш зонасида музлатиш йўли билан қурилиш ишларини бажаришга фақат музгрунт тўсиқ билан лойиҳавий қалинликка эришилгандан сўнг рухсат этилади. Ишларни бажаришга рухсат далолатнома билан расмийлаштирилган бўлиши керак.

17.26 Музлатилган девор ёмгирдан ва қуёш нурларидан доимий ҳимояланганда, музгрунтли тўсиққа эга бўлган хандақдан грунтни олишга рухсат этилади. Иш пайтида музгрунтли тўсиқларни механикавий шикастланишлардан сақланиш чораларини кўриш лозим.

17.27 Грунтни музлатиш ва эритиш жараёнида қудуқ музгрунтли тўсиғи ўлчамларини ва ҳароратини назорат қилиш тартиби лойиҳа томонидан белгиланиши лозим.

17.28 Грунтларни (силикатлаш ва бошқа йўллар билан) кимёвий маҳкамлаш бўйича инъекциявий ишларда кўлланиладиган кувур ўтказгичлар, чиланглар ва инъекторлар ишчи босимнинг бир ярим баробар катталигига тенг, аммо камида 0,5Мпа (5кгк/см^2) босим остида гидравликавий синовларга йўлиқтирилиши лозим.

17.29 Ишлатиш жараёнида босим остида бўлган автоклав турдаги силикатқайнатгичлар ва бошка қурилмаларни «Саноатконтехназорат» Агентлиги томонидан тасдиқланган, босим остида ишловчи идишларни ўрнатиш ва ҳавфсиз ишлатиш қоидаларига мувофиқ доимий техникавий гувоҳлик беришларига ва вақти-вақти билан синовларга йўлиқтириш лозим.

17.30 Грунтни кимёвий маҳкамлаш учун эритмалар тайёрланадиган хонани шамоллатиш ашёларни сақлаш учун мос ёпик идишлар билан жиҳозлаш лозим.

18. ЕР ОСТИ ИШЛАРИ

18.1 Ер ости ишларини бажаришда ушбу боб тегишли талабларни бажариш ва «Саноатконтехназорат» Агентлиги томонидан тасдиқланган руда, норуда ва сочма конларга ер ости усули билан ишлов беришда ягона ҳавфсизлик қоидаларига, шунингдек вазирликлар ва муассасалар томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланган тоғ йўли ишларини ҳавфсиз олиб бориш бўйича қоидалар ва меъёрларга риоя қилиш зарур.

18.2 Қурилишнинг ҳар бир ер ости объекти учун авариянинг олдини олиш ва уни бартараф қилиш бўйича тадбирлар тасдиқланган бўлиши, ишчилар эса эхтимолий авариялар пайтида ўзларини тутиш қоидаларига ўргатилган бўлиши лозим.

18.3 Ер ости ишларини бошлашдан олдин мавжуд ер ости ва ер усти коммуникацияларнинг, биноларнинг ва иншоотларнинг сақланишини таъминлаш бўйича тадбирлар бажарилиши лозим.

18.4 Ер ости ишлари раҳбарлари уларни бажаришдан олдин иш майдонининг геологик ва гидрогеологик шароитлари билан таништирилиши лозим. Авариялари келтириб чиқариш имкониятини яратувчи шароитларнинг ўзгаришида, тегишли чоралар кўрилгунча, ишларни тўхтатиш керак. Ҳар бир майдон, аварияни бартараф қилишда зарур инструмент материаллар, ёнғинни ўчириш воситалари ва бошка воситалар заҳираси, шунингдек уларни қўллаш бўйича кўрсатмалар билан таъминланган бўлиши лозим.

18.5 Ер ости ишловларини вақтинча маҳкамлашни технологик харита (маҳкамлаш паспорти)га биноан бажариш лозим. Геологик ва гидрогеологик шароитларнинг ўзгаришида технологик харита қайта кўрилиши лозим.

18.6 Ер ости ишларининг бутун даврида ишловларни маҳкамлаш ҳолати ҳамда иш майдонининг геологик ва гидрогеологик шартлар лойиҳада кўрсатилган шартларга мослиги устидан назорат ўрнатилиши лозим.

18.7 Қазиб олинаётган таналарнинг кавлашда ишчилар тепадан предметларни тушиб кетишидан сакловчи тўшама билан ҳимояланган

бўлиши лозим.

18.8 Туннелларни шчитлар билан кавлашда:

- йиғилган шчит, унинг механизмлари ва мосламаларини далолатнома бўйича;
- қабул қилингандан сўнггина фойдаланишга қўйишга рухсат этилади;

грунтларга фақат шчитлар соябонлари чегараларида ишлов бериши мумкин;

- шчитни ишлов бериш ҳалқаси энидан катта масофага суришга йўл қўйилмайди;
- чидамсиз, бўш грунтларда қоқиладиган олди томонини вақтинча мустаҳкамлагич билан маҳқамлаш, сочилувчан грунтларда эса, одатда, майдонларда грунтнинг рахлари чидамлилигини таъминлаш шартларидан келиб чиқиб, микдорлари кўзда тутиладиган ясси майдонли шчитларни қўллаш лозим;
- шчитни фақат смена устаси ёки иш бажарувчиси иштирокида ва раҳбарлигида, қоқиш жойида маҳкамланишини кузатувчилардан ташқари шаҳсларнинг туришини йўл қўймасдан, суришга рухсат этилади.

18.9 Ер ости ишловларини бажаришда барча электр асбоблар, портловга ҳавфли шароитлар бўлганда, портловга ҳавфсиз ижрода бўлиши лозим.

18.10 Қудуқлар, горлар ва ер ости йўлакларини ишчи ва носоз ҳолатда электр ёритиш таъминотини турли манбалардан амалга ошириш лозим.

18.11 Электр техникавий асбоблар ўрнатиладиган ер ости йўлаги ишловлари ёки майдонлари ёнмайдиган ашёлардан мустаҳкамлагич билан маҳкамланган бўлиши лозим.

18.12 Ағдариладиган вагончалардан фойдаланилганда, уларни иҳтиёрий ағдарилишга қарши тўсиқлар билан жиҳозлаш лозим. Вагончаларни чеккаларидан паст юклаш ва ҳаракат пайтида тўла тўхтагунча ҳамроҳсиз қолдирмаслик лозим.

18.13 Ўша-ўша ишловларда вагончаларни қўлда ва механизацияланган тортишни қўллашга йўл қўйилмайди. Қўлда тортишда вагонча олди деворида ёруғликли сигнал ўрнатилган бўлиши лозим.

18.14 Қудуқлар ва ер ости йўлакларини кавлашда, зарарли моддалар ажралиши билан боғлиқ пайвандлаш ишлар майдонларидан маҳаллий тортишли шамоллатиш билан таъминланиши лозим.

18.15 Қувурларни ётиқ босишда, қувурнинг диаметри камида 1200 мм ва узунлиги кўпида 40 м бўлганда, уларда ишчиларнинг бўлишига йўл қўйилмайди.

Ишчининг қувур ўтказгич ичида узлуксиз бўлиш вақти 1 соатдан ошмаслиги керак, ишчи цикллар орасидаги оралиқлар эса камида 30 мин. белгиланади.

Узунлиги 10 м ли ва ундан ортиқ қувур ўтказгични камида 10м^3/соат миқдорида тоза ҳаво берадиган мажбурий шамоллатиш билан

таъминлаш зарур.

18.16 Грунтнинг қўлда ишлов бериб ётиқ босишга фақат қазиб олинадиган жойга газлар, сув ёки қазиладиган чуқурлар ичидаги нарсалар ёриб ўтишини истисно қилувчи шароитларда йўл қўйилади. Қувур ўтказгичлар ичида банд ишчилар билан икки томонлама алоқа ўрнатилиши лозим. Грунтни қувур ўтказгич пичоғи ташқарисида ишлашга йўл қўйилмайди.

1-ИЛОВА

Қурилиш ташкилотларида меҳнатни муҳофазалаш (техникавий ҳавфсизлик) бўйича иш берувчи муҳандисий-техник ходимлар бригадирлар ва ишчилар функционал вазифалар ҳақида тахминий низом

1. Ушбу низом иш берувчи мутахассислар бош иш бошқарувчилари иш бошқарувчилар, усталар, бригадирлар ва ишчилар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича вазифаларини ўрнатади ва Ўзбекистан Республикаси ҳудудида қурилиш фаолиятини амалга оширувчи, муассасавий мансубликдан ва мулкчилик шаклларида қатъий назар барча ташкилотларга тааллуқлидир.

Ҳизматчилар меҳнатини муҳофазалаш бўйича вазифалар уларнинг лавозимлар йўриқномаларида акс эттирилиши лозим.

Ташкилотда ушбу Низом томонидан вазифалари кўзда тутилган айрим ҳизматчилар бўлмаганда, уларнинг меҳнатини муҳофазалаш бўйича вазифалари ташкилот ходимлар рўйхатида бўлган бошқа ҳизматчилар ўртасида тақсимланиши лозим.

2. Ташкилот иш берувчисига қуйидагилар юкланади:

а) ишлаб чиқаришда соғлом ва ҳавфсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича ишлар устидан умумий раҳбарлик, ушбу учун у шахсан жавобгардир;

б) меҳнат ҳақида қонунчиликка, ҳавфсизлик қоидалари ва меъёрларига риоя қилиш, шунингдек ҳукумат, давлат назорати органлари, юқоридаги ташкилотлар, касаба уюшмаси қўмиталари қарорлари ва буйруқларини ижро этиш;

в) корхона тузилмавий бўлинмалари ҳизматчилари ва айрим мансабдор шахслари меҳнатини муҳофазалаш бўйича ҳуқуқлари ва вазифаларини таҳминий низомга мувофиқ белгилаш ;

г) ҳизматчилар томонидан уларнинг лавозимлар йўриқномаларида кўзда тутилган меҳнатни муҳофаза бўйича функционал вазифаларини бажариш шароитларини таъминлаш;

д) меҳнатнинг ҳавфсиз шароитларини яратишда ҳизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;

е) меҳнат шароитларини яхшилаш ва соғломлаштириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва молиявий таъминлаш, ушбу тадбирларни ўтказиш бўйича режаларни тасдиқлаш, кўзланган тадбирлар (жамоа шартномаси)ни бажаришни ва ўз вақтида амалга ошириш устидан назорат олиб боришни ташкил қилиш, режалаштирилаётган тадбирларни ижро этиш учун молия, моддий манбалар ва ускуналар билан таъминлаш;

ж) ҳизматларни сифатли ўқитиш ва уларга йўл-йўриқ кўрсатиш учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича хона (стендлар, бурчаклар)ни ташкил қилишга маблағлар ва материаллар ажратиш ва уларни зарур кўргазма ташвиқот воситалари, меъёрий техникавий адабиётлар ва қўлланмалар билан таъминлаш;

з) корхона барча ҳизматчиларини шу жумладан раҳбарларни ўқитиш,

уларга йўл-йўриқ кўрсатиш, уларнинг билимларини текшириш ва қайта шаходатлаш;

и) қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ бинолардан ва иншоотлардан фойдаланишни, санитария маиший биноларни ва қурилмаларни тўғри ишлашини ва вазифасига кўра уларнинг ишлашини ташкил қилиш;

к) Ўзбекистан Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 27.07.92 йилдаги № 400-сонли бўйруғига мувофиқ бир қатор касблар ва ишлаб чиқаришлар ходимларини, шартнома тузилганда, дастлабки ва, унинг фаолияти давомида, вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиш;

л) ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни ва ходимнинг соғлиғига етказилган путурларни текшириш ва ҳисобга олиш ҳақидаги Қоида талабларига мувофиқ бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида ва одилона текшириш ва ишлаб-чиқаришда жароҳатланишни олдини олиш бўйича тезкор маьлумотни тақдим этиш;

м) ишлаб-чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни ва ходимнинг соғлиғига етказилган путурларни текшириш ва ҳисобга олиш ҳақидаги Қоидага риоя қилиш (гуруҳий, ўлим билан якунланадиган ва оғир бахтсиз ҳодисалар ҳақида ўша заҳоти давлат меҳнат техникавий инспекциясига юқорида турган хўжалик органига, прокуратурага, бахтсиз ҳодиса содир бўлган жойга ва бошқа жойларга хабар қилиш; гуруҳий, ўлим билан якунланадиган ёки оғир бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш; махсус ҳайъат ишлаши учун шароитлар яратиш; шунингдек амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ касбий касалликлар, бинолар ва иншоотлар шикастланиши ва қўллашининг барча ҳолларида ўз вақтида текширишни таъминлаш ва ҳисобга олиш;

н) юқорида турган ташкилотга, давлат Назорати органларига ва статистик бошқармага белгиланган муддатларда шакл бўйича тушунтириш хати билан бахтсиз ҳодисаларда жабрланганлар ҳақида ҳисоботларни ўз вақтида бериш.

3. Бош муҳандисга қуйидагилар юкланади:

а) соғлом ва ҳавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ва таъминлаш бўйича барча ташкилий-техникавий иш;

б) энг янги илмий-техникавий ютукларни ва илгор малакани ҳисобга олиб ишлаб чиқилган янги ҳавфсизроқ технологик жараёнларни ишлаб-чиқаришга татбиқ этиш;

в) ишлаб-чиқариш объектларини РИЧИ ва технологик хариталарга мувофиқ мосламалар ва қурилмалар билан жиҳозлаш учун чоралар кўриш;

г) янги технологик жараёнлар ва регламентлар лойиҳаларини кўриб чиқиш;

д) технологик асбоб-ускуналарнинг режавий олдини олувчи таъмирланиши жадвалларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

е) технологик интизомга риоя қилиш, қурилиш меъёрлари ва қоидаларини меҳнатни муҳофаза қилиш ва ҳавфсизлик техникаси талабларини бажариш устидан назоратни ташкил қилиш;

ж) қурилиш-монтаж ишларини ҳавфсиз бажариш муҳандислик

тайёргарлиги даражасини ошириш;

з) меҳнат ҳавфсизлиги стандартлари тизими (МХСТ)ни, меҳнатни муҳофазалашни бошқарув тизими (ММБТ)ни ва бошқа тенглаштирилган ҳужжатларни тайёрлаш ва татбиқ этиш бўйича, шунингдек ишчи жойларни ва технологик жараёнларни меҳнатни муҳофазалаш талабларига мувофиқликка шаходатлаш бўйича ишларни ташкил қилиш;

и) қурилиш-монтаж ишлари муайян турларини бажаришга ишларни бажариш лойиҳаларини ёки технологик хариталарни ишлаб чиқишни ташкил қилиш ва тасдиқлаш;

к) илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотлари билан қурилиш ишлаб-чиқаришида меҳнат ҳавфсизлиги бўйича тадбирларни ишлаб чиқишга шартномалар тузиш ва мазкур шартномаларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш;

л) меҳнат ҳавфсизлиги бўйича доимий ишлаётган ҳайъат ишини ташкил этиш, майдонларда ва объектларда меҳнат шароитлари ҳолатини, асбоб-ускуналар, машиналар, механизмлар, сақлагич мосламаларнинг бузуқмаслигини (чоракда камида бир марта) текшириш, меҳнатни муҳофазалаш бўйича вакиллар таклифларини, давлат назорати органлари буйруқларини ва кўрсатмаларини бажариш, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича тезкор чоралар қўриш;

м) муҳандисий-техник ҳодимлар кенгашларида (чоракда камида бир марта) меҳнатни муҳофазалаш масалаларини кўриб чиқиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва соғломлаштириш бўйича тадбирларни бажариш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш;

н) муҳандисий техник ходимларни меҳнатни муҳофазалаш масалалари бўйича ўқитишни ва малакасини оширишни ташкил этиш. Меҳнатни муҳофазалаш бўйича билимларни текшириш учун ҳудудлар, ҳизматлар ва бўлимлар раҳбарларига бошлангич йўл-йўриқ бериш, йўл-йўриқлар дастурларини, саволномаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

о) меҳнатни муҳофазалаш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилишини ташкил этиш, уларни қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек меҳнат ҳавфсизлиги бўйича ишлайдиганларни ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш;

п) муҳандисий-техник ходимларни ва ишчиларни меъёрий ҳужжатлар, қоидалар, йўриқномалар билан таъминлаш.

4. Бошқа тузилмавий бўлинмалар таркибига кирувчи меҳнатни муҳофазалаш ва ҳавфсизлик техникаси бўйича бўлим бошлиғига, шунингдек меҳнатни муҳофазалаш ва ҳавфсизлик техникаси бўйича муҳандисларга қуйидагилар юкланади:

а) қурилиш ташкилотида ҳавфсиз ва безарар меҳнат шароитларини яратиш, ушбу соҳада тадбирлар ўтказиш,

амалдаги қонунчиликка, меҳнатни муҳофазалаш бўйича қоидалар ва меъёрларга риоя қилиш, ҳизматчиларга меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган белгиланган имтиёзларни ва компенсацияларни бериш устидан назорат

қилиш;

б) тўсувчи техниканинг янада мукаммал конструкцияларини ва жамоани ҳимоялаш бошқа воситаларини, қурилиш майдончасида нақлиёт ва йўловчилар хавфсиз ҳаракати маршрутларини ва меҳнат хавфсиз ва безарар шароитларини яратиш бўйича бошқа тадбирларни ишлаб чиқаришда ва тадбиқ этишда иштирок этиш;

в) қурилиш ташкилотида меҳнат шароитларини яхшилаш бўлажак ва йиллик режаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, кўрсатилган тадбирларни бажаришга пешҳисоблар тузиш устидан ва меҳнатни муҳофазалаш бўйича тадбирларга маблағлар сарфлаш устидан назорат қилиш;

г) ишлаб-чиқариш жароҳатланиши ва касб касалликлари сабабларини текширишда ва таҳлил қилишда, шунингдек уларни олини олиш ва бартараф этиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

д) шахсий ва жамоа ҳимояси воситалари, технологик ва монтаж ускуналар ҳолати ва қўлланилиши, ишлаб чиқариш майдонларининг плакатлар ва ҳавфсизлик белгилари, ишчиларни ўқитиш ва уларга йўл-йўриқ кўрсатиш бўйича дастурлар билан таъминланиши устидан назорат;

е) меҳнатни муҳофазалаш бўйича ишларни бажариш лойиҳалари, технологик хариталар, йўриқномалар тўла тўқислиги ва сифати устидан назорат;

ж) маърузалар, киносеанслар ва экскурсияларни ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ҳавфсизлик техникаси бўйича хоналарни ва стендларни жиҳозлашда иштирок этиш;

з) янгидан қабул қилинган ишчи томонидан меҳнатни муҳофазалаш бўйича бошлангич йўл-йўриқ ўтказилиши;

и) муҳандисий-техник ходимларнинг ҳавфсизлик ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари ва меъёрларини билишни текшириш бўйича ҳайъатлар, шунингдек касаба уюшмалари қўмиталари томонидан тузилаётган меҳнатни муҳофазалаш бўйича ҳайъатлар ишларидан иштирок этиш;

з) янгидан қабул қилинган ишчи томонидан меҳнатни муҳофазалаш бўйича бошланғич йўл-йўриқ ўтказилиши;

и) муҳандисий-техник ходимларининг ҳавфсизлик ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари ва меьёрларини билиш ва текшириш бўйича ҳайьатлар шунингдек касаба уюшмалари қўмиталари томонидан тузилаётган меҳнатни муҳофазалаш бўйича ҳайьатлар ишларида иштирок этиш;

к) меҳнатни муҳофазалаш масалалари бўйича тиббиёт муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа институтлар билан алоқа ўрнатиш ва уларнинг тавсияномаларини тадбиқ этиш бўйича чоралар кўриш;

л) меҳнат ҳавфсизлиги масалалари бўйича тузилмавий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаш ва меҳнатни муҳофазалаш бўйича ҳисобот тузиш;

м) фуқароларга зарарларни коплаш маблағлари ҳисоб-китобларининг тўғрилиги устидан, улар ушбу ҳуқуққа эга бўлсалар, назорат қилиш;

н) меҳнатни муҳофазалашни бошқарув тизими (ММБТ)га мувофиқ ишни ташкил этиш.

5 Ишлаб-чиқариш - техникавий бўлим бошлиғига қуйидагилар юкланади:

а) меҳнатни муҳофазалаш бўйича ишларни бажариш лойиҳалари ва технологик хариталар, меъёрий ҳужжатллар, стандартлар ва йўриқномалар, шунингдек меҳнатни муҳофазалаш бўйича журналлар, гувоҳномалар, далолатномалар ва бошқа бирламчи ишлаб-чиқариш ҳужжатлари;

б) ишлаб-чиқариш жараёнлари ҳавфсизлигини ва меҳнат шароитлари яхшиланишини таъминловчи илғор технологик ва ташкилий қарорлар (лойиҳалаш, конструкторлик ва илмий-тадқиқот ташкилотларнинг рационализаторлик таклифлари, ишлари ва тавсияномалари)ни, шунингдек қурилишининг оралиқ соҳалари ижобий малакасини тадбиқ этишни ташкил этиш;

в) шароитларни, меҳнат муҳофазасини ва санитария соғломлаштириш тадбирларини яхшилаш режаларини тузишда иштирок этиш;

г) ишларни бажариш лойиҳаларида меҳнатни муҳофазалаш бўйича қарорлар бажарилиши устидан назорат қилиш;

д) меҳнатни муҳофазалаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича шартномаларни тузиш ва бажариш устидан назорат.

6 Меҳнатни ва иш ҳақини ташкил этиш бўлими бошлиғига қуйидагилар юкланади;

а) меҳнатни муҳофазалаш бўйича тадбирларни моддий рағбатлантириш бўйича ишни ташкил этиш;

б) табиий-иқлимий ва ташкилий-ишлаб чиқариш шароитларидан келиб чиқиб, ишчилар меҳнат шароитларини яхшилаш, шу жумладан ҳавфсиз ишчи жойларни ташкил қилиш, белгиланган тартибда мақсадга мувофиқ иш ва меҳнат тартибларини белгилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

в) иш жойларини шаходатлаш бўйича ишни ташкил этиш;

г) меҳнат ҳавфсиз усуллари бўйича масалаларни ҳисобга олиб, ходимлар бўлими билан биргаликда ишчиларни профессионал ўқитиш, шунингдек иш вақтидан ташқари ишлаб берилган иш вақтини ҳисобга олиш.

7 Бош механикка қуйидагилар юкланади:

а) профилактикавий кўрикларни, асбоб-ускуналарни, машиналарни, механизмларни ва нақлиёт воситаларини режавий-огоҳлантирувчи таъмирлашни тўғри ташкил этиш ва ўз вақтида ўтказиш;

б) тўғри ва ҳавфсиз фойдаланишни таъминлаш, қоидалар билан кўзда тутилган синовларни ўз вақтида ўтказиш, юк кўтариш механизмларини, юкни ушлаб олиш ва чалка мосламаларини, босим остида ишлайдиган аппаратларни ва идишларни, электр пайвандлаш аппаратларини, ацетиленли, кислородли ва сиқилган ҳаво ҳайдовчи қурилмаларни, жилвир доираларни синаш учун қурилмаларни техникавий шаходатлаш ва тафтиш қилиш;

в) барча ишлаб чиқариш жиҳозларини техникавий холати, ишлатилиши ва ўз вақтида таъмирланиши устидан назорат; машиналарнинг, механизмларнинг, қурилмаларнинг, асбобларнинг ҳавфсизлик ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларига мувофиқлигини таъминлаш. Техникавий

ҳужжатлар олиб бориш устидан назорат;

г) жиҳозларнинг, механизмларнинг ва асбобларнинг аниқланган конструктив камчиликларини бартараф қилиш бўйича чоралар кўриш ва маънавий эскирган машиналарни, механизмларни ва қурилмаларни алмаштиришга ўз вақтида талабномалар тузиш. Техниканинг янги намуналарини синашда иштирок этиш;

д) шамоллатиш қурилмаларини ва тизимларининг самарали ишлашини таъминлаш; уларни ўз вақтида таъмирлаш;

е) бош механик ҳизматлари ходимларини, ҳамда юк кўтариш кранларини, босим остида ишлайдиган идишларни ва бошқа мураккаб механизмларни бошқарувчиларни ўқитишни, шаходатлашни ва уларнинг билимларини текширишни ташкил этиш ва ўтказиш;

ж) бош механик ҳизмати ишилари учун ишларни ҳавфсиз олиб бориш бўйича йўриқномаларни ўз вақтида ишлаб чиқилишини ташкил этиш, майдонлар ва ҳизматлар ҳизматчиларига ишчилар учун йўриқномалар тузишда ёрдам кўрсатиш;

з) ходимларни мураккаб механизмлар ва агрегатларни бошқаришга йўл қўйиш ўрнатилган тартибига риоя қилинишини таъминлаш;

и) жиҳозлар ва асбоблар масъулиятли деталларининг ва тугунларининг нуқсонларини кўришни ўз вақтида ўтказиш;

к) ердаги жиҳозлар билан содир бўлган ва бахтсиз ҳодисаларни ўз ортидан келтириб чиқармаган тоифали бузилишларни ўз вақтида текшириш ва ҳисобга олиш;

л) доимий ишлайдиган ҳайъат томонидан ўтказиладиган корхона объектларини мажмуавий ва мақсадли текширишларда иштирок этиш;

м) корхонанинг ишлаётган цехларида ва майдонларида жиҳозларни ишлатишда ва таъмирлаш, йиғиш ва созлаш ишларини бажаришда ҳавфсизлик қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш;

н) меҳнатни муҳофазалаш масалалари бўйича давлат назорати органларининг, техник инспекторларнинг, меҳнатни муҳофазалаш ҳизмати ходимлар амирларининг, буйруқларининг ва фармойишларнинг бажарилишини таъминлаш.

8. Бош энергетикка қуйидагилар юкланади:

а) электр ва иссиқлик-энергетик қурилмаларинниг тузилиш, техникавии ишлатиш ва ҳавфсиз қоидаларига тўл мувофиқ ишончли ва ҳавфсиз ишлашини таъминлаш;

б) электр ва иссиқлик-энергетик қурилмаларни, аппаратларни ва тармоқларни режавий-огоҳлантирув таъмирлашни, профилактик қуришларни ва синашларни ташкил этиш ва ўтказиш. Ушбу қурилмаларнинг ҳолати ва ишлатилиши устидан техникавий назорат ўрнатиш ва тегишли техникавий ҳужжатлар тўғри олиб борилишини назорат қилиш;

в) ички текширувлар, гидравликавий синовлар ўтказиш, буғ ва сув иситиш қозонларини гувоҳлаш ва таъмирлаш;

г) қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқ электр ва технологик

жиҳозларни ҳимоявий ерлаштириш созланганлигини текшириш ва статик электрни олиш бўйича зарур тадбирларни бажариш;

д) электр техник ва иссиқлик-энергетик жиҳозлар ва кўрилмалар конструктив камчиликларини йўқотиш бўйича чоралар кўриш ва маънавий эскирган қурилмаларни, механизмларни ва машиналарни алмаштиришга буюртмаларни ўз вақтида тақдим этиш;

е) электр қурилмалар, буғ қозонларига ҳизмат кўрсатишга йўл қўйилган ходимларни ўқитишни, шаходатлашни ва уларнинг билимларини текширишни ташкил этиш ва ўтказиш; участкалар ва объектлар ходимларини ўқитишда ва уларнинг тузилиши, техникавии ишлатилиш ва ҳавфсизлиги қоидаларини билишларини текширишда иштирок этиш;

ж) жиҳозларга ҳавфсиз ҳизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича йўриқномаларни ўз вақтида ишлаб чиқишни ташкил этиш ва улар томонидан иш жойлари билан таъмирлаш ҳамда ушбу йўриқномаларни тузишда ишлаб чиқариш бўлинмалари раҳбарларига амалий ёрдам кўрсатиш;

з) қоидаларга мувофиқ ҳимоя воситаларини ўз вақтида синашни (текширишни) таъминлаш;

и) корхонанинг ишлаётган цехларида ва участкаларида ускуналардан фойдаланишда ва таъмирлаш, йиғиш ва созлаш ишларини бажаришда электртехник ходимлар меҳнати ҳавфсиз шароитларини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

к) энергетик ва электр-энергетик ускуналарни ишлатишда, йиғишда ва таъмирлашда ходимлар томонидан ҳавфсизлик қоидаларини ва ишлаб чиқариш санитарияси меъёрларига риоя қилинишини таъминлаш;

л) электр ва иссиқлик-энергетик қурилмалар ишида фалокатлар ва бошқа бузилишларни ўз вақтида текшириш ва ҳисобга олиш;

м) доимий ишлаётган ҳайъат томонидан ўтказилаётган корхона объектларини мажмуавий ва мақсадли текширувларда иштирок этиш;

н) иш жойларини ва объектларини техникавий ҳужжатлар, огоҳлантирув белгилари, плакатлари, ёзувлари ва йўриқномалари билан таъминлаш;

о) давлат назорат органлари, техник инспекция, меҳнатни муҳофазалаш ҳизмати ходимлари бўйруқларини, меҳнатни муҳофазалаш масалалари бўйича бўйруқлар ва фармойишларни белгиланган муддатларда ижро этиш.

9 Таъминот (моддий-техникавий таъминот) бўлими бошлиғига қуйидагилар юклатилади:

а) бўлинмаларни шахсий ҳимоя воситалари, санитария-маиший қурилмалари, ускуналари ва жиҳозлари билан таъминлаш учун аризаларни ўз вақтида тақдим этиш;

б) махсус кийим ва махсус пойафзални ўз вақтида таъмирлашни, ювишни, тозалашни ва қуритишни шахсий ҳимоя воситаларига режавий-огоҳлантирув ишлов беришни (сақловчи белбоғларни синашни махсус кийимларни шимдиришни ва б.) ташкил этиш ва ўтказиш;

в) бош ҳисобчи билан биргаликда йўриқномага мувофиқ, шахсий ҳимоя воситаларини беришни ҳисобга олишни ташкил этиш;

г) берилган маҳсулотларга техникавий шартларга мувофиқ шахсий ва жамоа ҳимояси воситаларини сақлашни ташкил этиш;

д) омборхона ва маъмурий хоналарада меҳнатни муҳофазалаш ва ёнғин ҳавфсизлиги талабларига риоя қилиш.

10. Бош ҳисобчига қуйидагилар юклатилади:

а) меҳнатни муҳофазалаш бўйича тадбирларни ўтказишга сарфланаётган пул маблағларини белгиланган тартибда ҳисобга олишни ташкил этиш;

б) меҳнатни муҳофазалаш бўйича тадбирларга йўналтирилган маблағларни мақсадли ишлатиш;

в) ушбу ҳуқуққа эга фуқароларга зарарни қоплаш маблағларини ўз вақтида қайта ҳисоблаш, маблағ ажратиш, тўлаш ва ҳисобга олиш;

г) ишловчиларга шахсий ҳимоя маблағлар беришни ҳисобга олишни ташкил этиш.

11 Ходимлар бўлими ҳизматчиларига қуйидагилар юкланади;

а) ишга қабул қилинувчиларни бирламчи тиббий кўрикдан ўтишга юбориш, шунингдек ишловчиларни вақти-вақти билан тиббий кўришни ташкил этиш ва ўтказиш;

б) ишга фақат меҳнатни муҳофазалаш бўйича кириш йўриқномасини ўрганган, тиббий кўрикдан ўтган ва тиббий ҳайъат хулосасига кўра яроқли деб топилган шахсларни расмийлаштириш;

в) янги қабул қилинган ишчиларни малакали ва мутахассис ишчиларга амалий синов ва ўрганиш даврига бириктириш;

г) ишловчиларга ҳар йилги меҳнат таътилларини бериш жадвалларини ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш;

д) Ўзбекистан Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ балстат ёшига етмаган шахсларни ишга расмийлаштириш;

е) ишловчиларнинг ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилишлари устидан назорат қилиш;

ж) иш вақтидан ташқари вақтда ишланган иш вақтини ташкил қилиш ва ҳисобга олиш, шунингдек дам олиш кунлари ишлаганлари учун дам бериш.

12 Майдонлар бошлиқлари ва бош иш бошқарувчиларига (улар бошқараётган майдонлар чегарасида) қуйидагилар юкланади:

а) майдон объектларида меҳнатни муҳофазалашни ташкил этиш бўйича умумий раҳбарлик;

б) объектларда меҳнат шароитлари ҳолати, жиҳозларни, механизмларни, мосламаларни ва асбобларни, тўсиш ва сақлаш қурилмасини, ёритишни, огоҳлантиришни тўгри ишлатиш, ҳимоялаш воситаларининг мавжудлиги ва созланганлиги устидан назорат қилиш;

в) ишловчиларни майдон объектларида ишларни ҳавфсиз бажаришлари учун зарур махсус кийимлар, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари жамоа воситалари ва ускуналари, совун, сутга эҳтиёжларини аниқлаш ва ушбулар билан таъминлаш, шунингдек махсус кийимлар ва махсус

пойабзални ўз вақтида ювилишини ва таъмирланишини таъминлаш;

г) майдонда иш жойларини шаходатлаш бўйича ишда иштирок этиш, ҳавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқ технологик ускуналар, ҳимоя воситалари ва санитария-маиший хоналарни, ҳамда қурилиш машиналарини, энергетик қурилмаларни, нақлиёт воситаларини қўллашни ташкил этиш;

д) ишчиларни ўз вақтида ва сифатли ўқитишни ва уларнинг меҳнатнинг ҳавфсиз услублари бўйича билимларини текширишни ташкил этиш ва ўтказиш, усталар ва иш бошқарувчилари томонидан ишчиларга ўз вақтида ва сифатли йўл-йўриқ кўрсатиш;

е) давлат назорати органлари, техник инспекторлар, меҳнатни муҳофазалаш ҳизмати ходимлари буйруқларини ва кўрсатмаларини, қоидалари ва талабларини, меҳнатни муҳофазалаш бўйича ишчилар ва вакиллар мулоҳазаларини ва таклифларини белгиланган муддатларда бажариш;

ж) иш берувчига, меҳнатни муҳофазалаш ҳизматига ва касаба уюшмаси қўмитасига ёки бошқа ишилар ваколатли органига ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳақида ўз вақтида хабар бериш, ўрнатилган тартибда уларни текшириш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишни олдини олиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ва уларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан назорат қилиш;

з) объектларни меҳнатни муҳофазалаш бўйича кўргазма ташвиқот воситалари билан таъминлаш;

и) майдон объеклталарида иш олиб борувчи пудратчи ташкилотлар билан биргаликда олиб бориладиган ишлар жадвалларини тузиш.

13 Иш бошқарувчиларга ва усталарга (уста-бригадирларга) уларга топширилган майдонлар доирасида қўйидагилар юкланади:

а) ўрнатилган тартибда тасдиқланган ишларни бажариш лойиҳалари (ИБЛ)га ёки технологик хариталарга мувофиқ ишларни ташкил этиш, уларда ишларнинг муайян турлари бўйича кўрсатмалар имкони бўлмаганда ёки мавжуд бўлмаса, ўзининг бевосита раҳбарига хабар бериш;

б) (тахталар, ҳавозалар, ҳимоявий мосламалар, ўралар ва хандақлар деворларининг маҳкамлагичлари, тирговичлар, тутгичлар ва шунга ўхшаш қурилмалар) технологик ускуналари, қурилиш машиналари, энергетик қурилмалар, нақлиёт воситалари ва ишловчилар ҳимоя воситалари вазифасига мувофиқ қўллашни ташкил этиш;

в) ишларни бажариш ҳавфсиз услублари ва йўллари ҳақида ишчилар йўриқномаларини ҳисобга олиш махсус журналида ушбу ҳақида тегишли ёзув билан ишчиларга бевосита иш жойида йўл-йўриқ бериш шунингдек ИБЛ (технологик хариталар)да кўзда тутилган меҳнат ҳавфсизлиги бўйича тадбирлар билан ишчиларни таништириш;

г) иш жойларида, ўтишларда ва келиш йўлларида озодаликни ва тартибни, шунингдек иш жойларининг етарлича ёритилганлигини, краности йўлларининг ишчилар меҳнат шароитларини доимий (ҳар куни иш бошланишидан олдин ва иш вақти давомида) текшириш билан тўғри сақланишини ва ишлатилишини таъминлашни ва топилган камчиликларни

бартараф қилиш учун чоралар қуришни ташкил қилиш;

д) оғир юклар ташиш меъёрларига риоя қилиниши устидан назорат қилиш, иш жойларини жамоа ҳимояси воситалари, ёритиш, ҳавфсизлик белгилари, огоҳлантириш ёзувлари, плакатлар билан таъминлаш;

е) объект ишни бажариш майдони ҳудудида, ишлаб чиқариш хоналарида ва иш жойларида бегона шахсларнинг бўлиш эҳтимолини йўқотиш;

ж) ишчиларнинг меҳнат ва ишлаб чиқариш дисциплинасига, меҳнатни муҳофазалаш бўйича қоидаларга ва йўриқномаларга, технологик режимларга ва тартибларга риоя қилишлари, шунингдек ишчиларнинг шахсий ҳимоя воситаларини мажбурий қўллашлари устидан назорат қилиш;

з) объектда иш олиб борувчи пудратчи ташкилотлабилан биргаликда олиб бориладиган иш тартибларига риоя қилиш;

и) ИБЛ да кўзда тутилган мураккаб ва ҳавфли ишлар ва наряд-рухсат бўйича бажариладиган ишлар устидан бевосита раҳбарлик;

к) ишчилар билан ҳавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларини бузиш ҳолатларини таҳлил қилиш бўйича суҳбатлар мунтазам (ҳафтада камида бир марта) ўтказиш, ишчиларни буйруқлар ва фармойишлар мазмунидан, бахтсиз ҳодисалар жиҳатлари ва сабабларидан хабардор қилиш;

л) ишга янги қабул қилишда малакали ва тажрибалироқ ишчиларни тайинлаш ҳақида масалаларни кўриб чиқиш, келгусида эса малака ошириш устидан назоратни амалга ошириш, малака ошириш тугагач, суҳбат ўтказиш йўли билан ишчиларнинг иш ҳавфсиз усулларини ўзлаштирганликларини ва йўриқномаларни билишларини текшириш;

м) давлат назорати органларининг, меҳнат техник инспекциясининг, меҳнатни муҳофазалаш ҳизмати ходимларининг буйруқларини ва кўрсатмаларини, қоидаларини ва талабларини, ишчиларнинг ва меҳнатни муҳофазалаш бўйича вакилларнинг мулоҳазаларини ва таклифларини белгиланган муддатларда бажариш;

н) меҳнатни муҳофазалаш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқишда ва қайта кўриб чиқишда иштирок этиш, йўриқномалар алоҳида бандларини ўзгартириш ҳақида таклифлар киритиш;

о) жабрланувчига биринчи ёрдам кўрсатиш ва уни тиббий муассасага юбориш, ўша заҳоти содир бўлган бахтсиз ҳодиса ҳақида майдон бошлиғига (зарурият бўлганда, иш берувчига, меҳнатни муҳофазалаш ҳизмати ходимига ва касаба уюшмаси қўмитасига ва бошқа ҳизматчилар ваколатли органига) хабар қилиш ва иш жойида ҳолатни сақлаш ва асбоб ускуналарни ҳодиса содир бўлиш пайтида қандай турган бўлса, ўша ҳолда (агар ушбу ҳолат атрофдаги ходимлар ҳаётига ва соғлигига ҳавф туғдирмаса ва бузилиш келтириб чиқармаса) сақлаш бўйича чоралар кўриш.

14 Бригадирларга (иш берувчи буйруғи билан тайинланган звено бошлиқларига) уларга топширилган иш майдонлари доирасида юкланади:

а) бригада (звено) аъзоларининг ишларини бажариш лойиҳасида, технологик харитада, меҳнатни муҳофазалаш бўйича йўриқномада кўзда тутилган технологик жараёнлар ва меҳнат ҳавфсизлиги бўйича ташкилий-

техникавий тадбирларга риоя қилишларини таъминлаш;

б) иш бошланишидан олдин иш жойлари ҳолатини текшириш, бригада аъзолари томонидан топилган бузилишларни бартараф қилишни ташкил этиш ва улар ҳақида иш бошқарувчини, устани хабардор қилиш;

в) бригада меъёр мажмуаси ва мосламаларининг соз ҳолати устидан назорат қилиш;

г) бригада аъзоларининг меҳнатни муҳофазалашга оид меҳнат интизоми ва ички тартиб қоидаларига риоя қилишлари устидан назорат қилиш;

д) жабрланувчиларга биринчи ёрдам кўрсатишни ташқил этиш ва ўша заҳоти содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ҳақида иш бошқарувчисини ёки ташкилот раҳбарини хабардор қилиш;

е) бригада санитария-маиший хоналарини озода сақлаш;

ж) янги ишчиларни малакали ишчиларга малакаоши риш учун бириктириш ҳақида таклифлар киритиш.

15. Ишчиларга уларга топширилган иш майдонлари доирасида юкланади:

а) ички меҳнат тартиби, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми қоидалари талабаларига риоя қилиш;

б) берилган топшириққа тегишли, меҳнатни муҳофазалаш бўйича йўриқномалар талабларини бажариш;

в) технологик хариталар, ишларни бажариш лойиҳалари ва меҳнатни муҳофазалаш бўйича йўриқномалар талабларига мувофиқ иш жойини ташкил этиш ва ишларни олиб бориш;

г) шахсий (ҳимоявий каска, махсус кийим, махсус пойафзал, сақлаш белбоғи ва ш.ў.) ва жамоат ҳимоя воситаларидан фойдаланишни билиш ва уддалаш;

д) белгиланган муддатларда йўл-йўриқ олишни, ўрганишни, билимларни текширишни ўтказиш;

е) кишилар ҳаётига ёки соғлиғига бевосита ҳавф туғдирувчи исталган вазият ҳақида, шунингдек иш жараёнида ёки у билан безлик ҳолда содир бўлган исталган бахтсиз ҳодиса ҳақида ўзининг бевосита раҳбарини хабардор қилиш. Бахтсиз ҳодиса жойида агар, ушбу атрофдагилар ҳаётига ҳавф туғдирмаса, ҳолатни сақлаб қолиш;

ж) бахтсиз ҳодисаларда жабрланувчига биринчи ёрдам кўрсатиш;

з) ҳавфсизлик белгилари талабаларига риоя қилиш; ҳавфли зоналар тўсиқлари орқасига кирмаслик, иш бажарувчининг кўрсатмасисиз тўсиқлар унсурларини ва ҳавфсизлик белгиларини олиб ташламаслик талабларини бажариш;

и) соғлиғи ёмонлашганда, бевосита раҳбарга баён билан ишни тўхтатиш;

к) ишни бажариш билан боғлиқ бўлмаган шахсларни иш хонасида туришига йўл кўймаслик;

л) 1,3 м дан ортиқ баландликда жойлашган қурилаётган бинолардан иншоотлардан ва уларнинг унсурларидан, шунингдек тахталардан, ҳавозалардан ва бошқа тош ётқизиш воситаларидан ахлат, ашёлар, асбоблар ташланишига йўл қўймаслик;

м) иш жойларига ва орқага, шунингдек топшириқни бажариш жараёнида фақат ўрнатилган ўтиш йўллари, кўчма зиналар, нарвонлар, зинапоялар бўйича (деворлар, зилзилага қарши белбоғлар, ўзак синчлар ўрнатилган тўсинлар ва харилар устидан юриш қатъиян ман этилади);

н) стандарт соз асбобларни қўллаш.

16 Корхона ҳизматчиларига қуйидагилар юкланади:

а) ички меҳнат тартиби, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми қоидалари талабларига риоя қилиш;

б) қурилиш объекти ҳудудида турганда, ҳимоя каскасини мажбурий қўллаш ва атрофдаги вазиятга алоҳида эътибор бериш;

в) ҳавфсизлик белгилари, ёзувлар талабларига риоя қилиш, ҳавфсиз зоналар тўсиқлари орқасига ўтмаслик ва баландлик бўйича тўсилмаган фарқлар (деворларда ва ораёпмалардаги тешиклар)га 2 м дан яқин яқинлашилмасин деган талабларни бажариш;

г) мажбурий тиббий кўрикдан ўтиш ва шахсий гигиена талабларига риоя қилиш.

2-ИЛОВА

Ишланаётган корхона ҳудудида қурилиш ишларини бажаришга далолатнома-рухсат шакли

Ишланаётган корхона (цех, участка) ҳудудида
қурилиш-йиғиш ишларини бажаришга
далолатнома-рухсат

_____ шаҳри
« __» _____ 200 й

_____

(корхона (цех,участка) номи)

Ишларни бажаришга масъул, қуйида имзо чеккан цех (участка)
Бошлиғи_____

(Ф.И.Ш.)

ҳамда бош пудратчи вакили:_____

(ф.,и,,ш., лавозими)

қуйидагилар ҳақида ушбу далолатномани туздик.

Корхона қуйидаги координаталар билан чекланган _____

_____

(ўқлар, белгилар номи ва чизмалар №)

участкани унда_____

(ишлар номи)

ишларни бош пудратчининг вакили-техник ходим раҳбарлигида ушбу муддатларда бажариш учун ажратади:

бошланиши « ___» _____тугалланиши « __» _____

Ишлар бошлангунча ишларни ҳавфсиз бажаришни таъминлайдиган қуйидаги тадбирларни бажариш лозим.

№	Тадбир номи	Бажариш муддати	Ижрочи

Цех (участка) бошлиғи
(имзо)
Бош пудратчининг масъул вакили
(имзо)

Изоҳ: *Ушбу далолатнома - рухсатнинг ишлаш муддати тугаганидан сўнг ишларни олиб бориш лозим бўлганида, янги муддатга далолатнома - рухсат тузиш лозимдир.*

3-ИЛОВА

Юқори ҳавфга эга бўлган ишларни бажаришга наряд-рухсат шакли

_____

(корхона, ташкилот номи)

Тасдиқланди:

Иш берувчи (бош муҳандис)_____

Юқори ҳавфга эга бўлган ишларни бажаришга
наряд-рухсат

200 _ й. «_____»

1. Наряд

1.Ишларнинг масъул ижрочисига таркибида ____ одами бўлган бригада билан биргаликда қуйидаги ишларни бажариш лозим:

_____

(ишларнинг номи, бажариш ўрни)

2. Ишларни бажариш учун қуйидагилар зарур:

материаллар _____

қуроллар _____

ҳимоя воситалари_____

3. Ишларни тайёрлашда ва бажаришда қуйидаги ҳавфсизлик чораларини таъминлансин:_____

(меҳнат ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича

_____

асосий тадбирлар ва воситалар санаб ўтилади)

4. Алоҳида шартлар_____

5.Ишларнинг бошланиши 200 _____ й. соат___мин___

Ишларнинг тугалланиши 200_____ й. соат___мин__

Иш мароми _____

(бир-, икки-,уч сменали)

6. Ишларнинг масъул рахбари қилиб қуйидаги шахс тайинланади:

_____

(павозими,ф., и., ш.)

7. Наряд-рухсатномани берди _____

(лавозими, ф,и., ш.,имзоси)

8. Наряд-рухсатномани қабул қилиб олди:

ишларнинг масъул раҳбари_____

(лавозими, ф.,и.,ш., имзоси)

9. Меҳнат ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирлар ва ишларни бажариш тартиби ишлаётган корхона (цех, участка)нинг масъул шахси билан келишилди:

_____

(лавозими, ф.,и.,ш., имзоси*)

2. Рухсат

10. Йўриқномаларга мос тарзда иш ўринларида ҳавфсизлик тадбирларини _____ _____

(йўриқнома номи ёки йўриқноманинг қисқача мазмуни)

қуйидагилар ўтказдилар:

ишларнинг масъул раҳбари _____

(сана, имзо)

ишлаётган корхона (цех, участка)нинг* масъул вакили

_____

(сана, имзо)

11 .Бригаданинг қуйидаги аъзолари йўриқ олдилар:

	Фамилияси, исми, шарифи	Касби, разряди	Сана	Йўриқ олган шахс-нинг имзоси
1				

2. Иш жойи ва меҳнат шароити текширилди. Наряд-рухсатда кўрсатилган ҳавфсизлик тадбирлари таъминланди.

Ишни бажаришни бошлашга рухсат бераман _____

_____

(ишлаётган корхонанинг ишни бажаришга рухсат берувчи вакили лавозими, ф.и.ш.)

Ишларнинг масъул раҳбари_____

(сана, имзо)

Ишларнинг масъул ижрочиси _____

(сана, имзо)

13. Ишлар 200 й. ой,_____ санада_____ соат_____ мин. да бошланди.

Ишларнинг масъул раҳбари _____

(сана, имзо)

14. Ишлар тугалланди, ишчи ўринлар текширилди (материаллар, инструментлар, мосламалар ва б. йиғиштириб олинди) одамлар чиқиб кетди.

Наряд 200 й. соат _____ мин. да ёпилди

Ишларнинг масъул ижрочиси _____

(сана, имзо)

Ишлаётган корхонанинг масъул шахси * _____

(сана, имзо)

***қурилиш-йиғиш ишлари ишлаётган корхона ҳудуди (цех, участка)да бажарилганида, имзо билан расмийлаштирилади.**

Изоҳ: *Наряд-рухсат икки нусхада (1-си нарядим берган шахсда, 2-си ишларнинг масъул раҳбарида сақланади) расмийлаштирилади, ишлар ишлаб турган корхона ҳудудида бажарилганда наряд-рухсат уч нусхада расмийлаштирилади(3-нусха ишлаётган корхонанинг масъул шахсига топширилади).*

4-ИЛОВА

БАЖАРИЛИШИ УЧУН НАРЯД-РУХСАТ БЕРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ИШЛАРНИНГТАҲМИНИЙ РЎЙХАТИ

1. Электр узатиш ҳаво линиялари, газ қувурлари, шунингдек енгил алангаланувчи ёки ёнилғи суюқликлар, ёнувчи ёки суюлтирилган газлар омборларининг кўрик зоналарида қурилиш машиналаридан фойдаланиб бажариладиган қурилиш-йиғиш ишлари.

2. Қудуқларда, шурфларда ёки ёпик идишларда бажариладиган қурилиш-йиғиш ишлари.

3. Патоген зарарланган тупроқли (ахлатхоналар, ҳайвонот қабристонлари ва ш.ў.) участкалардаги тупроқ ишларида.

4. Ишлаётган корхона ҳудудида ишларни бажарилаётганда, ишлаётган корхона томонидан ишлаб чиқаришга ҳавф мавжуд бўлиши ёки юзага келиши мумкин бўлгандаги қурилиш-йиғиш ишлари.

5. Авария ҳолатида бўлган бинолларда ёки иншоотларда бажариладиган қурилиш-йиғиш ишлари.

6. Доимий мавжуд бўлган ҳавфли ишлаб чиқариш омиллиб зоналар соҳаларида бажариладиган қурилиш-йиғиш ишлари.

7. Порох инструментлари қўллашга йиғиш ва махсус қурилиш ишлари (ВСН 410-80 «Йиғиш ва махсус қурилиш ишларини бажаришда порох инструментларини қўллаш бўйича йўриқнома»га кўра махсус шаклли наряд-рухсатнома).

5-ИЛОВА

ҚУРИЛИШДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ БЎЙИЧА ҚОИДАЛАР ВА МЕЪЁРЛАРНИ БИЛИШНИ ТЕКШИРИШ БЎЙИЧА ҲУЖЖАТЛАР ШАКЛЛАРИ

Ҳавфсизлик техникаси бўйича ҳодимлар билимларини текширишнинг қайд қилиш журнали шакли

Титул варақ

_____

(Вазирлик ёки маҳкама номи)

_____

(Ташкилот номи)

Ҳавфсизлик техникаси бўйича ҳодимлар билимларини текширишни қайд қилиш журнали

Бошланди _____200_ й.

Тугалланди _____ 200__ й.

Ҳавфсизлик техникаси бўйича ҳодимлар билимларини текширишни қайд қилиш журналининг кейинги бетларини

расмийлаштириш

Қайд №№	Билимларни текшириш санаси	Текширувчи шахснинг фамилияси.и.ш., эгаллаган лавозими, касби (иш тури)	қоидалар, стандартлар ва йўриқномалар номи	Баҳо	Ҳайъат аъзолари ва уларнинг имзолари (банд ҳар бир текширилувчи шахс учун тўлдирилади)	Текширилувчи шахс имзоси
1	2	3	4	5	6	7

Муҳандис-техник ходимлар учун шаходатнома шакли

_____
(бошқарма, вазирлик, маҳкама)

_____
(ташкилот)

ШАХОДАТНОМА №___

_____
(Ф.И.Ш.)

Фотосурат учун жой

Лавозими _____

Т.Ў.Бош муҳандис _____

Эгасининг имзоси _____

Ҳавфсизлик техникаси қоидала-
рини билишга текширувдан ўтди
_____
_____
Асос-қайднома №_____

_____ 200 ____ й.
Т.Ў.Ҳайъат раиси _____
(имзо)

техника ҳавфсизлик қоидаларини
билишга текширувдан ўтди ____
_____
Асос қайднома № _____
_____ 200 ___ _ й.
Т.Ў.Ҳайъат раиси _____
(имзо)

Ишчилар учун шаходатнома шакли

_____

(бошқарма, вазирлик, маҳкама)

_____

(ташкилот)

ШАХОДАТНОМА №___

_____

(Ф.И.Ш.)

Асосий касби _____

Т.Ў.Разряди _____

Фотосуратсиз

кучга эга _____

Бош муҳандис _____

Эгасининг имзоси _____

Қуйидаги касблар (иш турлари) бўйича ишларининг ҳавфсиз усулларини билишга текширувдан ўтди:

ЕТКС га биноан касблар ёки иш турлари номи	Билимларни текшириш санаси ва журналда қайд рақами	Имтиҳон ҳайъати раиси имзоси

6-ИЛОВА

Ҳавфсизлик техникаси бўйича қўшимча талаблар қўйиладиган ишчи касблари ва қурилиш-йиғиш ишлари турларининг таҳминий рўйхати

Асфальтбетончилар (асфальтловчилар, қайнатувчилар).

Портлатувчилар.

Вулқонловчилар.

Газпайвадловчилар.

Гидромониторчилар.

Оҳаксщндирувчилар.

Винипласт, гуммаловчи ва фаолит материаллар билан ишловчи кислоталар.

Копровчилар.

Конструкцияларни нитробўёқ ва бошқа заҳарли хоссали материаллар билан бўяшда банд бўлган бўёқчилар.

Қурилиш машиналари машинистлари.

Олов билан ишловчилар.

Қувур ётқизувчилар.

Қўрғошин пайвандловчилар.

Қум билан пардозловчилар.

Электрмонтажчилар (симоб тўғрилагичлар).

Баландда бажариладиган ишлар.

Пиротехник инструментлардан фойдаланиб бажариладиган ишлар.

Ер ости ишлари.

Нақлиёт ва юк кўтариш машиналаридан фойдаланиб бажариладиган юклаш-тушириш ишлари.

Радиофаол моддаларни қўллаш билан боғлиқ ишлар.

Этилланган бензиндан фойдаланиб бажариладиган ишлар.

Ёғочни антисептик ва ёнишдан ҳимоя моддалар билан сингдириш ишлари.

Электр қурилмаларни ишлатиш ва таъмирлаш ишлари.

Шишапахтадан, тошқолпахтадан, асбестдан, қатрон асосидан, иссиқ мумлардан, перхлорвинил ва бекелит материаллардан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар.

Чуқурлиги 2 м дан ортиқ бўлган ўраларда грунтга ишлов бериш ва маҳкамлаш.

Электрпайвандлаш ишлари.

7-ИЛОВА

Ишларни бажариш лойиҳалари (ИБЛ)дан ҳавфсизлик техникасига оид асосий ечимларнинг таркиби ва мазмуни

1. Ишларни бажариш лойиҳалари ишларни бажариш ҳавфсизлигини таъминлаш ва ишловчиларга санитария-гигиена ҳизмати кўрсатиш бўйича техник ечимларга ва асосий ташкилий тадбирларга эга бўлишлари лозим.

2. Меҳнат ҳавфсизлигини таъминлаш ва ишловчиларга санитария-гигиена ҳизматини кўрсатиш масалаларини ечишда асосий материаллар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- ҳавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича меъёрий ҳужжатлар ва санитарияси бўйича меъёрий ҳужжатлар ва стандартлар талаблари;
- ўхшаш объектларни қуриш тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ишлаб чиқариш травматизми сабабларини олдини олиш бўйича тавсиялар;
- меҳнат ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича намунавий ечимлар ва ишловчиларни ҳимоя воситалари каталоги.

3. Қурилиш жараёнида меҳнат ҳавфсизлигига таъсир қилувчи шароитлар ўзгарганида, ишларни бажариш лойиҳасига тегишли қўшимчалар ёки аниқлашлар киритилиши лозим.

4. Ишларни бажариш лойиҳасида қуйидаги талаблар акс эттирилиши лозим:

- конструкциялар ва ускуналарнинг монтажида технологиявийликни таъминлаш бўйича;
- ишлаб чиқаришда ҳавф шароитларида бажариладиган ишларнинг ҳажмини ва қийинлигини камайтириш бўйича;
- машиналар ва механизмларни ҳавфсиз қилиб жойлаштириш бўйича;
- ҳавфсизлик техникавий воситаларини қўллаш билан ишчи ўринларни ташкил қилиш бўйича.
- бундан ташқари, қуйидагилар кўрсатилиши лозим.
- ишловчиларнинг якка ва жамоавий ҳимоя тузилмалари, мосламалари ва воситалари номенклатураси ва уларга эхтиёж;
- қурилиш майдонларининг ишчи ўринларнинг, ўтувлар ва йўлакларнинг ёритилиши воситалари, шунингдек дарак бериш ва алоқа воситалари;
- ишловчиларга санитария-маиший ҳизмат кўрсатишга талаблар.

5. Ишловчиларнинг баландликдан тушиб кетиш ҳавфининг олдини олиш учун ИБЛда қуйидагилар кўзда тутилиши лозим:

- аввало конвейер ёки йириклаштириб йиғишни, монтажнинг йирик блоклаб ёки крансиз усулларини жорий қилиш ҳисобига баландликда бажариладиган ишлар ҳажмини камайтириш;
- доимий тўсувчи конструкцияларни (деворлар, панеллар, тўсувчи балконлар ва оралиқларни биринчи навбатда имтиёзий кўриш;
- ҳавфсизлик техникаси талабларини қаноатлантирувчи тўсувчи муваққат қурилмалар;
- эҳтиёт арқонлар ва сақлагич белбоғларнинг жойлари ва маҳкамлаш усуллари.
- булардан ташқари, қуйидагилар кўрсатилиши лозим;
- ушбу хил ишларни ёки ушбу муолажани бажаришга мўлжалланган сўри воситалар;
- ишловчиларни иш жойларига кўтариш йўллари ва воситалари;
- қурилиш юкларини узоқдан туриб илишга имкон берувчи юк тутиш мосламалари.

6. Конструкцияларнинг, буюмларнинг ёки материалларнинг уларнинг кўтаргичлари ҳаракатланаётганда ёки монтаж қилинаётганида устуворлигини йўқотиши натижасида ёки тўланаётганида баланддан тушиб кетиш ҳавфини олдини олиш мақсадида лойиҳада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- донадор ва сочилувчан материалларни, шунингдек бетон ва қоришмаларни, кўчирилувчи юк хусусиятларини ҳамда уларни иш жойларига етказиб бериш қулайлигини ҳисобга олган ҳолда контейнерлаш воситаларини ва идишларни;
- кўчирилувчи юкнинг массасини ва ўлчамларини, илиш ва монтаж қилиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда юк тутиш мосламалари (юк илгичлар, траверслар ва монтаж тутқичлари)ни;
- йиғиш ва монтаж қилишда элементларни лойиҳавий ҳолатга мос ёки унга яқин бўлишни таъминловчи илиб узатиш усуллари;
- конструкция элементларини устивор сақлаш учун мосламаларни (пирамидалар, кассеталар)ни;
- буюмларни, материалларни, ускуналарни сақлаш тартиби ва усулларини;
- конструкцияларни ниҳоявий маҳкамлаш усулларини;
- бинолар ва иншоотлар конструкцияларини демонтаж қилинаётганда, бўлакланувчи элементларни муваққат маҳкамлаш усуллари;
- қурилиш материаллари чиқиндиларини ва ахлатни олиб кетиш усуллари;
- қурилиш монтаж ишларини битта тик бўйича бажаришда ҳимоя ораёмалари (тўшамалар) ёки соябонлар ясаш зарурияти.

7. Машиналар (механизмлар)дан фойдаланиб қурилиш-монтаж ишларини бажариш лойиҳаларида қуйидагилар кўзда тутилмоғи лозим:

- машиналар хилларини, уларни урилтириш хилларини, уларни ўрнатиш жойларини ва ишлаш маромини қурилиш технологияси ва шароитларида кўзда тутилган параметрларга мос тарзда танлаш;
- машинистга ва яқин атрофда ишлаётган одамларга зарарли ва ҳавфли

омилларнинг таъсирини истисно қилувчи тадбирлар;

- машиналар воситасида чекланган фазо ва ишчи зонани қуриш шароитида ишлар бажарилаётганда, ҳаракат йўлини ёки машинанинг бурилиш бурчагини чеклашда ҳамда машинистнинг ишловчилар билан алоқа воситаларида (товуш сигнализацияси, радио ва телефон алоқа) техник воситалардан фойдаланиш;
- емирилиш призмаси зонасида машинани тўкма грунтга ўрнатишнинг махсус шароитлари ёки махсус конструкциялар.

8.Электр токнинг ишловчиларга ҳавфли таъсирини олдини олиш қуйидагилар кўзда тутилади лозим:

- муваққат электр қурилмалар кўриш бўйича, трассаларни танлаш ҳамда муваққат куч ва ёритиш электр тармоқларининг кучланишларини аниқлаш, Ток узатувчи қисмларни ихоталаш усуллари ҳамда кириш тақсимлаш тизимларини ва асбобларни жойлаштириш бўйича кўрсатмалар;
- электр ускунанинг металл қисмларини ва ерлаштирувчи контурларни ерлаштириш тармоқларини тузиш ҳамда электр қурилмаларда ерлаштириш йўриқномаси талабларига мос тарзда ерлаштириш;
- юқори ҳавф мавжуд хоналарда ва ўта ҳавфлиларда ишларни бажаришда, шунингдек хоналардан ташқари ўхшаш шароитларда ишлари бажаришда қўшимча ҳимоявий тадбирлар;
- электрузатиш ҳаво йўллари қўриқланадиган зонасидан ташқарида юк кўтариш кранлари ёрдамида маҳсулотларни, ашёларни, ускуналарни жойлаш.

9.Ишловчиларга зарарли ишлаб чиқариш омиллари (шовқин, тебраниш, иш зонаси ҳавосида зарарли моддалар)нинг таъсирининг олдини олиш учун зарур:

- ишларни бажариш кабул қилинган технологияси тақозо этган зарарли ишлаб чиқариш омиллар пайдо бўлиши мумкин бўлган иш майдонларини аниқлаш;
- зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ишловчиларни ҳимоялаш воситаларини аниқлаш;
- зарурат бўлганда, технологик оқавалар ва чиқиндиларни зарарли моддалардан тозалаш бўйича махсус чораларни кўзда тутиш;

10. Ишларни бажариш ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- наряд-рухсатномалар бўйича бажариладиган ишларни аниқлаш;
- жорий корхоналар худудида ёки жорий иншоотлар, коммуникациялар ва кўрилмалар яқинида ишларни бажариш бўйича бош пудратчи ва буюртмачининг биргаликда тадбирларини;
- ишларни бир вақтнинг ўзида бажарганда, ҳавфсизликни таъминлаш бўйича бош пудратчи ва кичик пудратчиларнинг биргаликдаги тадбирлари.

11. Ишларни бажариш календар режасини тузишда ҳавфсизлик техникаси талаблари келтириб чиқарадиган қўшимча ишлар (чуқур ўйиқ жойлар қиялиги турғунлигини таъминлаш, йиғиш жараёнида конструкцияларни вақтинча маҳкамлаш, вақтинча маҳкамлаш, вақтинча ҳимоявий тўшамаларни ва тўсиқларни ва ш.ў. ўрнатиш)ни ва уларни бажариш учун зарур вақтни инобатга олиш лозим.

Ишларни бир неча қурилиш ташкилотлари бажараётган бўлса, календар режани бир тик чизиқ бўйича ёки бир хонанинг ўзида турли даражаларда бир вақтнинг ўзида ишларни бажариш шартларини ҳисобга олиб тузиш зарур.

12. Қурилиш режасини тузишда юк кўтариш кранларининг, электр узатиш ҳаво йўлларининг, нақлиёт воситалари интенсив ҳаракатининг қўлланилиш зоналарини, ёнғингача ҳавфли ва ёқилғи ашёларини, шунингдек зарарли моддаларни ҳамда ҳавфли зоналарни, ишловчилар ҳавфсизлигини таъминлашга эътибор талаб этиладиган иш шароитларини аниқлаш лозим.

13. Санитария-маиший хоналарни ва ишловчилар дам олиши учун майдончаларни, шунингдек автомобил ва пиёда йўлларини (махсус ҳимоявий тадбирларсиз) ҳавфли зоналардан ташқарида жойлаштириш лозим.

14. Қурилиш-йиғиш ишларини бажариш технологиясидан ва ташкил этишдан, технологик ускуналардан ва ҳимоя воситаларидан ташқари технологик хариталарда муайян ишларни бажаришда келиб чиқиши мумкин ҳавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини кўрсатиш ва ишчиларга уларнинг таъсирини олдини олиш бўйича тадбирларни кўзда тутиш зарур.

15. Меҳнат жараёнлари хариталарини технологик хариталарга боғлаганда уларда ишларни бажариш, шу жумладан иш жойини ташкил қилиш, алоҳида операцияларни бажариш ва ишчилар ўзаро мажбуриятларини тақсимлаш кетма-кетлиги бўйича ҳавфсизроқ усулларини кўзда тутиш лозим.

16. Юкларни юк кўтаргичлар билан кўчириш жойлари яқинида ёки қурилаётган (қайта тикланаётган) бино яқинидаги турар-жой, жамоа, ишлаб чиқариш биноларидан, нақлиёт бош йўлларидан, пиёдалар йўлкаларидан ва одамлар туриши мумкин бўлган бошка жойлардан фойдаланиш зарурати бўлганда, бошқалар билан бир қаторда, одамлар турадиган жойларда ҳавфли зоналар пайдо бўлиш эҳтимолини истисно қилувчи қуйидаги ҳавфсизлик талабларини бажариш зарур, шу жумладан:

а) юкни юк кўтаргич билан кўчириш жойлари яқинида:

- ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тайёрловчи завод билан келишилган ишчи ҳужжатлар бўйича тайёрланган юк кўтаргич, ҳартумлар, юк қамровчи орган ҳаракатини автоматик чекловчи воситалар ва тиргаклар билан жиҳозланган тўсин ҳартумли минорали юк кўтаргичлардан фойдаланишга йўл қўйилади;
- юк кўтаргич кранчи, илувчи ва юкларни юк кўтаргичлар билан

кўчириш бўйича ишларнинг ҳавфсиз бажарилиши учун масъул шахслар ўзаро алоқаси учун радиосўзлашув мосламаси билан жиҳозланган бўлиши лозим;

- юк кўтаргич ҳартуми ёки юк кўтаргич ўрнатилган жой жойлашувининг баландлиги шундай бўлиши керакки, юк кўтаргич ҳартуми унинг яқинида жойлашган объектларга 2 м дан кам масофага яқинлашмаслиги керак;
- юк кўтаргич ишчи ҳаракатлари юритмалари электр жиҳозлари фазалар назорат релеси билан жиҳозланган бўлиши керак;
- одамлар туриш жойларида ҳавфли зоналар пайдо бўлишини автоматик чеклаш воситалари орқали олдини олишни таъминловчи юк кўтаргич ишчи ҳаракатлари зонаси чекланишлари кўрил иш режасида кўрсатилган бўлиши керак;
- юкларнинг 7 м дан кам масофага ишчи зона чегарасига яқинлашганда ва келгуси ташилишида уларнинг кўчиш тезлиги энг пастгача туширилган бўлиши керак. Якинлашув зоналари кўрилиш режасида белгиланган бўлиши керак;
- юк кўтаргич созланган техникавий ҳолатини унинг созланган ҳолати учун жавобгар шахс кўпида ҳар 10 кунда тасдиқлаши керак;
- юк қамраш қурилмалари ва идиш созланган ҳолатини ҳар куни юкларни юк кўтаргич билан ҳавфсиз кўчириш учун масъул шахс тасдиқлаши керак. Текширувнинг қуриш ва бошқа самаралироқ усули натижаларини иш журналида ёзиб бориш лозим;
- темирбетон буюмларни кўчиришни йиғиш ҳалқалари мустаҳкамлигини синаш учун мослама ёки уларнинг тушиб кетиш эҳтимолини истисно қилувчи суғурталовчи мосламалар билан жиҳозланган юк қамраш қурилмасини кўплаб амалга ошириш лозим;

б) кўрилаётган (таъсирланаётган, қайта тикланаётган) бино яқинида:

- ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ишчи ҳужжатларига мувофиқ тайёрланган, одамлар туриш зонасига предметларнинг тушишини истисно қилувчи ушлаб қолувчи қурилмаларни ёки ҳимояловчи экранни бино периметри бўйича ўрнатиш зарур;
- юк кўтаргич ишчи ҳаракатлари шундай тарзда чекланган бўлиши керакки, уларнинг кўчираётган юки бино тархидан чиқиб кетмаслиги ва лойиҳавий ҳолатга ўрнатилган бино конструкциялари устидан энг кам йўл қўйилган катталикдан юқорига кўтарилмаслиги керак.

8-ИЛОВА

Ишчи зона ҳавосидаги баъзи зарарли моддаларнинг чегаравий йўл қўйилган тўпланмалари

Модда (буғлар, газлар) номи	СанПиН-0046-95 бўйича чегаравий йўл қўйилган тўпланма, мг/м^3	Қурилиш-йиғиш ишларини бажаришда зарарли моддалар бўлиши мумкин майдонлар (зоналар) мисоллари
Ацетилен (фосфорли водород бўйича)	Эга эмас	Коррозияга қарши, бўёқчилик, қориш ишларини, шунингдек металл, полимер материаллар ва конструкцияларни пайвандлаш ишларини бажариш майдонларида.
Оксибисбутан	20	
Хлор	1	
Толуол	50	
Олтингугурт водороди	10	Ер (ботқоқли жойларда ер ости) ишларини, шунингдек сув оқава қудуқларида ва фенолли ёки резолли қатронни қўллаб бажариладиган ишлар майдонларида
Аммиак	20	
Метан/ алифатик углеводород (углеродга ҳисоблаганда)	300	
Азот оксидлари ($N0_2$ га ҳисоблаганда)	5	Коррозияга қарши, ҳимоялаш ва пайвандлаш ишларини бажариш майдонларида, шунингдек ёқилғининг чала ёнадиган жойларида
Олтингугурт диоксиди	10	
Углерод оксиди	20	
Керосин	300	
Уайт-спирит	300	
Бензин (эриткич, ёкилғи учун)	100	

9-ИЛОВА

Зарарли ишлаб чиқариш омилларини санитария-гигиеник баҳолаш учун қўлланиладиган асбоблар

№ т.б.	Зарарли ишлаб чиқариш омиллари	Ўлчов бирлиги	Асбоблар	
			номи	Ўлчов оралиқлари
1	Ҳаво температураси	К(°С)	Аспирациявий асбоб Психрометр Термоанемометр ЭА-2М	238 дан 323 гача (-35 дан 50 гача) 283 дан 333 гача (10 дан 60 гача)
2	Ҳаво нисбий намлиги	%	Аспирациявий асбоб психрометр	10 дан 100 гача
3	Ҳаво ҳаракати тезлиги	м/с	Электранемометр Термоанемометр ЭА-2М Парракли анемометр Косали анемометр	0 дан 5 гача 0,003 дан 5 гача 1 дан 10 гача 1 дан 30 гача
4	Иш жойининг ёритилганлиги	Лк	Объективли люксметр Ю-16	25 дан 500 гача
5	Титраш	Гц, дБ	Паст частотали виб-роўлчаш аппаратураси НВА-1 ВШВ-003М2	1,4 дан 350 гача 70 дан 130 гача 20 дан 140 дБ гача
6	Шовқин	Гц, дБ	Шовқин спектри анализатори АШ-2М, ПФ-1, 0-34 Шовқинўлчагич: Ш-63 (ИРПА), Ш-3М, ИШВ ВШВ-003М2	63 дан 10000 гача 40 дан 10000 гача 30 дан 140 гача 2 дан 8000 Гц гача
7	Чанг	мг/м^3	АФА русумли ФПП матодан фильтрлар учун намуналарни танлаш учун кассеталар ва аллонжлар Ифлосланганликни ўлчаш учун асбоб ИЗВ-1	0,5 дан 1000 гача 0,5 дан 30 гача
8	Газлар	мг/м^3	Индикаторли найчали газанализатор АУХ-2	-

10-ИЛОВА

Меҳнат ҳавфсизлигини ишчиларга ўргатиш бўйича дастурларда акс эттирилиши лозим бўлган саволлар таҳминий рўйхати

Умумий саволлар

Меҳнат муҳофазаси асосий вазифалари. Меҳнат муҳофазаси бўйича қонунчилик (иш вақти, дам олиш, таътил вақтлари, аёллар ва ёшлар меҳнати муҳофазаси, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми), меҳнат муҳофазаси бўйича буйруқлар.

Давлат назорати, касаба уюшмаси меҳнат техник инспекциялари, шунингдек муассаса ички ва жамоа назорати органларининг роли.

Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил қилинган муҳандис -техник ҳизматчилар, бригадирлар ва ишчилар ҳамда меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича ҳайъатлар мажбуриятлари ва ҳуқуқлари.

Асосий ҳавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари баландликда ишлаш, электр токининг ҳавфли таъсири, нақлиёт воқеалари, машиналар ҳаракатланувчи қисмлари, шовқин, титраш, ҳавонинг паст ҳарорати, шамол, етарли даражада бўлмаган ёритилганлик, ҳаводаги қаттиқ ва суюқ аэрозоллар. Ҳавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг келиб чиқиш сабаблари.

Жароҳатсиз ва бузилишсиз юқори ишлаб чиқариш самарадорлиги билан ишловчи етакчи бригадирлар ишлари малакаси.

Бузилишлар ва фавқулодда ҳодисалар, бахтсиз воқеалар содир бўлган ҳолда ҳаракатлар. Жабрланувчиларга биринчи ёрдам кўрсатиш.

Ишловчиларга ҳавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини олдини олиш бўйича асосий тадбирлар, шу жумладан: ҳавфли зоналарни ва иш жойларини (уларнинг жойлашувини, ҳимоя зарур воситалари билан жиҳозланганлигини) ҳисобга олиб, ишларни ташкил этиш, ускуналар ҳавфсиз фойдаланиш қоидалари, нақлиёт турли хилларида одамларни ташиш қоидалари, ёнғинга қарши тадбирлар, санитария-маиший хизмат, ўқитиш ва йўл-йўриқ кўрсатиш тартиби.

Қурилиш-йиғиш ва пардозлаш ишларини олиб боришда ёнғин ҳавфсизлиги қоидалари талаблари.

Муайян қурилиш касблари учун саволлар

Ҳавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари ҳамда иш ёки касб ушбу тури учун хос ишлаб чиқариш жароҳатланиши ҳақида маълумотлар.

Ишларни ҳавфсиз бажаришни ташкил этиш учун зарур тадбирлар. Ишнинг ушбу турини бажаришда қўлланиладиган технологик ускуналар, жиҳозлар, қурилмалар, мосламалар ва асбоблар носозлигини таърифловчи асосий белгилар.

Шахсий ва жамоа ҳимояси воситалари, ҳавфсизлик асбоблари ва қурилмалари. Иш жойларини ҳавфсизлик техникавий воситаларини ҳисобга олиб ташкил этиш.

Ишларни ҳавфсиз бажариш услублари, машиналардан ва ускуналардан ҳавфсиз фойдаланиш қоидалари.

Ишларни юқори ҳавфли ва ўта ҳавфли шароитларда бажариш.

11-ИЛОВА

Мазкур меъёрларда ва қоидаларда мурожаат қилинган меъёрий ҳужжатлар рўйхати

№	Ҳужжат	Ким томонидан ва қачон тасдиқланган
1	«Меҳнатни муҳофазалаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни	Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, №840-XII 6.05.93 й.
2	Қурилиш, қурилиш-йиғиш ва таъмирлаш-йиғиш ишларида банд ишчиларга ва ҳизматчиларга махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини бепул бериш намунавий соҳавий меъёрлари	ЎзР Меҳнат вазирлиги, №6/25 10.06.93 й.
3	Ишчиларни ва ҳизматчиларни махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш тартиби ҳақида Йўриқнома	Собиқ ССРИ Давмеҳнат кўмитаси, ВЦСПС №100/11-9, 24.05.83й.
4	СН 276-74 «қурилиш-йиғиш ташкилотларининг маиший биноларини ва хоналарини лойиҳалаш бўйича Йўриқнома». Қурилиш ва йиғиш ташкилотлари учун инвентар бинолар, иншоотлар ва қурилмалар ҳамда уларнинг мажмуалари номлари рўйхати.	Собиқ ССРИ Давқурилиши, 18.04.83 й.
5	СанПиН 0023-94 «Қурилиш ташкилотлари ишчиларининг меҳнат шароитларига ва санитария-маиший таъминотига гигиеник талаблар»	ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги, 1.02.1994 й.
6	Ички меҳнат тартиби намунавий қоидалари	ЎзР Меҳнат вазирлиги, №834, 7.05.99 й.
7	Ўзбекистон Республикаси меҳнаткашларини ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўриклар тизимини такомиллаштириш ҳақида	ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Буйруқ №400 27.07.92 й.
8	Меҳнат муҳофазаси бўйича хона ҳақида намунавий ҳолат	Собиқ ССРИ Давлат меҳнат кўмитаси ва ВЦСПС Секретариати, Қарор №197/16-17, 8.06.78 й.
9	Хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тақиқланган ноқулай меҳнат шароитлари мавжуд ишлар рўйхати	ЎзР Меҳнат вазирлиги, 24.12.99й., ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги, 22.12.99й.
10	ССРИ Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қурилишда қўллашга рухсат этилган полимер материаллар ва конструкциялар рўйхати	Собиқ ССРИ Бош санитар шифокори муовини, №3859-85, 7.04.85 й.
11	ЎзР темир йўлларидан техникавий фойдаланиш қоидалари	«Ўзбекистан темир йўллари» ДАТК
12	Қурилиш-йиғиш ишларини бажаришда ёнғин ҳавфсизлиги қоидалари	ЎзР ИИВ, 26.12.94 й.
13	Портлатиш ишларида ягона ҳавфсизлик қоидалари	ЎзР (Давтоғтехназорат) агентлиги, 24.04.93 й.
14	Юк кўтариш кранларининг тузилиш ва ҳавфсиз ишлатилиш қоидалари	Саноатда ишларни ҳавфсиз олиб бориш устидан назорат ва тоғ назорати бўйича ЎзР агентлиги (Давтоғтехназорат), 31.01.94 й.
15	Йўл ҳаракати қоидалари	ЎзР ИИВ, №452, 31.12.93 й.

№	Ҳужжат	Ким томонидан ва қачон тасдиқланган
16	Автомобил нақлиётида катта ўлчамли ва оғир вазнли юкларни ташиш бўйича Йўриқнома	Ўзбекистан Республикаси ИИВ (Собиқ ССРИ ИИВ), №53, 24.02.77 й.
17	СанПиН 0063-96 «Иш жойларида умумий ва маҳаллий титраш санитариявий меъёрлари»	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЎзР бош давлат санитария шифокори, 28.08.96 й.
18	Ўзбекистан Республикасида кема юрадиган ички йўллари бўйича сузиш қоидалари	Автомобил ва дарё нақлиёти ўзбек агентлиги, ЎзР Адлия вазирлигида 9.07.1999й.да №769 билан қайд қилинган.
19	Автомобил нақлиётида меҳнатни муҳофазалаш бўйича қоидалар	ЎзР КФИ автонақлиёт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси МК, 16.09.93 г.
20	Металларни пайвандлаш, эритишда ва кесишда санитария қоидалари	Собиқ ССРИ Бош санитария шифокори, №1009, 5.03.73 й.
21	Босим остида ишлайдиган идишларнинг тузилиши ва авфсиз ишлатилиш қоидалари	ЎзР (Давтоғтехназорат) агенттлиги, 10.12.93 й.
22	СанПиН 0029-94 Радиофаол ҳавфсизлик санитариявий меъёрлари ва қоидалари	ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бош давлат санитария шифокори, 25.04.1994й.
23	Темир йўл нақлиётида юклаш юк тушириш ишларида ҳавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари	«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК, №МН-11/18, 9.06.98 й.
24	Кўпикни ташиганда ва у билан ишлаганда санитария қоидалари	Собиқ ССРИ бош санитария шифокори, №1131 23.11.73 й.
25	Қўл пуркагични қўллайдиган бўёқчилик ишларида санитария қоидалари	Собиқ ССРИ бош санитария шифокори, №991-72
26	ҚМҚ 3.05.06-97 Электртехникавий қурилмалар	ЎзР Давархитектқурилишқўм, 27.05.97й. №39
27	Меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш ҳақида Ҳолат	ЎзР Меҳнат вазирлиги, 22.12.99 й.
28	Шартнома асосида қурилиш ташкил этиш бўйича ҳолат	ЎзР Вазирлар Маҳкамаси, Қарор №375, 3.09.98 й.
29	Узоқдаги ва ўта муҳим объектларда қурилиш йиғиш ишларини бажаришнинг навбатчилик услуби ҳақида ҳолат	Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўми, Адлия вазирлигида 26.11.98й., №551 билан қайд қилинган
30	Тубдан таъмирлашни лойиҳалаш учун турар-жой, жамоа ва саноат бинолари текширувини ўтказишда ҳавфсизлик қоидалари	Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўм, № 6, 19.01.98й.
31	2 ва 3 сменали тартибда ва ходимлар дам олишининг силжувчан жадвали бўйича узлуксиз иш ҳафтасида қурилиш-йиғиш ишларини амалга ошириш бўйича тавсияномалар	Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўми, №85, 01.99 й.
32	Шахсий қурилиш фирмаси ҳақида намунавий ҳолат	Ўзбекистон Республикаси Давартектқурилишқўми, №1824, 4.11.98 й.
33	ҚМҚ 2.01.08-96 «Шовқиндан ҳимоялаш»	Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўми

№	Ҳужжат	Ким томонидан ва қачон тасдиқланган
34	СанПиН-0046-95 «Иш зона ҳавосида зарарли моддалар чегаравий йўл қўйилган тўпланмалари (ЧЙТ)»	УзР Согликни саклаш ва-зирлиги. УзР Бош Давлат санитария шифокори, 14.12.95 й.
35	Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш ҳақида намунавий ҳолат	ЎзР Меҳнат вазирлиги, 29.06.96 й.
36	Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитишни ва билимларни текширишни ташкил этиш ҳақида намунавий ҳолат	ЎзР вазирлар маҳкамаси, Қарор, 29.06.96й.
37	Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар соғлиғининг бошқа зарарланишларини текшириш ва ҳисобга олиш ҳақида ҳолат	ЎзР вазирлар маҳкамаси, Қарор №286, 6.06.1997й.
38	Йиғиш махсус қурилиш ишлари вазирлиги (ЙМҚВ) ВСН 410-80 «Йиғиш ва махсус қурилиш ишларини бажаришда порохли асбобларни қўллаш бўйича Йўриқнома».	Собиқ ССРИ ЙМҚВ, 22.02.80й. Келишилган: Собиқ ССРИ Давқурилиши, 16.07.79й. қурилиш ходимлари касаба уюшмаси ва ЙКУ МҚ
39	Рудали, норудали ва сочма конларни ер ости усули билан қазишда ягона ҳавфсизлик қоидалари	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, 16.01.96й., «Саноаткон-техназорат» агентлиги, 3.05.96 й.
40	СанПиН 0051-96. Оғир юкларни кўтаришда ва кўчиришда хотин-қизлар учун чегаравий йўл қўйилган юкламалар	ЎзР Соғлиқни саклаш вазирлиги, Бош давлат санитария шифокори, 19.03.96 й.
41	СанПиН 0052-96 Оғир юкларни кўтаришда ва кўчиришда ўсмирлар учун чегаравий йўл қўйилган юкламалар	ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бош давлат санитария шифокори, 19.03.96 й.
42	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси	
43	18 ёшдан кичик шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланган нокулай меҳнат шароитли ишлар рўйхати	ЎзР Меҳнат вазирлиги, 2.04.96й., Бош давлат санитария шифокори, 19.03.96й.
44	СНиП 3.01.01-85 «қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш»	Собиқ ССРИ Давқурилиши,2.09.85 й.

12-ИЛОВА

Мазкур меъёрларда ва ҳодисаларда мурожаат қилинган ГОСТлар Р Ў Й Х А Т И

№№ т.б.	ГОСТ белгиси	Номи
1	12.0.004-90	Ишловчиларни меҳнат ҳавфсизлигига ўқитишни ташкил этиш. Умумий ҳолатлар
2	12.1.013-78	Қурилиш. Электр ҳавфсизлиги. Умумий талаблар.
3	12.1.040-83*	Лазер ҳавфсизлиги. Умумий талаблар.
4	12.1.046-85	Қурилиш. Қурилиш майдончаларини ёритиш меъёрлари
5	12.3.002-75*	Ишлаб чиқариш жараёнлари. Ҳавфсизлик умумий талаблари
6	12.3.003-86	Электр пайвандлаш ишлари. Ҳавфсизлик талаблари.
7	12.3.009-76* (СТ СЭВ 3518-81)	Юклаш-юк тушириш ишлари. Ҳавфсизлик умумий талаблари.
8	12,3.016-87	Қурилиш. Коррозияга қарши ишлар. Ҳавфсизлик талаблари.
9	12.3.032-84* (СТ СЭВ 4032-83)	Электрйиғиш ишлари. Ҳавфсизлик умумий талаблари.
10	12.3.033-84	Қурилиш машиналари. Фойдаланишда ҳавфсизлик умумий талаблари.
11	12.3.005-34	Қурилиш. Бўёқчилик ишлари. Ҳавфсизлик талаблари.
12	12.3.036-84*	Металларга газаланга ёрдамида ишлов бериш. Хавфсизлик талаблари
13	12.3.038-85	Қурилиш. Ускуналар ва қувур ўтказгичлар иссиқлик ҳимояси бўйича ишлар. Ҳавфсизлик талаблари.
14	12.3.040-86	Қурилиш. Том ёпма ва гидроҳимоялаш ишлари. Ҳавфсизлик талаблари
15	12.4.011-87	Ишловчилар ҳимоя воситалари. Умумий талаблар. Таснифлаш.
16	12.4.059-89	Қурилиш. Сақлагич инвентар тўсиқлар. Умумий техникавий шартлар.
17	12.4.087-84	Қурилиш. Қурилиш каскалари. Техникавий шартлар.
18	12.4.089-86	Қурилиш. Сақлагич белбоғлар. Умумий техникавий шартлар.
19	12.4.107-82	Қурилиш. Суғурталаш сим арқонлари. Умумий техникавий талаблари
20	21807-76*	Бетон қоришма учун ҳажми икки куб.м.гача Кўчма хампалар (қовғалар). Умумий техникавий шартлар.
21	23407-78	Қурилиш майдончаларининг ва қурилиш йиғиш ишларини бажариш майдонларининг инвентар тўсиқлари. Техникавий шартлар.
22	24258-88	Тош ётқизиш воситалари. Умумий техникавий шартлар.
23	24259-80	Бинолар конструкцияларини вақтинча маҳкамлаш ва тўғрилаш учун йиғиш ускунаси. Таснифлаш ва умумий техникавий талаблар.
24	26887-86	Қурилиш-йиғиш ишлари учун майдончалар ва нарвонлар. Умумий техникавий шартлар.
25	27321-87	Қурилиш-йиғиш ишлари учун устунли яқин қўйиладиган ҳавозалар. Умумий техникавий шартлар.
26	27372-87	Қурилиш-йиғиш ишлари учун кажавалар. Техникавий шартлар.
27	28012-89	Кўчма йиғма-ажралувчан ҳавозалар. Техникавий шартлар.
28	12.4.026-76*	Сигнал ранглар ва ҳавфсизлик белгилари.

МУНДАРИЖА

		бет.
1.	Умумий қоидалар.	3
2.	Қурилиш майдончаларини, иш участкаларини ва иш ўринларини ташкил қилиш.	10
3.	Қурилиш машиналарини ишлатиш.	18
4.	Технологик жиҳозлардан ва инструментлардан фойдаланиш.	21
5.	Нақлиёт ишлари.	24
6.	Электрпайванд ва газаланган ишлар.	26
7.	Юклаш-тушириш ишлари.	28
8.	Изоляциялаш ишлари.	29
9.	Ер ишлари.	30
10.	Тош ишлари.	34
11.	Бетон ва темирбетон ишлар.	35
12.	Монтаж ишлари.	38
13.	Электр-монтаж ишлари.	42
14.	Ускуналар синаш.	45
15.	Томёпма ишлари.	49
16.	Пардозлаш ишлари.	50
17.	Сунъий асосларни ўрнатиш ва бурғилаш ишлари.	51
18.	Ер ости ишлари.	54
1-илова.	Қурилиш ташкилотларида меҳнатни муҳофазалаш (техникавий ҳавфсизлик) бўйича иш берувчи муҳандисий-техник ходимлар, бригадирлар ва ишчилар функционал вазифалар ҳақида таҳминий низом.	57
2-илова.	Ишланаётган корхона ҳудудида қурилиш йиғиш ишларини бажаришга далолатнома рухсат шакли.	69
3-илова.	Юқори ҳавфга эга бўлган ишларни бажаришга наряд-рухсат шакли.	70
4-илова.	Бажарилиши учун наряд-рухсат берилиши лозим бўлган ишларнинг таҳминий рўйхати.	72
5-илова.	Қурилишда меҳнат муҳофазаси бўйича қоидалар ва меъёрларни билишни текшириш бўйича ҳужжатлар шакллари.	73
6-илова.	Ҳавфсизлик техникаси бўйича қўшимча талаблар қўйиладиган ишчи касблари ва қурилиш-йиғиш ишлари турларининг таҳминий рўйхати.	76
7-илова.	Ишларни бажариш лойиҳалардан (ИБЛ) ҳавфсизлик техникасига оид асосий ечимларнинг таркиби ва мазмуни.	77
8-илова.	Ишчи зона ҳавосидаги баъзи зарарли моддаларнинг чегаравий йўл қўйилган тўпланмалари.	82
9-илова.	Зарарли ишлаб чиқариш омилларини санитария-гигиеник баҳолаш учун қўлланиладиган асбоблар.	83
10-илова.	Меҳнат ҳавфсизлигини ишчиларга ўргатиш бўйича дастурларда акс эттирилиши лозим бўлган саволлар таҳминий рўйхати.	84
11-илова.	Мазкур меъёрларда ва қоидаларда мурожаат қилинган меъёрий ҳужжатлар рўйхати.	85
12-илова.	Мазкур меъёрларда ва ҳодисаларда мурожаат қилинган ГОСТлар РЎЙХАТИ.	88